ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА

МАТННИНГ АНТРОПОЦЕНТРИК ТАДҚИҚИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
"Фан" нашриёти
Тошкент – 2013

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЎК: 811.512.135
КБК: 81.2 Ўзб

Мазкур монографияда ўзбек тилидаги матнларни антропоцентрик парадигма асосида тадқиқ этиш муаммолари ёритилган. Ўзбек тилидаги матнларнинг энг муҳим когнитив-семантик, лингвокультурологик ҳамда психолингвистик хусусиятлари матн яратилиши ва мазмуний идроки мисолида таҳлил этилган.

Монографиядан тилшунослар, матн лингвистикаси билан шуғулланаётган тадқиқотчилар ҳамда бакалавр ва магистрлар, умуман, филолог мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

The problem of investigation of Uzbek texts on the base of anthropocentric paradigm is described in this monography. Uzbek texts' very important cognitive-semantic, linguo-culturological and psycholinguistic peculiarities are analyzed on the example of text creating and understanding of text's meaning.

This monography will be used by linguists, researcher who is doing research on the field of textual linguistics, in general, philologists.

Масъул муҳаррир:
филология фанлари доктори, профессор **Н. Маҳмудов**

Тақризчилар:
филология фанлари доктори, профессор **М. Миртожиев**
филология фанлари доктори, профессор **Э. Бегматов**

ISBN 978-9943-19-256-0

© ЎзР ФА "Фан" нашриёти, 2013 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

КИРИШ

XX аср жаҳон тилшунослиги тарихида матн лингвистикаси шаклланган ва мустақил йўналишлардан бирига айланган давр ҳисобланади. Лисоний ҳодисаларни йирик масштабларда тадқиқ этувчи мазкур соҳа XXI асрда янада жадал суръатлар билан ривожланиб, фан олдига янги муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Ана шундай муаммолардан бири тил тизимини антропоцентрик парадигма асосида тадқиқ этишдир. XX асрнинг сўнгги чорагида юзага келган антропоцентрик парадигма тилшуносликда туб бурилиш сифатида баҳоланиб[1], бу борада кўплаб тадқиқотлар яратилмоқда.

Тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг шаклланиши тил эгаси – сўзловчи шахс омилини тадқиқ этиш билан боғлиқдир. "Тилшуносликда антропоцентрик бурилишнинг юзага келиши структурализмнинг тилни тадқиқ этишнинг "ўзида ва ўзи учун" тамойилини четга суриб, асосий эътиборини шахс омилига қаратди[2].

Маълумки, жаҳон тилшунослигида матнга дастлаб асосан семантик ва синтактик нуқтаи назардан ёндашилган. Кейинги йилларда, хусусан, XXI аср бошларидан уни лингвокультурологик, прагматик, социолингвистик, когнитив ва психолингвистик тамойиллар асосида тадқиқ этиш тенденцияси кучайди. Матнга фақат тил тизими унсурларининг нутққа кўчирилиши жараёни маҳсули сифатида эмас, балки ижтимоий қимматга эга бўлган мулоқот шакли, ўзида муайян интеллект эгасининг билимларини, лисоний тафаккурини акс эттирувчи ментал қурилма сифатида қарала бошланди.

Жаҳон тилшунослигининг лингвопрагматика, лингвокультурология, писхолингвистика, когнитив тилшунослик, этнолингвистика, дискурсив таҳлил каби йўналишларида матн яратилиши ва идрокида шахс омили масаласи тадқиқот объектининг марказини ташкил этади. Мазкур соҳаларнинг юзага келиши фанда инсонни

---

[1] Нурмонов А. Мустақиллик даврида ўзбек тилшунослиги тараққиёти / Танланган асарлар. 3 жилдлик. – Тошкент, 2012. 3-жилд. – Б. 38.

[2] Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании / Филологические науки. – 2001. – №1. – С. 64.

www.ziyouz.com kutubxonasi

янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда лисоний фаолиятни кенгроқ ёритиш ҳаракатлари билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида: "...ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади", – деб алоҳида таъкидланади[1]. Матнни антропоцентрик парадигма асосида тадқиқ этиш тилнинг жамиятнинг энг муҳим субъекти бўлган шахс билан алоқадор жиҳатларини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, матн яратилиши ва унинг мазмуний идроки масалаларини антропоцентрик парадигма асосида тадқиқ этиш ўзбек тилида сўзлашувчи тил эгаларининг "тафаккур грамматикаси"ни, лисоний онг даражаси ҳамда миллий-ассоциатив фикрлаш тарзини ёритиб беришда муҳимдир.

Жаҳон тилшунослигида тил тизимини шахс билан боғлиқ тарзда ўрганиш асосан лингвистик семантика, когнитив тилшунослик, психолингвистика, прагматик тилшунослик, лингвокультурологияга оид тадқиқотларда намоён бўлган. Хусусан, В. фон Гумбольдт, Л.Вайсгербер, Э.Сепир, Б.Л.Уорф, А.А.Потебня, Ж.Лакофф, М.Жонсон, Ван Дейк Т.А., У.Чейф, Н.Хомский, Э.Рош, Ю.Н.Степанов, Л.В.Щерба, А.А.Леонтьев, Н.И.Жинкин, Е.С.Кубрякова, В.З.Демьянков, В.А.Маслова, Н.И.Караулов, Ф.К.Седов каби тилшуносларнинг ишларида тил тизими шахс омили билан боғлиқликда тадқиқ этилган. Ўзбек тилшуносларининг лингвистик семантика, прагматика, когнитив тилшуносликка оид тадқиқотлари ўзида антропоцентрик йўналиш тенденцияларини намоён қилса-да, бу борадаги тадқиқотлар ҳали етарли даражада эмас.

Таъкидлаш лозимки, ўзбек тилшунослигида матннинг лингвопоэтик, прагматик, деривацион, коммуникатив хусусиятларига бағишланган муайян тадқиқотлар амалга оширилган. Лекин ўзбек тилида яратилган матнлар шу вақтга қадар антропоцентрик аспектда яхлит ҳолда тадқиқ қилинган эмас.

Жаҳон тилшунослигида прагмалингвистика, дискурсив таҳлил, когнитив тилшунослик, лингвокультурология каби соҳаларнинг юзага келиши ва ривожланиши матн яратилиши ҳодисасининг талқинида ҳам жиддий назарий қарашларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Хусусан, матн таҳлилига антропоцентрик нуқтаи назардан ёндашиш бугунги тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бирига айланди. Мураккаб ва серқирра ҳодиса ҳисобланган матн

[1] Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 83.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тадқиқида сўзловчи – матн – тингловчи (ёзувчи – матн – ўқувчи) дан иборат учлик асосий объект бўлиши лозимлиги кўплаб тадқиқотчилар томонидан таъкидланмоқда[1].

Таниқли рус тилшуноси Ю.Н.Караулов тил ва шахс масалаларига бағишланган мақолалар тўпламига ёзган сўзбошисида "Ҳар қандай матн ортида лисоний тизимларни эгаллаган муайян шахс туради" деган фикрни алоҳида таъкидлаган эди"[2]. Дарҳақиқат, тил ва шахс муносабатларини ёритиб беришда энг муҳим манба бу матндир. Зеро, у тилнинг барча сатҳларини мужассам этувчи нутқий тузилма бўлиши билан бирга, сўзловчи (ёзувчи) шахсининг лисоний компетенциясини ўзида тўлиқ намоён этувчи ҳодиса ҳамдир. Матннинг ташқи ва ички тузилиши муайян миллатга мансуб тил эгаларининг шахснинг лисоний қобилиятини акс эттирувчи ўзига хос кўзгуга ўхшатиш мумкин.

Матн тадқиқига оид ишларда уни яратувчи шахсга эътиборнинг қаратилиши дастлаб психолингвистика ва прагмалингвистика йўналишидаги тадқиқотларда кўзга ташланган бўлса, бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган когнитив тилшунослик, функционализм, этнолингвистика, лингвокультурология, дискурсив таҳлил каби соҳалар ушбу масалани тилшуносликнинг марказий муаммоларидан бирига айлантирди.

Проф. Н.Маҳмудов антропоцентрик парадигманинг шаклланиши ҳақида қуйидаги фикрларини баён қилади: "Тилнинг ана шундай объектив хусусиятига мувофиқ равишда антропоцентрик парадигмада инсон асосий ўринга чиқарилади, тил эса инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур ҳисобланади. Мутахассислар таниқли рус адиби С.Довлатовнинг "инсон шахсиятининг 90 фоизини тил ташкил қилади" деган ҳикматомуз гапини тилга оладилар. В.А.Маслова таъкидлаганидай, инсон ақлини, инсоннинг ўзидай, тилдан ва нутқ яратиш ҳамда нутқни идрок қилиш қобилиятидан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди"[3].

Бугунги тадқиқотларни кузатар эканмиз, шундай бир ҳолатни сезмаслик мумкин эмас: лисоний фаолият бажарувчиси бўлган шахс омилини ўрганиш юқорида қайд этилган тилшунослик соҳалари –

---

[1] Қаранг: Кубрякова Е.С. О тексте и критериях его определения // Текст. Структура и семантика. Т.1. – М., 2001. – С.72-81.

[2] Қаранг: Караулов Ю.Н. Русская языковая личность и задача её изучения // Язык и личность. – М., 1989. – С. 3-8.

[3] Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 6-7.

www.ziyouz.com kutubxonasi

психолингвистика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик, прагмалингвистика каби соҳаларда чуқурлашиб бормоқда. Айни вақтда, тил тизимига антропоцентрик ёндашув ушбу соҳаларнинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этиб, мустақил парадигма сифатидаги мақомини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.

Айрим тилшуносларнинг фикрича, антропоцентрик парадигма ўтган асрда структурализм муваффақиятлари натижаси сифатида юзага келган "ўзида ва ўзи учун" тамойилини бутунлай четга суриб қўйди[1]. Бунда асосий эътибор нутқий фаолият бажарувчиси, яъни нутқ тузувчи ва уни идрок этувчи тил эгасига қаратилди.

Айтиш жоизки, илмий парадигмага "тил эгаси" категориясининг киритилиши тилшуносликда **шахс, лисоний онг, тафаккур, фаолият, менталлик, маданият** каби тушунчаларнинг янада фаоллашишини тақозо этади[2]. Шахс омилининг тадқиқи тилшунослик фанининг психология, фалсафа, мантиқ, маданиятшунослик каби фанлар билан бир нуқтада кесишишга ҳам олиб келади.

"Тил эгаси" тушунчаси ҳозирги вақтда тилшуносликда асосан қуйидаги маъноларда ишлатилмоқда: а) муайян тилда нутқий фаолиятни амалга оширувчи, яъни нутқ тузиш ва уни идрок этиш қобилиятига эга бўлган шахс; б) тилдан мулоқот воситаси сифатида фойдаланувчи шахс, коммуникант; в) ўз миллатининг миллий-маданий, маънавий қадриятларини акс эттирувчи луғат таркибини эгаллаган, уни намоён этувчи шахс; муайян тил вакили[3].

Ҳозирги тадқиқотларда тилшуносликнинг турли йўналишлари шахс омили масаласига ўз хусусиятидан келиб чиқиб ёндашмоқда.

Матн талқини ва шахс омили масаласи матн яратилиши ва унинг мазмуний перцепцияси муаммолари билан узвий боғлиқдир. Бу масалани тадқиқ этишда матн яратувчи шахснигина эмас, уни идрок этувчи шахс – тингловчи ёки ўқувчи омилини ҳам ўрганиш муҳимдир. Ш.Сафаров сўзлари билан айтганда: "Лисон инсон мавжудлигини, унинг ижтимоий тажриба-фаолиятини таъминловчи ҳодисадир. Демак, лисон тадқиқи билан шуғулланаётган кимса беихтиёр *ўзини билиш* билан машғулдир, зеро, лисоний фаолият ҳодисасининг моҳияти – унинг ижрочиси – шахс ва ушбу шахснинг ижтимоий, шахслараро муносабатга киришиши билан

---

[1] Қаранг: Воркачев С.Т. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. – Москва, 2001. – № 1. – С. 64.

[2] Седов К.Ф. Дискурс и личность. М., 2004. – Б. 5.

[3] Воркачев С.Т. Кўрсатилган мақола. – Б. 8-11.

www.ziyouz.com kutubxonasi

белгиланади"[1]. Рус тилшуноси Р.И.Гальпериннинг фикрига кўра эса қоғозга ёзилиб, ҳали ўқилмаган матн ҳаракатсиз матндир[2]. Хусусан, ёзма матн ўқувчи томонидан ўқилмагунча ҳаракатга келмайди, унда ифодаланган мазмун ва прагматик мақсад, оҳанг орқали юзага келган кайфият ўқувчи томонидан тушунилмайди ва ҳис этилмайди.

Матн яратувчи ва уни идрок этувчи шахс омилини ўрганиш тадқиқ объектига турли жиҳатлардан, хусусан, семантик, психологик, прагматик, когнитив ва лингвокультурологик нуқтаи назардан ёндашишни тақозо этади.

Матн яратилишида ёзувчи (ёки сўзловчи) омилини тадқиқ этиш индивидуал услуб масаласини ҳам чуқурроқ ёритишга олиб келади. Зеро, тилшунослигимизда муайян ёзувчи ёки шоир услуби асосан сўз ва гап сатҳи мисолида ўрганилган. Индивидуал услубга бу тарздаги ёндашув кўп ҳолларда ижодкор услубининг барча қирраларини тўлиқ кўрсатиб беришга монелик қилади.

Н.И.Жинкин таъбири билан айтганда: "Инсон алоҳида гаплар воситасида эмас, матн воситасида сўзлайди"[3]. Шу сабабли ҳам муайян шахс услуби у яратган матнлар асосида тадқиқ этилсагина, кутилган натижаларга эришиш мумкин. Бирор ёзувчи ёки ижодкорнинг нутқий услубини унинг сўз қўллаш ёки жумла тузиш маҳорати нуқтаи назари билан тадқиқ қилиш усули бугунги кун талабига жавоб бермайди. Шу боисдан матн яратилиши масаласини шахс услуби билан узвийликда ўрганиш матннинг лингвистик жиҳатларига теранроқ назар билан қарашга олиб келади.

Матн яратилиши билан боғлиқ муаммолардан бири – унинг лингвокогнитив томонидир. Ўзбек тилшунослигида бу борада муайян ишлар амалга оширилди: Ш.Сафаровнинг "Когнитив тилшунослик" китобида бу соҳанинг назарий масалалари ёритилган бўлса, С.Боймирзаеванинг докторлик диссертациясида матннинг когнитив-дискурсив фаолият эканлиги ҳақидаги фикрлар илгари сурилган[4].

Маълумки, когнитология ўз моҳиятига кўра семантика билан узвий боғлиқдир. А.В.Кравченконинг фикрига кўра "... когнитив

---

[1] Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б. 5.

[2] Гальперин Р.И. О понятии текст // Вопросы языкознания. – Москва, 1974. – №6. – С.22.

[3] Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. – М., 1982. – С. 108.

[4] Қаранг: Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 91; Боймирзаева С.Ў. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 49.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилшунослик ўз олдига тил воситасида билимларни сақлаш, ифодалаш ва узатиш механизмларини тадқиқ этишни асосий вазифа қилиб қўяди"[1]. Бундай вазифа эса, табиийки, инсон томонидан амалга оширилади. Жаҳон тилшунослигида яратилган бой назарий маълумотларга суянган ҳолда муайян ижодкор шахс тилининг лингвокогнитив хусусиятларини ўрганиш ўзбек тили соҳибининг тафаккур тарзини ёритиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Матн яратилишида шахснинг когнитив фаолиятини тадқиқ этиш ўзбек менталитетига хос фикрлаш тарзини ҳам чуқурроқ ёритишга хизмат қилади. Зеро, матнда концептуаллашган фикр айрим ҳолларда этник характерда ҳам бўлиши мумкин[2].

Матн яратилиши жараёнини тадқиқ этиш орқали Н.И.Жинкин томонидан қайд этилган универсал предмет кодларининг лисоний шакл олиш босқичларини таҳлил этиш мумкинки, бу босқичлар хусусан бадиий матн яратувчи шахс фаолиятида ўзига хос тарзда амал қилади[3]. Бинобарин, муайян шахс нутқининг лингвокогнитив хусусиятларини ўрганиш ўзида кўп ҳолларда имплицитликни намоён этувчи бадиий нутқ яратилиши механизмига оид кўпгина қоронғи ва сирли "ҳудудларни" ёритиш имконини ҳам беради.

Бугунги кунда кўплаб тадқиқотчилар XXI асрни фанлар интеграцияси асри деб ҳисобламоқдалар. Муайян объект моҳиятини ёритишда фанлараро ҳамкорлик ўз натижаларини бермоқда. Бу каби ёндашувдан мураккаб мавжудот бўлган шахс феноменининг нутқий фаолиятини тадқиқ этишда ҳам фойдаланиш энг тўғри йўлдир. Зеро, инсон нутқи унинг ўзи каби мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса ҳисобланади. Бу борада тилшунослик соҳаларининг ҳамкорлиги ўз самараларини бериши шубҳасиздир.

Айтиш лозимки, XXI асрнинг дастлабки йилларида ўзбек тилшунослигида матн лингвистикаси йўналишида жиддий тадқиқотлар амалга оширилди: матн лингвопоэтикаси, унинг мазмуний идроки, прагматик, деривацион ва психолингвистик хусусиятлари, матн модаллиги ва темпораллиги ҳақида монографик аспектдаги ишлар юзага келди[4]. Шу билан бирга матн лингвистикасида ҳали тадқиқ

---

[1] Кравченко А.В. Знак, значение, знание. Очерк когнитивной философии языка. – Иркутск, 2001. – №1. – С.60.

[2] Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б. 245.

[3] Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. – М., 1982.

[4] Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 23 б.; Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета

www.ziyouz.com kutubxonasi

объектига тортилмаган муаммолар ҳам талайгина. Улардан бири матннинг антропоцентрик хусусиятларини ёритишдир.

Тилшунос олим Н.А.Арутюнова таъбири билан айтганда, "... бир мақсадга йўналтирилган ижтимоий фаолият тури, кишиларнинг ўзаро муносабатларида ва улар онгининг механизмлари (когнитив жараёнлар)да қатнашувчи нутқ; воқелик билан муносабатда олинган матн"[1] бўлган дискурс муаммосини ҳамда лисоний тафаккур бажарувчиси бўлган шахс фаолиятини ўзаро алоқадорликда тадқиқ этиш ўзбек тилшунослигида антропоцентрик таҳлил тамойилларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, дискурс мақомидаги матнни унинг юзага келиши, идрок этилиши ва тушунилиши нуқтаи назаридан ўрганиш матн ҳақидаги назарий қарашларни янада чуқурлаштиради.

Дискурсив фаолият эгаси бўлган шахс интеллекти ва фикрлаш тарзининг матн шаклига кириш жараёни механизмларини тадқиқ этиш эса тафаккур моделларининг ўзбек тилидаги инъикосига хос хусусиятларни аниқлашга имконият яратади. Фикримизча, бунда матннинг нутқ услубларига кўра турларидан бири бўлган бадиий матн таҳлили ўзбек тилшунослиги учун бой материаллар бера олади.

Кўплаб тадқиқотчиларнинг эътироф этишича, когнитив тилшунослик ва лингвокультурология антропоцентрик парадигманинг етакчи йўналишлари ҳисобланади[2]. Биз ҳам бу фикрни эътироф этган ҳолда психолингвистика соҳасини ҳам шу қаторга киритиш лозим, деган фикрни илгари суриш тарафдоримиз. Зеро, когнитив тилшунослик ва лингвокультурология жуда кўп нуқталарда психолингвистика билан кесишади. Яна шу нарсани таъкидлаш лозимки, тадқиқ объектимиз бўлган матн яратилиши ва унинг мазмуний идроки масаласи бевосита психолингвистик омилларга ҳам дахлдор ҳисобланади. "Психолингвистика асослари" китобининг муаллифлари И.Н.Горелов, К.Ф.Седовларнинг таъкидига кўра, "психолингвистика тилшуносликдаги антропоцентрик йўналишнинг

матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи. – Тошкент, 2008. – 26 б.; Юлдашев М.М. Бадиий матнининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 2009. – 48 б.; Турниёзова Ш. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 26 б.; Боймирзаева С. Ўзбек тилида матнининг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010.

[1] Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990. – С. 136-137.

[2] Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ядросини ташкил этади"[1]. Шу боисдан мазкур тадқиқотда ўзбек тилидаги матнларни уч жиҳатига кўра, яъни когнитив-семантик, психолингвистик ва лингвокультурологик хусусиятлари асосида тадқиқ этиш асосий мақсад қилиб қўйилди. Бадиий, сўзлашув ҳамда публицистик услубда яратилган ўзбек тилидаги насрий ва шеърий матнлар тадқиқот объекти сифатида танланган. Ўзбек тилидаги матнларнинг антропоцентрик хусусиятлари тадқиқот предметини ташкил этади. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, бир монография доирасида ўзбек тилидаги матнларнинг барча антропоцентрик хусусиятларини батафсил тадқиқ этишнинг имкони йўқ, албатта. Шу боисдан унда ўзбек тилидаги матнларга хос бўлган энг муҳим антропоцентрик жиҳатлардан бири бўлган матн яратилиши ва унинг мазмуний идроки муаммоси таҳлил доирасига тортилди. Ўйлаймизки, матннинг антропоцентрик таҳлили мазкур тадқиқот билангина чекланиб қолмайди. Бу борада ўзбек тилшунослигида яна кўплаб тадқиқотлар яратилиши шубҳасиздир.

[1] Горелов И.Н., Седов К.Ф. Основы психолингвистики. Учебное пособие. – М.: Лабиринт, 2001. – С. 4.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1-БОБ

МАТННИНГ АНТРОПОЦЕНТРИК ТАЛҚИНИ

1.1. Матнни когнитив-семантик тадқиқ этиш муаммолари

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида ўзининг илк қадамларини қўйган когнитив тилшунослик XXI аср бошидаёқ лингвистиканинг пешқадам соҳаларидан бирига айланиб улгурди. Тадқиқотчилар томонидан "фанлар федерацияси[1]" деб таърифланувчи ушбу соҳанинг ҳозирги вақтда ўнга яқин йўналишлари мавжуд.

Проф. Ш.Сафаров томонидан 2006 йилда нашр қилинган "Когнитив тилшунослик" номли монография ўзбек тилшунослигида ушбу соҳа бўйича эълон қилинган дастлабки тадқиқот ҳисобланади.

Когнитив тилшунослик – тилни умумий когнитив механизм сифатида ўрганувчи соҳадир. В.З.Демьянков фикрига кўра, унда тил структураларининг ахборотни қайта ишлашдаги роли нутқ яратилиши ва идрок этилиши нуқтаи назаридан ўрганилади. Бунда нутқ яратувчи ва уни идрок этувчи субъектлар – сўзловчи ва тингловчига ахборотни қайта ишловчи тизим сифатида қаралади[2].

Олимнинг таъбирича, "... тилшунослик майдонида старт олган тадқиқотчи финишда "қўшма фанлар" манзилига етиб келади[3]. Яъни когнитив тилшунослик билан шуғулланмоқчи бўлган шахсдан ушбу соҳанинг юзага келишига асос бўлган психология, неврология, гносеология, социология, сунъий интеллект каби фанлар алифбосидан ҳам хабардор бўлиш талаб этилади.

Когнитив тилшунослик когнитив фаолият тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Когнитив фаолият инсоннинг бирор нарса ёки воқеликни идрок этишини амалга оширувчи тафаккур жараёнидир[4].

Когниция тушунчаси ҳам когнитив тилшуносликда марказий

---

[1] Қаранг: Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопросы языкознания. – Москва, 1994. – № 4. – С. 17–33.

[2] Демьянков В.З. Кўрсатилган мақола.

[3] Демьянков В.З.Кўрсатилган мақола.

[4] *Краткий словарь когнитивных терминов. Составители:* Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. – М., 1997. – С. 47.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўринда турувчи тушунча бўлиб, у илмий адабиётларда ахборотни идрок этиш, кодлаштириш ва яратиш каби жараёнлар тизими сифатида изоҳланади[1].

Когнитив тилшуносликда энг фаол қўлланувчи ва турлича таърифларга эга бўлган термин *концепт* ҳисобланади. Унинг когнитив тилшунослик, лингвокультурология, шунингдек, адабиётшунослик фанларидаги изоҳи ўзаро фарқланади[2]. Мазкур термин тилшуносликда ўтган асрнинг 80-йилларигача *тушунча* сўзига синоним сифатида ишлатилган бўлса[3], унинг ҳозирги вақтдаги изоҳи *тушунча* терминига нисбатан кенгроқ маъно касб этганини кўриш мумкин. Жумладан, Н.Ю.Шведова концепт бу – тушунча эканлиги, бу тушунча ортида эса ижтимоий ёки субъектив тарзда англанувчи, инсон ҳаётининг муҳим моддий, ақлий, руҳий томонини акс эттирувчи, ўз тарихий илдизларига эга бўлган, халқнинг умумий тажрибасини акс эттирадиган мазмун туришини қайд этади[4].

Проф. Н.Маҳмудов ўз мақолаларидан бирида *концепт* термини ҳақида мулоҳаза юритиб, шундай ёзади: "Лингвокультурологик тадқиқотларда айнан концептнинг ифодаланиши муаммоларига жуда катта эътибор қаратилмоқда, интернет материаллари билан танишганда, масалан, Россиядаги тилшуносликларда бу йўналиш ниҳоятда кенг тарқалганини кўриш мумкин, бу борадаги ишларни санаб, саноғига етиш ҳам мушкул. Ҳатто сўнгги йилларда ёқланган номзодлик диссертацияларининг жуда катта қисми айнан у ёки бу тилда концептнинг лингвокультурологик тадқиқига бағишланган"[5].

Рус тилшуноси Л.В.Адонина *концепт* терминига бағишланган мақоласида бу терминнинг таниқли тилшунослар томонидан қайд этилган 12 та таърифини келтиради. Шунингдек, унинг маълумотига кўра, *концепт* термини ўн нуқтаи назардан тасниф қилинган. Масалан, концепт стандартлашишига кўра универсал, этник, гуруҳга оид ва шахсий концептларга, қўлланишига кўра илмий, бадиий, маиший концептларга; ифодаланишига кўра

---

1 Кўрсатилган луғат. – Б.51.

2 Демьянков В.З. Понятие и концепт в художественной литературе и в научном языке // Вопросы филологии. – Москва, 2001. – №1. – С.35-47.

3 Демьянков В.З. Кўрсатилган мақола.

4 Шведова Н.Ю. Избранные работы. – М., 2005. – С. 603.

5 Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 9.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лексик-фразеологик, грамматик, синтактик ва матний концептларга бўлинади ва ҳ.к.[1]

Концепт термини борасидаги фикрлар Н.Маҳмудов, Ш.Сафаров ҳамда А.Э.Маматов томонидан батафсил изоҳланган[2]. Шу боисдан биз концепт ҳақидаги ўз қарашларимиз билан чекланишни маъқул ҳисоблаймиз. Фикримизча, концепт, дарҳақиқат, ментал тузилма. Шунингдек, у айни вақтда кўп қиррали ва кўп қатламли, ўзида психологик, когнитив-семантик ва лингвокультурологик жиҳатларни намоён этувчи тузилмадир. Зеро, концептнинг когнитив ва лингвокультурологик тадқиқотлар объекти сифатида тавсифланаётгани ҳам шундан далолат беради. Шу сабабли биз концептнинг субъектив, ижтимоий, лингвомаданий, бадиий концептлар сифатида типларга ажратилганини ягона моҳиятга турли жиҳатлардан ёндашув сифатида баҳолаймиз. Зотан, тил тизимининг ўзи юқоридаги сифатларни ўзида жамулжам этган ниҳоятда серқирра ҳодисалардан бири ҳисобланади.

Когнитив тилшуносликда лисоний концептуаллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Лисоний концептуаллаштириш объектив воқелик ёки унинг бирор қисмини тил воситасида ифодалашдир. У "...инсон онгида тўпланган маъноларнинг вербаллаштирилган шакли ва дунё ҳақидаги билимларининг муайян тил воситасида тизимлаштирилиши бўлиб, қисман универсал, қисман миллий характерга эга бўлади"[3].

Когнитив фаолиятда когнитив метафораларнинг аҳамияти беқиёсдир. Когнитив тилшунослик асосчиларидан бири Ж.Лакофф ўз тадқиқотларида метафора фақат тил ҳодисаси бўлибгина қолмасдан, инсоннинг билиш фаолиятида муҳим ўрин тутувчи восита эканлигини чуқур асослаб берган. Когнитология фани нуқтаи назаридан когнитив метафора инсоннинг ўз билимларини намоён қилиши ва концептуаллаштириши усулларидан бири ҳисобланиб, унинг моҳияти бир объектни бошқа бир объект воситасида тушунтириш ва тушунишдан иборатдир[4].

---

[1] http: // rtsu slavist./t index php? option=com conten tack wiew & id=149 & itemed=80

[2] Қаранг: Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006; Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2012. – Б. 212-220. Маҳмудов Н. Кўрсатилган мақола.

[3] Рыбникова В.А. Языковая концептуализация социума. – Краснодар, 2011.

[4] Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем (Перевод Н.В. Перцова) // Теория метафоры. – М., 1990. – С 387-415.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жаҳон тилшунослигида метафораларга оид кўплаб тадқиқотлар яратилганига қарамай[1], ушбу ҳодиса тилшуносларни тобора ўзига жалб этмоқда. Хусусан, лингвокультурология ҳамда когнитив тилшунослик соҳаларининг шаклланиши метафораларни янада чуқурроқ ўрганиш, бу ҳодисани тадқиқ этишда метафорик мазмунли матнларни ҳам эътиборга олишни тақозо қилмоқда. (Метафораларнинг матн яратилишидаги ўрни хусусида ишимизнинг II бобида батафсил тўхталамиз).

Бугунги кунда матн лингвокогнитив йўналишдаги кўплаб тадқиқотларнинг асосий текшириш объектига айланган.

Шахс омилини асосий омиллардан бири сифатида талқин этувчи қарашлар ичида матн яратилишининг когнитив ва психолингвистик талқини диққатга сазовордир. Когнитив талқин матн яратилишига "муаллиф – матн – матндан ташқаридаги воқелик" тамойили асосида ёндашиб, матнга бир вақтнинг ўзида бир неча нуқтаи назар билан қараш фикрини илгари суради[2]. Жумладан: сўзловчи мақсадининг ифодаси бўлган матн, нутқ яратилиши маҳсули бўлган матн, тушуниш объекти бўлган матн, тушуниш маҳсули бўлган матн[3].

Матн яратилишининг когнитив талқинига биноан, матн – ментал тузилманинг тилга кўчирилишидир. Бундан кўринадики, ушбу талқинга кўра, ботиний нутқдаги бўлажак матнга кетмакет жойлашувчи пропозициялар йиғиндиси сифатида эмас, балки бутундан қисмларга қараб ҳаракатланувчи яхлит шакл сифатида қаралади. Маълумки, тилшуносликда матннинг ташқи (лексик-грамматик) ва ички (семантик) тузилишига эга эканлиги эътироф этилади[4]. Матннинг ички тузилиши ўзида семантик концентрат, ядровий мазмунни намоён этади. Когнитив тилшуноснинг вазифаси ана шу мазмунга когнитив асос бўлган ментал тузилмаларни аниқлашдан иборатдир.

Когнитив тилшунослик намояндаларидан бири В.З.Демьянков маълумотига кўра, танланган коммуникатив стратегиядан келиб чиқиб, бир ахборот турли шароитларда ҳар хил тарзда ифодаланиши мумкин. Инсон хотирасидаги тартибга солинган ахборот

---

[1] Қаранг: Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С. 512.

[2] Комарова Л.И. Современные подходы к изучению художественного текста // Аналитика культурологии. Электронное научное издание. ISSM, 1990. – 4045.

[3] Чувакин А.А. Теория текста: объект и предмет исследования // Критика и семиотика. Вып. 7. – М., 2004. – С.88-90.

[4] Қаранг: Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М. 2004. – С. 45.

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан унинг вербал шакли орасида катта фарқ ҳам бўлиши мумкин. Матн яратилиши модулларига ахборот генератори ва артикуляторлари киради. Нутқ, хусусан, матн яратилиши нафақат семантик ва грамматик қонуниятларга, балки ахборотни баён қилишнинг ўзига хос қоидаларига ҳам бўйсунади. Воқеа-ҳодисаларни баён қилиш схемалари турлича бўлиб, матн ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлигига мувофиқ равишда юзага келади[1].

Нутқ яратилиши жараёнида сўзловчи ўз нутқини тингловчининг реакциясига қараб ўзгартириб боради. Таъкидлаш лозимки, нутқни режалаштириш ҳамда унинг реализацияси деярли бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Инсон ҳар доим ҳам ўз нутқининг қандай шаклда ифодаланишини олдиндан билавермайди, чунки бир жумла ёки сўз бошқа жумла ёки сўзни айтишни тақозо қилади. Когнитивистлар ҳамда психолингвистлар фикрига кўра, бу жараён грамматик монитор қурилма (мониторинг) назорати остида кечади. Матн яратилиши вақтида шахс тайёр лисоний бирликлар билан бир қаторда номинация стратегияларидан ҳам фойдаланади. Одатда, матн яратилиши жараёнида иккита босқич белгиланади: матн тузишни режалаштириш (концептуал мазмунни тартибга солиш); матн генерацияси (табиий тилга трансформация қилиш)[2].

Ҳозирги вақтда когнитив тилшуносликда кенг тарқалган методлардан бири фрейм таҳлили ҳисобланади. Лингвокогнитологияга кўра, ҳар қандай матн маълум бир фрейм ифодасидир. Фрейм назариясини яратган олимлардан бири М.Минский унга шундай таъриф беради: "....фрейм – стереотип вазиятларни намоён қилиш усулларидан бири ҳисобланиб, ҳар қандай фреймда кўпқиррали ахборот ўзаро боғланган бўлади"[3]. Бинобарин, фрейм у ёки бу типик вазиятнинг кенг ҳажмли прототипи бўлиб, матн яратилиши жараёнида когнитив контекст вазифасини бажаради. Бу ўринда шуни ҳам айтиш лозимки, матн яратилиши тадқиқида когнитив тузилмалардан бири бўлган гештальт ҳам муҳим ўрин тутади. Ҳозирги тилшуносликда мавжуд бўлган *семантик гештальтлар назарияси* тилнинг луғавий сатҳини ўрганишга татбиқ этилган[4]. Геш-

[1] Қаранг: Демьяньков В.З. Продуцирование, или порождение речи // Краткий словарь когнитивных терминов. – М., 1996. – С.129-134.

[2] Ўша ерда.

[3] Минский М. Остроумие и логика когнитивного бессознательного // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XIII: Когнитивные аспекты языка. – М., 1988. – С. 289.

[4] Қаранг: Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. М., 2001.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тальт ҳодисасини матн билан боғлаб ўрганувчи тадқиқотлар сони эса жуда оз. Ваҳоланки, ҳар қандай матн яратилиши "бутундан – бўлакка" жараёнини акс эттиради. Проф. Ш.Сафаров фикрига кўра, гештальт ва матн яратилишини узвийликда тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади[1].

Матнни тушунишни кодни англаш жараёни сифатида талқин этиш ўтган асрнинг сўнгги чорагида эътиборни жалб қилган қарашлардан бири бўлди. Машҳур психолингвист Л.С.Виготский "Мышление и речь" (Тафаккур ва нутқ) китобида (Москва, 1982) вербал тафаккур табиатини кенг миқёсда ёритиб берди. Кодлаштириш назариясини ривожлантиришда "Жинкин мактаби" деб номланган йўналиш вакиллари катта роль ўйнадилар.

Н.И.Жинкин ўз тадқиқотларида УПК (универсал-предмет коди) ҳақидаги назарияни илгари сурди. Бу қарашларга кўра, инсон нутқи дастлаб унинг онгида аморф – шаклсиз ҳолатда бўлади. Бу шакл вербал шакл эмас, у тасаввур ҳолатида бўлади. Бундай предмет коди барча миллат вакиллари учун универсал характерда бўлиб, уни барча тилларга таржима қилиш мумкин.

Н.И.Жинкиннинг мазкур қарашини И.Н.Горелов ўз тадқиқотларида ривожлантириб, УПК информация узатишнинг коммуникатив усулларининг нейрофизиологик кўриниши эканлигини қайд этди. Гореловнинг фикрига кўра, айнан мана шу жараён тафаккурнинг тилга айланиш босқичида воситачилик вазифасини бажаради[2].

XX асрнинг сўнгги чорагидан жаҳон тилшунослигида лисоний фаолият маҳсули бўлган ҳар қандай нутқий тузилмани уни яратувчи ва идрок этувчи шахс – муаллиф ва реципиент мулоқоти нуқтаи назаридан тадқиқ этишга катта эътибор қаратила бошланди. Нутқий тузилмани мулоқот жараёни сифатида ўрганиш *дискурс* тушунчасининг юзага келишига сабаб бўлди.

Ўтган асрнинг 50-йилларида америкалик тилшунос Зеллиг Харрис томонидан биринчи марта қўлланган *дискурс* сўзи бугунги кунда тилшуносликнинг марказий масалаларидан бирини ифодаловчи ҳодисани англатмоқда.

Дискурс тушунчаси ҳозирги даврда шиддат билан содир бўлаётган фанлар интеграциясини ўзида яққол намоён этади. У адабиётшунослик, тилшунослик, фалсафа, тарих, социология, ан-

[1] Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006.

[2] Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004. – С. 10–11.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тропология, педагогика, сиёсатшунослик каби фан соҳаларининг ҳар бирида махсус дефиницияга эга бўлиши билан бирга, бугунги кунда янги йўналишлардан бири ҳисобланган дискурсив таҳлилнинг ҳам марказий муаммоларидан бирига айланди. Дискурсив таҳлил намояндалари шахснинг лисоний фаолиятини фақат соф тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ эмаслигини, бу масалани ўрганишда бир қанча фанлар эришган муваффақиятлар умумлашмаси кутилган натижаларга олиб келишини таъкидламоқдалар.

Маълумки, ***дискурс*** (фр. Diskours – нутқ, ҳаракат) термини жаҳон тилшунослигида бир неча хил маънода талқин қилинади. Бу термин дастлаб боғланма матн тушунчасини ифодалаган бўлса, кейинчалик суҳбат , диалог тушунчаларига нисбатан ҳам қўлланила бошланди[1]. Антропоцентрик парадигманинг ривожланиши натижасида дискурс термини янада кенгроқ маънога эга бўлмоқда. Мазкур термин остида ҳозирги кунда ўзида экстралингвистик, хусусан, психологик, ижтимоий ва шахс онги билан боғлиқ омилларни мужассам этган нутқ тузилмасини тушуниш тенденцияси кучайиб бормоқда.[2] Шу билан бирга, ***дискурс*** сўзи ифодалаган ҳодисани соф тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиб бўлмаслиги, бунда психология, гносеология, жамиятшунослик, фалсафа, когнитология каби бир неча фанларнинг ҳамкорлиги тақозо этилиши ҳам айни кунда эътироф этилган ҳақиқатдир[3].

Дискурс тушунчасининг бу тарзда талқин этилишига, шубҳасиз, антропоцентрик парадигманинг шаклланиши ва ривожланиши катта таъсир кўрсатди. Дискурсив таҳлил, образли қилиб айтганда, бир неча лингвистик таҳлил йўналишларининг кесишган чорраҳасидир. Чунки дискурсив фаолият, яъни онгли тарзда нутқ яратиш ва уни идрок этиш жараёни шахс омилини ўрганишни тақозо этади. Зеро, ҳар қандай нутқ кўриниши бу – ўзида муайян ижтимоий-маданий муҳитга мансуб, психологик ва когнитив жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган шахс фаолиятининг натижасидир. Аён бўладики, дискурсив таҳлил нутқни шахс фаолияти сифатида ўрганишни тақозо этади. Бу жараён эса лисоний фаолиятга бир вақтнинг ўзида бир неча нуқтаи назардан ёндашиш кераклигини билдиради.

---

[1] Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск VIII. Лингвистика текста. –М.: Прогресс, 1978. – С. 467-468.

[2] Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004. – С. 7–8.

[3] Қаранг: Седов К.Ф. Кўрсатилган китоб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дискурс мақомидаги нутқий тузилмани тадқиқ этишда шахс, яъни адресат ва адресантнинг лисоний, когнитив, прагматик, психологик фаолияти, нутқ акти бажарилаётган воқелик, шунингдек, нутқ акти иштирокчиларининг бевосита ва дистант мулоқоти ҳамда дискурс тузиш жараёнини моделлаштириш, дискурсда жамланган ижтимоий-маданий ахборот масалалари асосий ўринни эгаллайди[1].

Кўринадики, нутқий тузилмани бу тарзда ўрганиш тадқиқотчига жуда катта имкониятлар эшигини очиб бериш билан бирга, унинг *дискурсив таҳлил* деб номланаётган "фанлар чорраҳаси"дан ўтишини ҳам тақозо қилади.

Дискурсив фаолият жараёнини ўрганмасдан туриб дискурс ҳодисасини тушунтириб бўлмайди. Дискурсив фаолият – нутқ яратиш ва уни идрок этиш жараёнидир[2]. Бинобарин, ушбу жараён нутқ яратувчи – адресант ва уни қабул қилувчи – адресат шахси билан узвий боғлиқдир. Бу ўринда дискурсив таҳлил психолингвистика, социолингвистика, когнитив лингвистиканинг бир нуқтада кесишишини тақозо этади.

Ҳозирги кунда дискурсив таҳлилнинг бир неча йўналишлари мавжуд. Улардан бири дискурс интерпретациясидир. Дискурс интерпретацияси нутқ тузилмасини "ичдан" туриб таҳлил этувчи, когнитив тилшунослик билан узвийликка эга бўлган таҳлил кўринишларидан биридир. Дискурсив таҳлил тадқиқотчидан ҳам муаллиф нуқтаи назарини, ҳам ўқувчи нуқтаи назарини эътиборга олишни талаб қилади.

Дискурс интерпретацияси билан шуғулланган тадқиқотчилардан бири, машҳур голландиялик тилшунос Ван Дейк Т.А. матбуот материаллари устида олиб борган тадқиқотларида дискурс таҳлилига оид бир қанча муҳим назарий қарашларни яратди[3]. Шулардан бири макропропозиция ҳақидаги илмий қарашдир. *Макропропозиция* термини матнда ифодаланган объектив мазмунни акс эттирувчи ҳодисадир. Ван Дейк Т.А. сўзлари билан айтганда, "Макропропозиция... дискурсни ташкил этган гапларда ифодаланган пропозициялардан ҳосил қилинган пропозициядир.... у бир пропозициялар кетма-кетлигининг яна бошқа шундай юқорироқ даражадаги пропозициялар кетма-кетлиги билан боғланишини

---

1 http: / www krugsovet ru: Дискурс.

2 Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004.

3 Ван Дейк Т.А.Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989. – С. 117.

www.ziyouz.com kutubxonasi

аниқлайди ва бунинг натижасида дискурс ёки эпизоднинг глобал маъноси келиб чиқади"[1].

Олим матнда ёнма-ён келган гапларнинг мазмунан боғланишини локал алоқа, дискурсда ифодаланган объектив мазмунни келтириб чиқарадиган боғланишни эса глобал алоқа терминлари билан номлайди ва бу икки ҳодисани фарқлаш лозимлигини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, матнда ифодаланган асосий мазмун алоҳида олинган гапдаги шундай мазмундан, яъни пропозициядан тубдан фарқ қилади. Макропропозицияни тадқиқ этиш тадқиқотчига дискурс яратилишида тафаккур ва тилнинг муносабатини чуқурроқ ўрганиш, шахс фаолиятини кенгроқ ёритиш имкониятини беради.

Макропропозиция матнда ифодаланган гапларнинг мантиқий синтезидир. Унинг қандай вербал воситалар орқали ифодаланиши нутқ яратувчи шахснинг дискурсив қобилиятига боғлиқ бўлади.

Олимнинг макропропозиция ҳақидаги қарашлари публицистик услуб материаллари мисолида асосланган бўлса-да, уни бадиий матн таҳлилига ҳам татбиқ этиш мумкин.

Макропропозиция ҳақидаги бу қараш мураккаб мазмуний тузилишга эга бўлган бадиий матнни тушунишнинг когнитив-дискурсив жиҳатларини ёритишда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳар қандай нутқий тузилма, шу жумладан кўп ҳолларда иккиламчи номинация билан иш кўрувчи бадиий матннинг асосида ҳам мантиқий-когнитив жараён ётади.

Айтиш жоизки, ўзбек тилшунослигига дискурсив таҳлил ва когнитив тилшунослик соҳалари эндигина кириб келмоқда. Нутқий тузилмани антропоцентризм асосида ўрганиш тилшунослигимиз олдида турган муҳим муаммолардан биридир.

Америкалик тилшунос Эдуард Сепир ўзининг "Лингвистиканинг фан сифатидаги мақоми" номли мақоласида шундай деб ёзган эди: "Лингвистик тадқиқотлар ривожланиши жараёнида тилшунослик инсон ҳақидаги фанларни эгаллашда муҳим қурол эканлигини исботламоқда ва, айни вақтда, ўз моҳиятини чуқур ёритишга имкон берувчи бу фанларга ҳам эҳтиёж сезмоқда. Ўзининг анъанавий тадқиқот объекти билан чегараланиб қолган тилшунос ҳозирги даврда қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин. Агар унда озгина тасаввур қила олиш имконияти бўлса тилшуносликнинг антропо-

[1] Ван Дейк Т.А. Кўрсатилган китоб. – Б. 118.

www.ziyouz.com kutubxonasi

логия, маданият тарихи, социология, психология, фалсафа билан, қолаверса, физиология ва физика фанлари билан муштарак манфаатларга эга эканлигини инкор эта олмайди"[1].

Машҳур тилшуноснинг бу сўзлари замонавий тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бири бўлган интегратив таҳлил тўғрисидаги башоратдек туюлади.

Зеро, энг сўнгги тадқиқотларда матнга интегратив нуқтаи назар билан ёндашиш фикри илгари сурилмоқда. Жумладан, Е.Ю.Баженованинг фикрига кўра, матнга бир вақтнинг ўзида коммуникатив, когнитив ва функционал стилистика соҳалари нуқтаи назари билан ёндашиш натижасида бу борада жиддий ютуқларни қўлга киритиш мумкин[2]. Унинг бу фикрларини бугунги кунда интегратив таҳлил бўйича яратилган кўплаб тадқиқотлар ҳам исботламоқда. Интегратив таҳлилнинг устун жиҳати шундаки, унда матнни бир вақтнинг ўзида лингвистик ва экстралингвистик омиллар нуқтаи назари билан тадқиқ этиш мумкин. Бу эса айни ҳодисанинг моҳиятини тўлиғича ёритиб бериш имконини яратади.

Бугунги кунда матн таҳлилида тадқиқотчилар грамматика, семантика, когнитология, социолингвистика, социопсихолингвистика, психолингвистика, лингвокультурология каби бир қатор йўналишлар қўлга киритган ютуқларга таяниб иш кўрмоқдалар. Бундан мақсад – нутқ яратувчи ва уни идрок этувчи шахс омилининг лисоний фаолиятда қандай ўрин тутишини аниқлаш бўлса, иккинчи томондан, матннинг семантик, антропоцентрик хусусиятларини янада чуқурроқ ўрганишдир.

Аён бўладики, лисоний фаолиятни намоён этувчи матн яратилиши ва унинг идроки хусусида когнитив тилшуносликда мавжуд бўлган қарашлар турли ва ўзига хосдир. Аммо уларнинг барчаси мураккаб мавжудот бўлган инсон (шахс) моҳиятига чуқурроқ ёндашишга интилмоқда.

Жаҳон тилшунослигидаги мазкур назарий таълимотлардан фойдаланиб, уларни ривожлантирган ҳолда ўзбек тилида сўзлашувчи шахс лисоний фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини ёритиб бериш бугунги тилшунослигимизнинг долзарб вазифаларидан биридир.

---

[1] Сэпир Э. Статус лингвистики как науки // Избранные труды по языкознании и культурологии. – М., 1993. – С. 260.

[2] Баженова Е.Ю. Интегрированный подход к анализу процесса порождения текста // Вестник Челябинского государственного университета, 2011. Вып. 54. – №13. – С.31.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.2. Нутқ яратилишининг психолингвистик талқини

Нутқ яратилиши ҳодисаси тил илми билан шуғулланувчи тадқиқотчилар учун ҳамма вақт бирдек долзарб масала бўлиб ҳисобланган. Бугунги кунда ушбу масалага бағишланган кўплаб тадқиқотлар юзага келди, унинг назарий пойдевори деярли тикланиб ҳам бўлди.

Ҳеч бир истисносиз айтиш мумкинки, нутқ яратилиши назариясининг алоҳида йўналиш сифатида шаклланиши омиллари тил ва нутқ ҳодисаларининг ажратилишига бориб тақалади. Ф.де Соссюр томонидан тил ва нутқнинг фарқланиши психолингвистик тадқиқотларда "нутқий фаолият" тушунчасининг янада аниқроқ бўлишига ўз таъсирини кўрсатди. А.А.Леонтьев фикрига кўра, Ф.де Соссюр нутқий фаолиятни тил ва лисоний қобилиятнинг бирлиги сифатида тушунтирган. Л.В.Щерба эса нутқий фаолиятни сўзлаш ва тушуниш жараёнларининг умумлашмаси деб ҳисоблаган[1]. Е.С.Кубрякованинг таъкидлашича, айнан Л.В.Щерба тил ҳодисаларига оид бўлган нутқ, унинг реал асоси ҳамда нутқий жараён маҳсулини ажратиб кўрсатган[2].

А.А.Леонтьев эса нутқий фаолиятни "нутқий жумлаларнинг нутқий бўлмаган субъектив кодлар орқали дастурлаштирилиши" сифатида баҳолайди[3]. Е.С.Кубрякова *нутқий фаолият* термини остида нутқ яратилиши ва унинг қабул қилинишига оид барча ҳодисаларни тушуниш кераклигини таъкидлайди[4].

Нутқий фаолиятга берилган таърифлардан кўринадики, у баъзан турғун ҳодиса (масалан, матн), баъзан эса ҳаракатдаги ҳодиса сифатида (масалан, сўзлаш ва эшитиш) талқин қилинади. Нутқий фаолиятга берилган мазкур илмий таърифлар бир-биридан турли жиҳатларига кўра фарқ қилса-да, уларнинг барчасида икки омил, яъни сўзловчи ва тингловчи фаолияти назарда тутилганлигини кўриш мумкин[5]. Бу эса нутқий фаолият энг аввало антропоцентрик характер касб этувчи фаолият эканлигини билдиради.

---

1 Основы теории речевой деятельности. – М., 1974. – С. 64.

2 Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М., 1986. – С.9.

3 Леонтьев А.А. Речевая деятельность // Основы теории речевой деятельности. – М., 1974. – С.25.

4 Кубрякова Е.С. Кўрсатилган асар. – Б. 9.

5 Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М., 1986. – Б. 25.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нутқ яратилиши ҳақидаги назарияда тил ва тафаккур муносабати ўта долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Нутқ яратилиши жараёнининг тафаккур билан алоқаси психолингвистикада "нутқ яратилиши модели" деб номланувчи схемаларда акс эттирилди. Бундай моделларнинг деярли барчасида Л.С.Виготский томонидан илгари сурилган "Фикрдан – маънога, маънодан – сўзга" деган концепция ўз аксини топди.

Л.С.Виготский фикрига кўра, фикр нутққа айлангунча бир неча босқичларни ўтиши лозим. Олимнинг "ички сўз" ҳақидаги ғояси ботиний нутқ тўғрисидаги фикрларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Ички сўз – ботиний нутқда пайдо бўлувчи, инсон онгидаги образлар, ассоциацияларнинг рамзий белгиси. Айнан у ботиний нутқнинг ташқи, табиий нутққа айланишида восита бўла олади[1]. Ботиний нутқдаги фикрнинг сўзга айланиш жараёнини у "тафаккур грамматикасининг сўз грамматикасига айланиши" сифатида изоҳлайди[2].

Виготский томонидан нутқий фаолиятнинг "фикр-маъно-сўз" шаклидаги жараён сифатида талқин этилиши кейинчалик рус тилшунослари томонидан ривожлантирилди ва психолингвистик тадқиқотлардан мустаҳкам ўрин олди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Н.А.Жинкин томонидан яратилган универсал-предмет кодлари ҳақидаги назария ўз моҳиятига кўра Виготский ғоясига яқин туради. Олимнинг фикрига кўра, инсон онгида ҳали ташқи нутққа айланмаган фикрлар универсал-предмет кодларидан иборат. Бу кодлар барча миллат кишилари учун бирдек аҳамиятга эга бўлиб, уни барча тилларга таржима қилиш мумкин[3]. Бошқача айтганда, новербал босқичдаги тафаккур миллий характер касб этмайди, у ташқи нутққа айлангандагина миллий "либос" кийиши мумкин.

Жинкиннинг мазкур фикри нутқ яратилиши жараёнининг ички – новербал босқичи (Виготский ва Лурияда бу босқичлар вербал шаклда деб ҳисобланади)[4] ҳақидаги янги ғояларнинг пайдо бўлишига ўз таъсирини кўрсатди. Олимнинг универсал-предмет кодлари ҳақидаги назариясини Н.И.Горелов ўз тажрибалари билан исботлашга ҳаракат қилди.

---

1 Ўша китоб. – Б. 55-66.

2 Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004. – С. 10.

3 Қаранг: Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. – М., 1982. – С.157

4 Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М., 1986. – Б. 71.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жинкиннинг универсал-предмет кодларини ҳар қандай тилга таржима қилиш мумкинлиги ҳақидаги фикрларига қўшилган ҳолда шуни айтиш жоизки, айрим ҳолларда предметнинг онгдаги образи миллий ассоциацияларни ҳам ифодалаши мумкин. Масалан, *пахта* сўзини бошқа тилларга таржима қилиш мумкин. Бу сўзнинг эквиваленти бўлмаган тилда эса бу тушунчани сўз бирикмаси орқали ифодаласа ҳам бўлади. Лекин пахта ҳақида бошқа миллат киши онгида пайдо бўлган тушунча билан ўзбек миллатига мансуб кишининг онгидаги тушунча ўртасида маълум фарқлар бўлиши табиийдир.

Нутқий тафаккурга оид қарашлар ичида Ю.Н.Карауловнинг оралиқ тил ҳақидаги фикрлари ўзига хосдир. Унинг таъкидлашича, оралиқ тил биологик, физик-кимёвий табиатга эга бўлган мия тили (яъни нейронлар тили) ва инсоннинг тили ўртасидаги воситачидир[1].

Нутқ яратилиши масаласи ҳақида сўз борар экан, генератив (трансформацион) грамматика назариясини эсламаслик мумкин эмас. Унинг намояндаларидан бири Н.Хомский ҳамда унинг маслакдошлари нутқ яратилиши ҳодисасини синтактик сатҳ таҳлили асосида тушунтиришга асос солиб, тилшуносликда янгилик яратдилар[2].

Ш.Сафаров бу ҳақда шундай ёзади: "Олим 1957 йилда нашр қилинган "Синтактик структуралар" (Chomsky 1957) асаридан бошлабоқ, лисоний қобилият шаклланишини лисоннинг яратувчанлик хусусиятидан, унинг инсон онги, ақлий қобилияти билан чамбарчас боғлиқлигидан излайди. Унинг тасаввурида тил структураси икки сатҳдан иборат. Гап ва бошқа турдаги лисоний тузилмалар ҳосил бўлишида дастлаб инсон онгида фикр ва ҳукм тизими ҳосил бўлади ва ушбу *ботиний тизим* мавҳум характердаги категориялардан таркиб топади. Кейинги босқичда ушбу ботиний структуралар махсус амаллар, яъни грамматик трансформация – кўчиришлар ёрдамида лисоний воқеланадилар, зоҳирийлик касб этадилар. Зоҳирий структура ҳам маълум категориялардан иборатдир, аммо улар эндиликда

[1] Бу маълумот қуйидаги китобдан олинди: Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006. – Б. 29.

[2] Бу ҳақда қаранг: Основы теории речевой деятельности; Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М., 1986; Сафаров Ш. Кўрсатилган асар; Кубрякова Е.С. Кўрсатилган асар; Человеческий фактор в языке. Язык и порождение речи. – М., 1991.

www.ziyouz.com kutubxonasi

конкрет кўринишга эгадирлар. Эслатилган амаллар умумлашмасини Чомский лисоннинг *универсал (умумий) грамматикаси* (Universal Grammar) деб атайди. Унинг талқинича, универсал грамматика барча тиллар соҳиблари учун умумий бўлиб, унда "туғма"(innate, inborn) тамойиллар фаоллашади. Тилни ўзлаштирувчи ва ундан фойдаланувчининг (у она тили ёхуд хорижий тил бўлишидан қатъи назар) вазифаси махсус қоидалар туркуми, ўз тажрибаси ва универсал грамматика тамойиллари доирасида "ишлашга мажбур этишдан иборатдир"[1].

Нутқ яратилиши жараёни талқинида яна бир масала – тил ва тафаккурнинг айнан ёки алоҳида ҳодисалар эканлиги баҳсли масалалардан бири бўлиб келмоқда. Энг сўнгги қарашларга кўра, "тил ва тафаккур ўзаро ажралмас ва чамбарчас боғлиқ ҳодисалардир. Лекин уларнинг иккови бир нарса эмас. Тил тафаккурнинг ифода шакли ва яшаш формаси сифатида инсон онгининг шаклланишида ҳам муҳим ўрин тутади. Тил қобиғидан ташқарида онгнинг қарор топиши мумкин эмас. <...> Абстракт тафаккур тил туфайлигина воқе бўлади. Тилнинг мавжудлиги тафаккурнинг умумлаштирувчи фаолиятининг энг зарурий шартидир. Тилсиз бу ҳол мавжуд бўлмас эди. Чунки сўз умумлаштирувчи хусусиятга эга. Тил ўзига хос қонуниятларга эга ва бу қонуниятлар тафаккур қонуниятларидан фарқ қилади. Бу эса, ўз навбатида, тилнинг мустақил ҳодиса эканлигини кўрсатади"[2].

Е.С.Кубрякова эса ўз асарларидан бирида одам аввал ўйлаб, кейин гапирадими ёки бу икки фаолият бир вақтнинг ўзида амалга ошадими, деган муаммони ўртага ташлайди. Олиманинг фикрича, айрим ҳолатларда одам ўз нутқини ўйлаб, кейин тузади (масалан, мақола ёзганда). Айрим ҳолларда эса фикрлаш ва сўзлаш жараёни айни бир вақтнинг ўзида амал қилади (масалан, суҳбат чоғида)[3].

Кубрякованинг ушбу фикрини шеърий нутқ яратилиш жараёни ҳам исботлайди. Маълумки, кўп ҳолларда шеър мисралари бирданига, шиддат билан қоғозга тушади. Усмон Носирнинг "Тилим чарчар, ажаб, гоҳи Сени таржима қилмоқдан" сатрларида бу ҳолат жуда аниқ ифодаланган. Шоир ўз фикрларини ташқи нутққа "тар-

---

1 Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б. 29.

2 Фалсафа. Қомусий луғат. – Тошкент: "Шарқ", 2004. – Б. 400.

3 Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М., 1986.

www.ziyouz.com kutubxonasi

жима қилар" экан, бизнингча, унда тафаккур ва нутқ жараёнлари бир вақтнинг ўзида амал қилади.

Е.С.Кубрякованинг психолингвистикадаги яна бир хизмати шундан иборатки, у ички нутқ яратилиши механизмида номинация жараёнига ҳам амал қилиниши ҳақидаги қарашни ривожлантирди. Унинг таъкидлашича, фикрнинг шаклланиши ва лисоний тус олиши жараёнларида мия тили ташқи тилга икки канал – синтактик ва номинатив каналлар орқали ўтади. Номинатив канал номлаш вазифасини бажарса, синтактик канал нутқнинг грамматик-шаклий тузилишини белгилайди[1].

Е.С.Кубрякованинг маънонинг лисоний шакл олиш босқичи ҳақида айтган фикрлари ҳам ўзига хосдир: "Шундай қилиб, бўлажак нутқ ҳақидаги ғоя предметли образ тарзида ҳам, лисоний шаклда ҳам пайдо бўлиши мумкин, зотан, онгдаги мазмун пайдо бўлиши биланоқ лисоний шакл олиш ёки бу шаклга ботиний нутқ жараёнида эга бўлиши мумкин; хуллас, юзага келиши лозим бўлган жумла ё бир сўз ёки бир неча сўзлар занжири билан бошланади"[2].

Кўринадики, нутқ яратилиши жараёнига оид фикрлар хилмахил ва ечилиши лозим бўлган муаммолар ҳали етарли. Бундан 30 йилча аввал "Нутқий фаолият назарияси асослари" номли фундаментал асарда эпиграф қилиб келтирилган А.Н. Колмогоровнинг қуйидаги гапи, бизнингча, ҳали ҳам ўз долзарблигини сақлаб турибди: "Нутқ оқимини унинг яратилиши механизми ҳақидаги фаразсиз ўрганиш нафақат самарасиз, балки қизиқарсиз ҳамдир"[3]. Буни нутқ яратилиши назарияси ҳақида янги пайдо бўлган йўналиш – когнитив лингвистика томонидан қўйилаётган муаммолар ҳам исботламоқда.

1.3. Матн психолингвистик ёндашувлар талқинида

Матннинг антропоцентрик моҳияти психология ва лингвистика соҳалари кесишуви натижасида юзага келган психолингвистикада айниқса яққол намоён бўлади. Психолингвистик тадқиқотларда матннинг матн тузувчи – матн – реципиентдан иборат учлик

[1] Кубрякова Е.С. Кўрсатилган асар. – Б. 140.

[2] Кўрсатилган асар. – Б. 77.

[3] Основы теории речевой деятельности. – С.3.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нуқтаи назаридан тадқиқ этилиши унда хусусан шахс омилини чуқур ўрганишни тақозо этади.

Маълумки, психолингвистика соҳаси XX асрнинг 50-йилларида психология ва тилшунослик фанларининг ҳамкорлиги натижасида юзага келган. Психолингвистиканинг асосий тадқиқ объекти нутқий фаолият жараёни ҳисобланади. Рус тилшунослигида мазкур соҳа ривожига катта ҳисса қўшган А.А.Залевская психолингвистиканинг вазифаси ҳақида ёзар экан, "тилнинг амал қилишини психик феномен сифатида тавсифлаш ва тушунтириш" ушбу соҳанинг асосий мақсади бўлиши кераклигини таъкидлаган эди[1]. Олиманинг фикрига кўра, психолингвистиканинг ривожланиши натижасида унинг бошқа фанлар билан ҳамкорлиги кучайиб бормоқда. Бундай фанлар қаторига когнитив тилшунослик, этнологияни киритиш мумкин[2].

Рус тилшуноси Л.И.Комарова: "Антропоцентрик ёндашув матн яратилиши талқини (муаллиф позицияси) ҳамда уни қабул қилиш (ўқувчи позицияси), шунингдек, матннинг ўқувчига таъсири масалалари билан боғлиқдир", - деб ёзар экан[3], нутқий фаолиятнинг матн мисолида намоён бўлишини алоҳида таъкидлаб кўрсатган.

Психолингвистикага доир кўплаб тадқиқотлар яратган рус тилшуноси ва психологи В.П.Белянин матннинг психолингвистик хусусиятлари ёритилган "Основы психологической диагностики (модели мира в литературе)" номли китобида матнга лингвистик ва психологик ёндашув ҳақидаги ўз концепциясини яратди. Олимнинг матн ҳақидаги қарашларини акс эттирган 6 банддан иборат бўлган фикрларини тўлиқ келтиришни лозим, деб ҳисоблаймиз. Зеро, улар тилшунослигимизда ҳали шаклланиб улгурмаган матннинг психолингвистик тадқиқ тамойиллари учун жуда муҳимдир.

1. В.П.Белянинниинг фикрига кўра, нутқ ортида нафақат тил тизими, балки психология ҳам туради. (Аёнки, бунда олим нутқ яратилиши жараёнини назарда тутган).

2. Ҳар хил матн ортида ҳар хил психологияга эга шахс туради. (Бунда Белянин матн тузувчининг матнда акс этувчи субъектив хусусиятларини назарда тутган).

---

[1] Залевская А.А. Введение в психолингвистику / Учебник для студентов высших учебных заведений. – М., 1999. – С. 25.

[2] Залевская А.А. Кўрсатилган асар. – Б. 23.

[3] Комарова Л.И. Современные подходы к изучению художественноно текста / Аналитика культурологи // http : analiculturolog / ru component / R 2 / 409 – article html

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Бадиий матн тузилиши акцентуаллашган онг тузилишига мувофиқдир. (Бунда Белянин онг психик тузилишининг матн тузилишига таъсирини назарда тутади. Унинг бу фикри кейинги бандда янада равшанроқ намоён бўлади).

4. Ҳиссий-мазмуний доминанта[1] бадиий матннинг семантик, морфологик, синтактик хусусиятлари, шунингдек, унинг услубияти намоён бўлишида асосий ролни бажаради.

5. Матн воқелик – онг – олам манзараси – тил – матн тузувчи – ўқувчи – матн проекциясидан иборат тизим унсури ҳисобланади. (Белянин ушбу бандда матн яратилиши ва идрокининг барча лисоний ва нолисоний омилларини қайд этган).

6. Ўқувчининг бадиий асар ҳақидаги ўз талқини бўлиши мумкин. Бу талқин матн билан бирга ўқувчининг психологиясига ҳам боғлиқ бўлади[2].

(Бу бандда Белянин матн идрокининг хусусий ҳодиса эканлигини таъкидлаган).

Назаримизда, В.П.Белянин томонидан келтирилган ушбу қарашлар фақат бадиий матнни эмас, бошқа услубдаги матнларни ҳам психолингвистик таҳлил қилиш учун асос бўла олади. Хусусан, 5-бандда баён этилган матннинг объектив воқелик, онг, олам манзараси, нутқ яратилиши ва унинг идроки билан боғлиқ бўлган серқирра ва мураккаб ҳодиса эканлиги ҳақидаги қарашлар матннинг психолингвистик моҳиятини яққол намоён этади.

Психолингвистик таҳлилда лисоний онг масаласи ҳам марказий ўринлардан бирини эгаллайди. "Лисоний онг ташқи фаолиятни тил белгилари воситасида режалаштириш ва бошқаришдан иборат бўлган ички жараёндир"[3]. У хусусан коммуникациянинг энг олий бирлиги бўлган матн яратилишида муҳим аҳамият касб этади.

Матннинг психолингвистик таҳлилида энг муҳим бўлган объектлардан бири тил эгаси – матн тузувчи ва реципиент фаолиятидир. Маълумки, матн инсон томонидан инсон учун яратилади. Бу матн яратилиши ва унинг идрокидан иборат фаолият занжирининг антропоцентрик хусусиятга эгалигидан далолат беради. Психолингвистик таҳлилда муаллиф-реципиент муносабатларида

---

[1] Ҳиссий-мазмуний доминанта ҳақида китобнинг 3-бобида фикр билдирилади.

[2] Белянин В.П. Основы психолингвистической диагностики (модели мира в литературе). – М: Тривола, 2000. – С. 8-9.

[3] Ковшиков В.А., Пухов В.П. Психология. Теория речевой деятельности. Учебник для вузов. – М.: Астрель, АСТ, 2007.

www.ziyouz.com kutubxonasi

амал қилувчи лисоний ва нолисоний омиллар борки, уларни ўзаро уйғунликда тадқиқ этиш кутилган натижаларни олишга имкон яратади. Психолингвистикага оид адабиётларда дискурсив қобилият, ассоциатив фикрлаш, вербал тармоқ, мазмуний перцепция, матн проекцияси, ички нутқ каби ҳодисалар мана шу омиллар сирасига киритилган.

Тилшуносликда матн моҳияти, унга хос бўлган асосий белгилар ҳақида мавжуд бўлган фикрлар[1] матнни психолингвистик аспектда ўрганган тадқиқотчилар томонидан ҳам эътироф этилади. Жумладан, яхлитлик, информативлик, боғланишлик каби хусусиятлар матннинг асосий белгилари эканлиги бир қатор психолингвистларнинг ишларида ҳам қайд этиб ўтилган[2]. Шу билан бирга ушбу тадқиқотчилар матннинг психолингвистик ўзига хослиги ҳақида айрим қарашларни ҳам илгари сурмоқдалар. Жумладан, матнни психолингвистик аспектда ўрганган Ю.А.Сорокин унинг боғланишлик ва яхлитликдан иборат белгиларига қуйидаги тарзда ёндашади: "Матн яхлитлиги психологик нуқтаи назардан реципиент ва матннинг ўзаро муносабати жараёнида юзага келувчи яширин проекцион (концептуал) ҳолатдир, шунингдек, бу муносабат тил / нутқ қурилиши унсурлари баробарида унинг қурилиш унсурлари бўлмаган қисмларнинг кетма-кетлиги ва ўзаро ҳамкорлиги натижасидир"[3]. Сорокиннинг бу фикрлари А.И.Новиков томонидан ҳам қўллаб-қувватланади. Унинг фикрича, матн яхлитлиги фақат унинг мазмуний тузилишига хосдир[4]. Новиковнинг ушбу хулосаси психологик ва когнитив нуқтаи назардан тўғри бўлса-да, матннинг ташқи тузилиши – синтактик-структур жиҳатни эътиборга олмаганлиги билан мунозаралидир. Зеро, матн яхлитлигини унинг ички тузилишигина таъминламайди.

А.И.Новиков матннинг психолингвистик белгилари қаторида компрессивликни ҳам қайд этади[5]. Компрессивлик - ахборот вер-

---

[1] Бу ҳақда қаранг: Юлдашев М.М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 49–70.

[2] Белянин В.П. Основы психологической диагностики (модели мира в литературе). – М.: Тривола, 2000. – С. 8-13; Пешкова Н.П. Психолингвистические аспекты типологии научного текста: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Уфа, 2002. – С. 15; Новиков А.И. Текст как объект исследования лингвопсихологии // Методология современной психолингвистики. Сборник статей. – Москва; Барнаул: Изд-во Алт. ун-та, 2003.

[3] Сорокин Ю.А. Текст: цельность, связность, эмотивность // Аспекты общей частной теории текста. –М., 1982. – С. 61–73.

[4] Новиков А.И. Кўрсатилган мақола.

[5] Новиков А.И. Текст как объект исследования лингвопсихологии // Методология современной психолингвистики. Сборник статей. – Москва; Барнаул: Изд-во Алт. ун-та, 2003.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бал шаклининг сиқиқлиги бўлиб, у Н.А.Жинкиннинг ҳар бир матнни битта гап шаклига келтириш мумкинлиги ҳақидаги ғоясига асосланган.

А.И.Новиков юқорида қайд этилган мақоласида матнни таҳлил қилишнинг янги бир йўналиши ҳақидаги қарашларини ҳам баён этган. Унинг фикрича, психолингвистик ва когнитив таҳлил тилни турли нуқтаи назарга кўра таҳлил қилса-да, бир нуқтада кесишади. У мана шу нуқтани "лингвопсихология" деб аташни таклиф қилади[1].

Матнни психолингвистик таҳлил этиш ҳақидаги айрим тадқиқотларда унинг креоллаштирилганлик, мантиқий узилиш ҳамда интерпретативлик хусусиятлари ҳам эътиборга олиниши лозимлиги таъкидланади[2].

Креоллаштирилганлик (рус тилида: креолизованность) *креол* сўзидан ҳосил қилинган бўлиб, ўқувчига таъсир ўтказиш мақсадида вербал ҳамда новербал шаклларнинг уйғунлаштирилишини билдиради. Рус тилшуноси М.Б.Ворошиловнинг маълумотига кўра, бу тушунча психолингвистикага Ю.А.Сорокин ҳамда Е.Ф.Тарасовалар томонидан киритилган[3]. Креоллаштириш натижасида "вербал ва новербал унсурлар ягона визуал, структур, мазмуний ва функционал яхлитликни ҳосил қилади"[4]. Бундай матнлар сирасига тадқиқотчи реклама матнлари, киноматнларни киритади.

Психолингвистикага доир адабиётларда қайд этилган мантиқий узилиш (рус тилида: скважность) ҳам матнга оид қизиқарли ҳодисалардан биридир. Маълумки, матнда кетма-кет келган жумлалар мазмунан ўзаро боғлиқ бўлади. Ана шу боғлиқлик кутилмаганда узилиб қолиши мумкин. Ў.Ҳошимовнинг ҳикоясидан олинган қуйидаги парчада мана шу ҳодисани кўриш мумкин: *Йўқ, Жуманов Корягинга эмас, дераза томон интилди. Соқчи эшикдан киргунча бир ҳатлаб дераза раҳига чўккалаб олди. Шу алпозда бир сония, атиги бир сония Корягинга қаради. Ҳозиргина кўзларида ёниб турган газаб ифодаси ўрнида шу қадар чуқур, унсиз нафрат, ночорлик, изтироб... шу қадар теран ҳайрат бор эдики, Корягиннинг юраги орқага тортиб кетди.*

– Жуманов! – Василий Степанович дераза томон талпинди. – Жуманов ...

---

[1] Новиков А.И. Кўрсатилган мақола.

[2] Қаранг: Ковшиков В.А., Пухов В.П. Психология. Теория речевой деятельности. Учебник для вузов. – М.: Астрель, АСТ, 2007.

[3] Ворошилова Н.Б. Креолизованный текст: аспекты изучения // Политическая лингвистика. Вып. 20. – Екатеринбург, 2006. – С. 180–189.

[4] Ворошилова М.Б. Кўрсатилган мақола.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гапини тугатмасдан деразадан яна гира-шира оқшом ёруғи кўринди.

Соқчи икковлари баравар югуриб боришди. Чуқурликдаги ҳовлида, ҳовуз четидаги симёғочда лампочка ёниб турар, Жуманов япроқларини чанг босган арча тагида гайритабиий ёнбошлаб ётар эди: боши ҳовузнинг цемент қиррасида, гавдаси қиргоқда... Корягин унинг жон таслим қилаётиб, оёғини уч-тўрт силкитганини кўрди.

Мазкур парча Ў.Ҳошимовнинг "Ўзбек иши" деб номланган ҳикоясидан олинган. Унда халқимиз кечмишидаги фожиали даврлардан бири – пахта яккаҳокимлиги вақтида "ўзбек иши" деб аталган машъум ҳаракатнинг қурбонига айланган Жуманов номли совхоз директорининг терговчининг маънавий ва жисмоний қийноқларига чидолмасдан, ўзини тергов бўлаётган бинонинг юқори қаватидан пастга ташлаб ҳалок бўлиши эпизоди тасвирланган. Агар матндаги жумлаларга мантиқий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, унинг икки ўрнида муайян жумлалар тушириб қолдирилганини кўришимиз мумкин: бу – *Жуманов! – Василий Степанович дераза томон талпинди. – Жуманов...* жумласидан кейинги ***Жуманов дераза раҳидан ўзини пастга отди*** ҳамда *Соқчи икковлари баравар югуриб боришди* жумласидан олдинги ***Корягин ва соқчи юқори қаватдан пастга тушиб, ҳовлига чиқишди*** жумлаларидир. Ахборот изчиллиги ушбу жумлаларни тақозо этсада, уларни матн таркибида қўлламаслик матннинг мазмуний яхлитлигига таъсир этмаган: ўқувчи муаллиф назарда тутган пропозицияларни матнда ифодаланган вазиятдан келиб чиқиб, ўзи тиклаши мумкин.

Импликативликнинг бу усули бадиий матнларда кўп учрайди. Демак, мантиқий узилиш, айтиш мумкинки, матн ва реципиент муносабатларига, яъни матннинг мазмуний идрокига оид ҳодиса бўлиб, нутқий компрессивликнинг юзага келишига хизмат қилади.

Матннинг психолингвистик хусусиятларидан бири интерпретативлик ҳисобланади. В.П.Белянин фикрига кўра, ҳар бир ўқувчи муайян матн ҳақида ўз интерпретациясига эга бўлиши мумкин. Матн идроки натижасида юзага келувчи интерпретация характери фақат матннинг эмас, ўқувчининг ҳам психологик хусусиятига боғлиқ бўлади. Муаллиф билан ўқувчи психологик жиҳатдан қанчалик яқин бўлса, уларнинг матн ҳақидаги талқини шунчалик мувофиқ бўлади[1].

[1] Белянин В.П. Основы психолингвистической диагностики (модели мира в литературе). – М.: Тривола, 2000. – Б. 8.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.4. Матннинг лингвокультурологик тадқиқи

Замонавий тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бири бўлган лингвокультурология XX асрнинг сўнгги чорагида шаклана бошлади. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, "лингвокультурология" термини В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби томонидан олиб борилган тадқиқотлар билан боғлиқ равишда пайдо бўлган[1].

Лингвокультурологиянинг шаклланиши ҳақида гапирилганда, деярли барча тадқиқотчилар бу назариянинг илдизи В.фон Гумбольдтга бориб тақалишини таъкидлайдилар[2]. Ушбу адабиётларда бу соҳанинг шаклланишида А.А.Потебня, Л.Вайсгербер, Х.Глинц, Х.Хольц, У.Д.Уитни, Д.У.Пауэлл, Ф.Боас, Э.Сепир, Б.Л.Уорф, Г.Брутян, А.Вежбицкая, Д.Хаймз каби тилшуносларнинг фикрлари муҳим роль ўйнаганлиги таъкидланади[3].

Лингвокультурология соҳасида жиддий тадқиқотлар яратган В.В.Маслова ушбу соҳанинг ривожини 3 босқичга ажратади:

1) фан шаклланишига туртки бўлган дастлабки тадқиқотларнинг яратилиши (В.фон Гумбольдт, Э.Бенвенист, Л.Вайсгербер, А.А.Потебня, Э.Сепир каби тилшуносларнинг ишлари);

2) лингвокультурологиянинг алоҳида соҳа сифатида ажратилиши;

3) лингвокультурологиянинг ривожланиш босқичи[4].

XXI аср бошига келиб лингвокультурология жаҳон тилшунослигидаги етакчи йўналишлардан бирига айланиб улгурди. Кўплаб тадқиқотларда таъкидланганидек, лингвокультурология тилни маданият феномени сифатида ўрганувчи фан бўлиб, ўзаро алоқадорликда бўлган тил ва маданият унинг предметини

---

[1] Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа "Языки русской культуры", 1996.

[2] В.Гумбольдтнинг тил ва шахс ҳақидаги фикрлари тўғрисида қаранг: Нурмонов А. Оврупода умумий ва қиёсий тилшуносликнинг майдонга келиши // Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. – Тошкент: Академнашр, 2012. 2-жилд. – Б. 23–40; Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3–16.

[3] Қаранг: Маслова В.В. Лингвокультурология в системе гуманитарного знания / Критика и семиотика. Вып. 7. – 2004. – С. 238–243; Маҳмудов Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 3–16.

[4] Маслова В.А. Лингвокультурология – М.: Academia, 2001.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташкил этади. Жумладан, В.Н.Телия бу ҳақда шундай ёзади: "Лингвокультурология инсоний, аниқроғи, шахс ва маданий омилни узвийликда тадқиқ этувчи фандир"[1]. Г.Г.Слишкиннинг фикрига кўра, "Лингвокультурология инсон омилига, аниқроғи, инсондаги маданият омилига йўналтирилган. Лингвокультурологиянинг маркази маданият феноменидан иборат бўлиши инсон ҳақидаги фаннинг антропологик парадигмага тегишли ҳодиса эканлигидан далолат беради"[2]. Лингвокультурологиянинг ўрганиш объекти ҳақидаги фикрлар борасида бир тўхтамга келинган бўлса-да, айрим мунозарали қарашлар ҳам йўқ эмас. Масалан, В.Н.Телиянинг фикрига кўра, лингвокультурология тил ва маданиятнинг фақат синхрон алоқасини ўрганади. В.А.Маслова эса бу соҳа тилни ҳам синхрон, ҳам диахрон жиҳатдан ўрганади, деб ҳисоблайди. Шунингдек, В.Н.Телия лингвокультурология объекти умуминсоний характерга эга бўлишини таъкидласа, В.А.Маслова муайян халқ ёки қардош халқлар тилининг лингвокультурологик хусусиятлари алоҳида ўрганилиши лозим эканлигини таъкидлайди[3].

Ҳозирги вақтда лингвокультурология жаҳон, хусусан, рус тилшунослигида энг ривожланган йўналишлардан бири бўлиб, бу борада бир қанча ўқув қўлланмалар яратилган. Тилшуносларнинг эътироф этишича, уларнинг орасида энг машҳури В.А.Маслова томонидан яратилган ўқув қўлланма ҳисобланади[4]. Мазкур ўқув қўлланмада лингвокультурология соҳасининг методлари, объекти ва предмети, йўналишлари ёритиб берилган, муйян тил бирлигини лингвокультурологик таҳлил қилиш намуналари кўрсатилган[5].

Лингвокультурологик тадқиқотларда эса, асосан, қуйидаги масалалар тадқиқ этилганини кўриш мумкин: 1) муайян нутқий жанрнинг лингвокультурологик хусусиятлари. Бунда кўпинча мифлар, халқ оғзаки ижодига хос жанрлар тили таҳлил этилган; 2) муайян услубда ёзилган асарда лингвокультурологик концепт ифодаланиши тадқиқи. Бунда асосан бадиий-насрий асарлар тили

---

[1] Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа "Языки русской культуры", 1996. – С. 222.

[2] Слышкин Г.Г. От текста к символу. Лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании дискурса. – М.: Academia, 2000. – С.

[3] Бу ҳақда қаранг: Пименова М.В., Кондратьева О.Н. Концептуальные исследования. Введение: учебное пособие. – М.: Флинта, 2011.

[4] Маслова В.А. Лингвокультурология. Учеб. пособие. – М.: Academia, 2001.

[5] Маслова В.А. Кўрсатилган ўқув қўлланма.

www.ziyouz.com kutubxonasi

таҳлил этилган; 3) қиёсий аспектдаги ишлар. Бунда асосан рус тилидаги лингвомаданий бирликлар инглиз, немис, француз тиллари билан қиёсланган; 4) лингвокультурологиянинг педагогика фани билан боғлиқ жиҳатлари. Бунда ижтимоий фанларда ўқувчи ва талабаларга лингвокультурологик бирликларни аниқлаш ва таҳлил этиш асосий мақсад қилиб олинган.

Лингвокультурологик ёндашувдаги тадқиқотлар ўзбек тилшунослигида охирги ўн йилликларда пайдо бўла бошлади. Масалан, З.И.Салиеванинг номзодлик иши ўзбек ва француз тилларидаги сентенция, яъни ахлоқий-таълимий характердаги матнларнинг миллий-маданий хусусиятларига бағишланган[1]. Р.С.Ибрагимованинг номзодлик диссертациясида эса *аёл* концептининг ўзбек ва француз тилларида ифодаланиш йўллари тадқиқ этилган[2].

Профессор Н.Маҳмудовнинг "Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб..." номли мақоласида лингвокультурология, умуман, антропоцентрик парадигманинг моҳияти ва бу борадаги муаммолар чуқур ва асосли ёритиб берилди. Ушбу мақолани ўзбек тилшунослигида лингвокультурология ҳақида жиддий мулоҳазалар баён қилинган биринчи асар сифатида баҳолаш мумкин[3].

Мақолада лингвокультурологик назариянинг шаклланиши учун хизмат қилган омиллар, ундаги асосий тушунчалар, уларнинг талқинидаги ҳар хилликлар ҳақида жуда асосли мулоҳазалар айтилган. Хусусан, Н.Маҳмудов айни соҳанинг энг асосий тушунчаларидан бўлган тил ва маданият ҳақида қуйидагиларни ёзади: "Тил ва маданият деганда, кўпинча, "нутқ маданияти" дейиладиган муаммо ассоциатив ҳолда эсга тушса-да, бу икки ўриндаги маданиятнинг айнанлигини асло кўрсатмайди. Тил ва маданият деганда, одатда, (тўғриси ҳам шу) тил орқали у ёки бу маданиятни ёки аксинча, маданиятни ўрганиш орқали у ёки бу тилни тушунтириш назарда тутилади, аниқроқ айтадиган бўлсак, лингвокультурологиядаги маданиятнинг маъноси "ақлий-маънавий ёки хўжалик фаолиятида эришилган даража, савия (*нутқ маданияти*)" эмас, балки "кишилик жамиятининг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий-маъри-

[1] Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2010. – С . 25.

[2] Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида *АЁЛ* концептининг лингвокогнитив тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2012.

[3] Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3–16.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи (*маданият тарихи, ўзбек маданияти*)" демакдир. Шундай бўлгач, нутқ маданиятининг ўрганиш муаммолари бошқа, лингвокультурологиянинг ўрганиш объекти тамоман бошқадир"[1].

Лингвокультурологиянинг бевосита матн билан боғлиқ жиҳатига келсак, шуни айтиш лозимки, матн ҳам бошқа тил бирликлари қаторида бу соҳанинг тадқиқ объектларидан бири ҳисобланади. Жумладан, В.А.Маслова бу хусусида ёзар экан, ўхшатишларнинг матн яратилишидаги ўрнига тўхталиб, улар матнда структур-композицион вазифани бажариши ва матн когерентлигини таъминловчи восита мақомида бўлишини айтади[2]. Шунингдек, олима матнни маданият мавжудлигининг амал қилиш шакли сифатида баҳолайди. Унинг, хусусан, ўхшатиш – матнлар ҳақидаги фикри ҳам эътиборга моликдир. Кузатишлар натижасида айтиш мумкинки, ўхшатиш ва унинг қисқарган шакли бўлган метафоралар матнда муҳим когнитив-семантик аҳамият касб этиши билан бирга, тил эгаларининг миллий-маданий тафаккурига хос жиҳатларни ҳам намоён этувчи ҳодиса бўла олади. Ўхшатиш ва метафоралар асосига қурилган матнлар муайян тилда қолиплашган матн шакллари (уларни матннинг прецедент шакллари тарзида ҳам баҳолаш мумкин)ни аниқлаш имкониятини ҳам беради.

Лингвокультурологиядаги матн билан боғлиқ яна бир ҳодиса бу – прецедент матн масаласидир. Тадқиқотчи О.Е.Артемованинг сўзлари билан айтганда, прецедент жанрлар – маданий ахборотнинг "аккумулятори"дир[3]. Тадқиқотчи яна шундай ёзади: "Прецедент феноменлар халқ маънавий ҳаётининг тилдаги ифодаси экан, шу нарсани муҳим хулоса сифатида айтиш лозимки, бундай ҳодисаларнинг, шу жумладан, прецедентларнинг таҳлили у ёки бу лингвомаданий ҳамжамиятнинг стереотип маданий сценарийларини аниқлаш имконини беради"[4].

Прецедент матнлар прецедент бирликларнинг бир тури бўлиб, ўзида муайян миллат тил эгаларига хос бўлган лисоний хотирани акс эттиради. Ҳозирги вақтда хусусан рус тилшунослигида бу борада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. (Прецедент матнлар

---

[1] Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 10.

[2] Маслова В.А. Лингвокультурология. Учеб. пособие. – М.: Academia, 2001. – Б. 5.

[3] Артемова О.Е. Лингвокультурная специфика текстов прецедентного жанра "лимерик": На материале английского языка: Дисс... канд. филол. наук. – Уфа, 2004. – С. 24.

[4] Артемова О.Е. Кўрсатилган диссертация. – Б. 24.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақида ишимизнинг 4-бобида батафсил мулоҳаза юритилади).

Лингвокультурологиядаги матн билан боғлиқ яна бир масала сентенциядир. Сентенция ахлоқий-таълимий характердаги тил бирлиги бўлиб, ўзида интертекстуалликни намоён этади[1].

Ўзбек тилшуноси З.И.Салиева инглиз ва ўзбек тилларидаги сентенцияларнинг миллий-маданий хусусиятларини қиёсий аспектда ўрганар экан, муайян халқ тарихида ката ўрин тутган мутафаккирларнинг асарларида баён қилинган ғояларнинг ёзувчи томонидан ўзгарган шаклда ифодаланишини интертекстуалликнинг бир кўриниши сифатида баҳолайди. Тадқиқотчи бунга мисол сифатида Ойбекнинг "Навоий" романида Навоий томонидан айтилган дидактик мазмунли матнларни келтиради[2]. Бу хусусиятни ўзбек тилида яратилган бошқа асарларда ҳам кўриш мумкин.

---

[1] Қаранг: Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2010.

[2] Салиева З.И. Кўрсатилган автореферат. – Б. 14.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2-БОБ

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИНГ КОГНИТИВ-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1.Макропропозиция ва матн

Макропропозиция тушунчаси дискурснинг когнитив-семантик таҳлили, шу жумладан, матн интерпретациясидаги марказий тушунчалардан биридир. Бу тушунча ва термин тилшуносликка Амстердам университети профессори, машҳур лингвист Ван Дейк Т.А. томонидан олиб кирилган. Хусусан, унинг 1983 йил Нью-Йоркда В.Кинч билан ҳаммуаллифликда чоп эттирган "Макростратегиялар" номли мақоласи матн интерпретацияси хусусидаги қарашларнинг шаклланишида алоҳида ўрин тутади. Ушбу мақолада макропропозиция, макроструктура, супершакл (суперструктура), глобал мазмун, локал алоқадорлик, глобал алоқадорлик каби матн интерпретациясига доир тушунчаларнинг асослаб берилганлиги матн таҳлили даражасининг янада юқори поғонага кўтарилишига сабаб бўлди[1].

"Макростратегиялар" мақоласи киритилган китобга сўзбоши ёзган Ю.Н.Караулов ва В.В.Петровларнинг таъкидига кўра, Ван Дейк Т.А. нинг мазкур асарида "Стратегик ёндашувнинг асосий тамойили сифатида берилган контекстдаги энг муҳим фикрни аниқлаш назарда тутилган... Бундай стратегик ёндашув тил сатҳларининг навбатма-навбат таҳлилига – синтаксисдан прагматикага, сўзларни тушунишдан гаплар кетма-кетлигига эмас, матнни бир вақтнинг ўзида турли томонлардан тавсиф этишга асосланади"[2].

Дарҳақиқат, бундай ёндашув ўзида матн яратиш ва уни идрок этиш жараёнининг муҳим хусусиятини намоён этади. Чунки матнда ифодаланган мазмун, шакл, унинг когерентлиги ва тугаллиги ўқувчи томонидан даражама-даража эмас, балки айни бир вақтда ҳис қилинади ва идрок этилади.

Матн мазмунининг идрок этилишидаги энг биринчи шарт – унда ифодаланган макропропозицияни англаб етишдир. Макро-

---

[1] Қаранг: Ван Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М., 1989.

[2] Караулов Ю.Н., Петров В.В. От грамматики текста к когнитивной теории дискурса // Т.А.ван Дейк. Язык. Познание. Коммуникация. – М., 1989. – С.5–11.

www.ziyouz.com kutubxonasi

пропозиция матнни ташкил этган гаплар пропозициясидан келиб чиқадиган умумий пропозициядир.

Ван Дейк Т.А. назариясига кўра, макропропозициялар бирлашуви матн макроструктурасини ташкил этади. Макроструктура – макроматннинг умумий мазмуни бўлиб, ўзида макропропозицияларнинг поғонавий муносабатини акс эттиради. Демак, макропропозиция тушунчаси нисбийлик характерига эга[1].

Макропропозиция ҳодисаси глобал ва локал алоқадорлик ҳодисалари билан боғлиқ. Локал алоқадорлик матндаги ёнма-ён жойлашган гапларда акс этган пропозицияларнинг ўзаро семантик алоқаси бўлса, глобал алоқадорлик бу – матнда ифодаланган пропозицияларнинг умумий муносабатини акс эттирувчи мураккаб ҳодисадир.

Шуни қайд этиш лозимки, глобал алоқадорлик тушунчаси кўп қиррали ҳисобланган матннинг ички тузилишини ўрганишда кенг имкониятларга йўл очади.

Супершакл дискурснинг жанр хусусияти билан боғлиқ бўлиб, муайян дискурс турининг стандарт тузилишини билдиради. Масалан, иш юритиш ҳужжатларининг тузилиши дискурс супершаклига мисол бўла олади.

Ван Дейк Т.А. ўз асарида *макроқоидалар* терминини ҳам қўллаган. (Бу термин Ван Дейк Т.А. таржимонлари томонидан *макроправила* тарзида қўлланган). Макроқоидалар – дискурс макроструктурасини ташкил этган макропропозицияларни аниқловчи, унинг интерпретацияси учун муҳим бўлмаган пропозицияларни қисқартириш; уларни умумлаштириш; пропозициялар кетма-кетлигидан макропропозицияни келтириб чиқариш жараёнларини ўз ичига олган нисбий характердаги усулдир. Дискурс ҳажман катта синтактик бирликлардан таркиб топишини назарда тутадиган бўлсак, ҳажми ва ўлчами катта бўлган предмет номларига қўшилувчи *макро* элементи билан ҳосил қиинган ушбу терминни калька қилган ҳолда қўллаш тўғри, деб биламиз.

Ван Дейк Т.А. томонидан қўлланган **вазият модели** термини концептуал босқич, яъни концептнинг лисоний шакл олиш босқичининг бирлигини ифодалаб, воқелик фрагменти, яъни муайян вазият ҳақидаги билимларнинг инсон хотирасидаги когнитив коррелятидир[2].

---

[1] Караулов Ю.Н., Петров В.В. От грамматики текста к когнитивной теории дискурса // Ван Дек Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М., 1989. – С. 41–66.

[2] Ван Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – С. 68–69.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рус тилида "ситуационная модель" шаклида қўлланилувчи бу терминни проф. Ш.Сафаров *ситуация модели* тарзида қўллаган[1].

Маълумки, *ситуация* сўзи ўзбек тилшунослигида ҳозирги вақтда *вазият* сўзи орқали ифодаланмоқда. Шу сабабли мазкур терминни *вазият модели* деб қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ван Дейк Т.А. матн макропропозициясини аниқлашда қуйидаги қоидаларга амал қилинишини қайд этган:

1. Тушириб қолдириш, яъни макропропозицияни аниқлашга хизмат қилмайдиган пропозицияларни эътиборга олмаслик.

2. Умумлаштириш, яъни матнни ташкил этувчи гапларда ифодаланган пропозицияларнинг умумий мазмунидан келиб чиққан ҳолда макропропозицияни аниқлаш.

3. Тузиш, яъни пропозициялар кетма-кетлигини уларнинг йиғиндисидан келиб чиққан пропозиция билан алмаштириш[2].

Маълум бўладики, макропропозиция тушунчаси ўзбек тилшунослигида ҳали яхши ўрганилмаган матн пропозициясини тадқиқ этишда муҳим бўлса, иккинчи томондан, матн муаллифи ва реципиентнинг когнитив фаолиятини янада чуқурроқ ёритиш имконини беради.

Макропропозиция тушунчаси олимнинг асарларида асосан матбуот материалларига татбиқ этилган бўлса-да, фикримизча, бу қарашдан дискурсив характердаги ҳар қандай матннинг когнитив-семантик хусусиятларини ёритишда бемалол фойдаланиш мумкин бўлади. Макропропозиция тушунчаси айниқса иккиламчи номинациялар билан иш кўрувчи бадиий матн таҳлилида муҳим аҳамият касб этади. Фикримиз далили учун Ўткир Ҳошимовнинг "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" асаридан олинган микроматнни таҳлил этишга уриниб кўрамиз.

Қуёш булоқ сувига ҳам, магзавага ҳам баравар нур сочаверади.
Ер чучмомани ҳам, чақиртиканакни ҳам баравар ўстираверади.
Ота-онага боланинг яхши-ёмони йўқ.

Микроматндан кўринадики, бу матнда қуйидаги пропозициялар кетма-кетлиги ифодаланган: 1. Қуёшнинг булоқ сувига ва магзавага бир хилда нур сочиши. 2. Ерда чучмома ва чақиртиканакнинг баравар ўсиши. 3. Ота-онага боланинг яхши-ёмони йўқ эканлиги.

Мазкур пропозицияларни локал алоқадорлик нуқтаи назаридан фақат темпораллик категорияси бирлаштириб турибди. Глобал алоқадорликка кўра эса уларнинг ўзаро муносабатини таъминлов-

[1] Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 33.

[2] Ван Дейк Т.А. Кўрсатилган асар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чи воситани ушбу матннинг ботиний тузилишидан излаш керак бўлади. Яъни ўқувчи ушбу матнда ер, қуёш – ота-она; чучмома, булоқ суви – яхши бўлиш хусусияти; мағзава, чақиртиканак – ёмон бўлиш хусусияти референтларининг ўзаро қиёсий муносабатда эканлигини англаб етиши лозим. Ушбу муносабатлар моҳиятан аниқ бўлгандагина, энг охирги пропозиция ушбу матннинг макропропозицияси эканлиги аён бўлади. Ўқувчи ушбу матннинг асосий мазмунини тушириб қолдириш қоидасига кўра идрок этади.

Қуйидаги матнда эса макропропозиция матнда бевосита ифодаланмаган бўлиб, умумлаштириш қоидасига асосан тикланади.

Бемор огирлашди. Сотиболди хўжайинининг олдига арзга борди, аммо бу боришдан муддаоси нима эканлигини аниқ билмас эди. Абдулганибой унинг сўзини эшитиб кўп афсусланди, қўлидан келса ҳозир унинг хотинини оёққа бостириб беришга тайёр эканини билдирди, кейин сўради:

- Девонаи Баҳовуддинга ҳеч нарса кўтардингизми? Ғавсул аъзамга-чи?

Сотиболди кетди. (А.Қаҳҳор "Бемор"ҳикояси)

Берилган матнда ифодаланган макропропозиция "Абдулғанибой Сотиболдига моддий ёрдам беришни истамади" ифодасидан иборат.

Прагматик жиҳатдан макропропозиция матн муаллифининг матн орқали айтмоқчи бўлган энг муҳим фикри, ўқувчи нуқтаи назаридан қараганда эса унинг матн мазмунидан келиб чиқиб ҳосил қилган якуний хулосасидир.

Кўринадики, макропропозиция матнда эксплицит ифодага эга бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Иккинчи ҳолатда макропропозиция мантиқий-когнитив тузилмалар ёрдамида тикланади. Бунда матн ўқувчисининг когнитив фаолияти матн мазмунининг тўлиқ англашилишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу ўринда И.Р.Гальпериннинг ўқилаётган матнни ҳаракатдаги матн, ўқиш жараёнидан ташқарида бўлган матнни эса ҳаракатсиз матн сифатида баҳолаганини эсга олиш ўринлидир[1].

Матннинг пропозитив тузилишини тадқиқ этишнинг яна бир очилмаган қирраси борки, у ҳам бўлса метафорик мазмунли матнлардир. Маълумки, бундай матнлар мазмун жиҳатидан икки қатламли, яъни синтактик шакл орқали ифодаланган мазмун ва муаллиф назарда тутган мазмундан иборат бўлади. Бунга А.Суюннинг "Оқ ва қора" шеъридан келтирилган парча мисол бўлиши мумкин:

[1] Гальперин И.Р. О понятии текста // Вопросы языкознания. – Москва, 1974. – №6. – С. 22.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оқ тоғларни изладим,
Қора тоғлар дуч келди.
Қора тоғлар қучоғини кездим, ёронлар,
Оқ тоғларга кетгунча.

Бу каби матнларнинг пропозитив тузилишини қандай изоҳлаш лозим? Бунда вербал воситалар орқали ифодаланган пропозицияни ҳисобга олиш керакми ёки назарда тутилган пропозицияними?

Фикримизча, бу ўринда бизга матннинг ички тузилиши ҳақидаги тушунча ёрдамга келади, яъни мазкур матннинг ташқи тузилишида референт сифатида ***оқ*** ва ***қора тоғлар*** танланган, ички тузилишида эса улар ўрнини ***яхши*** ва ***ёмон одамлар*** эгаллайди. Матн макропропозицияси мана шу референтлар қиёси асосида тикланади ва бу ўринда ҳам шеър ўқувчисининг когнитив қобилияти, ***оқ*** ва ***қора*** концептларининг рамзий характерга эга эканлиги ҳақидаги захира билимлари матнда яширинган "энергия"ни ишга туширади. Натижада лирик қаҳрамоннинг яхши инсонларни топгунча, ёмон инсонлар орасида бўлишга мажбур бўлганлиги ҳақидаги ахборот ушбу микроматннинг макропропозицияси эканлиги аён бўлади.

Таҳлиллардан кўринадики, матн мазмунининг англашилишида матн муаллифининг интенцияси, яъни мақсади, матннинг ташқи тузилиши, матннинг ички тузилиши, реципиент дискурсив қобилиятининг даражаси асосий омиллардан ҳисобланади. Ушбу омиллар уйғунлиги бўлмас экан, юқорида айтилганидек, бундай матн "ҳаракатсиз матн" бўлиб қолаверади.

Ван Дейк Т.А. нинг юқорида қайд этилган мақоласида макропропозиция тушунчаси супершакл тушунчаси билан боғлиқ эканлиги таъкидланади. Супершакл матннинг асосан жанрга оид хусусиятларидан келиб чиқувчи, унинг композициясига доир белгилар мажмуасидир. Супершаклнинг намунаси сифатида расмий матнларни кўрсатиш мумкин. Маълумки, расмий матнларда матн қисмларининг ўрни қатъий тартибга кўра белгиланади. Масалан, ариза матнининг супершакли ариза қабул қилувчининг исми шарифи, лавозими, ариза берувчининг изоҳи, имзоси ва сана қисмларидан иборат. Шунингдек, масал, сонет, эртак каби адабий жанрларнинг ҳам ўзига хос ифода шакллари мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, макропропозиция ҳодисаси лингвистик пресуппозиция ҳодисасига ўхшаб кетади. Лекин уларнинг ўзаро фарқловчи белгилари мавжуд: пресуппозиция унга ишора

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилувчи тил воситаси орқали аниқланади ва асосан гап доирасида ўрганилади. Макропропозиция эса матнга хос ҳодиса бўлиб, матн қисмларининг глобал муносабатлари натижасида юзага келади.

Хулоса сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин: матнни ташкил қилган гаплар пропозицияси алоҳида эмас, умумий алоқадорликда ўрганилиши лозим. Бунда макропропозиция ҳодисаси муҳим ўрин тутади.

Макропропозиция матн референциясинигина эмас, матн муаллифининг прагматик мақсадини аниқлашда ҳам катта аҳамиятга эга, шунингдек, бу ҳодиса матн интерпретациясини ўрганишда ва ўқувчи томонидан матн мазмунининг идрок этилиши, яъни мазмуний перцепция масалаларини ёритишда ҳам эътиборга моликдир.

2.2. Ўзбек тилида концептнинг матн орқали ифодаланиши

Концепт муаммоси антропоцентрик парадигманинг марказий муаммоларидан бири ҳисобланади. Концептнинг моҳияти, унинг типлари ва тил бирликларига муносабати ҳақида ишимизнинг аввалги саҳифаларида тўхталган эдик. Монографиямизнинг бу қисмида биз концептнинг матн орқали ифодаланиши ҳақида фикр юритамиз.

Маълумки, тилшуносликда концептлар, асосан, лексик ҳамда лексик-фразеологик бирликлар орқали ифодаланади, деган фикр устун. Кейинги даврларда эса фанда синтактик концептлар ҳақидаги назарий қарашлар, шунингдек, ушбу мавзуга бағишланган тадқиқотлар ҳам юзага келди[1]. Уларнинг аксариятида синтактик концепт типик пропозицияга тенглаштирилади[2].

С.Е.Кузьминанинг фикрига кўра, синтактик концепт бу – "предметлар ва уларнинг муносабатини акс эттирувчи вазият ҳақидаги ахборот бўлиб, у гапнинг структур схемаси орқали ифодаланади ҳамда типик пропозиция (мазмуннинг структурлаштирилган йиғиндиси) орқали намоён бўлади"[3].

С.Е.Кузьмина ўз мақоласида инглиз тилидаги қуйидаги гапларни мисол тариқасида келтиради: *I don't give you the book* (Мен китобни сизга бермайман). *The doctor gave him some cough medicines.*

---

[1] Кузьмина С.Е. Понятие "синтаксический концепт" в лингвистических исследованиях / Вестник ЧелГУ. 2012. № 17. Филология. Искусствоведение. Вып. 66. – С. 87–90.

[2] Қаранг: Кузьмина С.Е. Кўрсатилган мақола.

[3] Кузьмина С.Е. Кўрсатилган мақола. – Б. 90.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Доктор унга бир нечта йўтал дориларни берди). *I sent her a letter* (Мен унга хат жўнатдим). *He sent her a greetimg card* (У унга таклифнома жўнатди).

Мақола муаллифи ушбу гаплар учун *Кимдир кимгадир ниманидир беради* шаклини типик пропозиция сифатида белгилайди. Демак, кўринадики, тадқиқотчи юқоридаги гапларда ифодаланган концептни белгилашда уларнинг мазмунини мавҳумлаштириш йўлидан борган.

Синтактик концептлар мавзусида тадқиқот олиб борган яна бир тилшунос – Л.А.Фурснинг фикрлари ҳам юқоридаги фикрларга ҳамоҳанг. Жумладан, у шундай ёзади: "Синтактик йўл билан ифодаланган концепт ўзида дунё ва тил ҳақидаги структурлаштирилган билимларни сиқиқ ҳолда намоён қилувчи ва уларни пропозиционал шаклда ифодалашни кўзда тутувчи, максимал тарзда мавҳумлаштирилган мазмуний узвларни намоён этади"[1].

Маълумки, концепт –мавҳум тушунча. Уни бевосита кузатиш мумкин эмас. Инсоннинг когнитив фаолияти билан боғлиқ бўлган бу ҳодисани унинг тилдаги коррелятлари орқали аниқлаш мумкин. Синтактик концепт ҳақидаги илмий қарашлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, тил бирликларидан бири бўлган гап ҳам концепт ифодачиси (унинг тилдаги корелляти) сифатида тан олинмоқда. Демак, бу қарашларга биноан, гапда ҳам муайян концепт ўз ифодасини топади ва бу синтактик концепт, яъни синтактик йўл билан ифодаланган концепт ҳисобланади. Синтактик концептлар гапларнинг умумий мазмунидан келиб чиқиб аниқланади. Шунингдек, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, нафақат лексема ёки фразеологизм, балки пропозиция (бинобарин, асосан, гап – Д.Х.) ҳам концептни ифодалаш шаклларидан бири бўлиб, у воқеликни концептуаллаштириш ва категориялаштириш маҳсули бўлганлиги учун антропоцентрик моҳият касб этади[2].

Бу қарашларда синтактик концепт воқеликдаги бир турдаги муносабатларнинг мантиқий формуласига тенг келиб қолгандек, назаримизда. Агар концептда миллий менталлик, аксиологик модаллик, лингвомаданий омиллар ҳам акс этишни эътиборга оладиган бўлсак, юқоридаги қарашлар бир оз мунозарали туюлади. Шундай бўлса-да, концептнинг гап орқали ҳам ифодаланиши ҳақидаги фикр,

[1] Фурс Л.А. Синтаксически репрезентируемые концепты: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Тамбов, 2004. – С. 42.

[2] Кузьмина С.Е. Понятие "синтаксический концепт" в лингвистических исследованиях / Вестник ЧелГУ. 2012. № 17. Филология. Искусствоведение. Вып. 66. – Б. 89–90.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бизнингча, жуда тўғри ва у бошқа бир муаммо – концептнинг матн орқали ифодаланиши ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди.

Тадқиқот ишимизнинг асосий объекти матн бўлганлиги боис биз ўз эътиборимизни айнан шу томонга, яъни **Концепт матн орқали ифодаланадими?** деган муаммога қаратмоқчимиз.

Бевосита матн ва концепт масаласига тўхталадиган бўлсак, айтиш мумкинки, матн, хусусан, бадиий матн концепт ифодачиси бўла олади. Бунда, юқорида қайд этилганидек, индивидуал-муаллифий ёндашув ҳам, шунингдек, миллий менталлик белгилари ҳам ўз аксини топиши мумкин.

Маълумки, тилшуносликда бадиий концепт концепт типларидан бири сифатида баҳоланади. Рус тилшуноси – И.Г.Ткаченко тадқиқотчилар томонидан бадиий концептга хос қуйидаги белгилар қайд этилганини таъкидлайди:

1) мантиқ қоидаларига бўйсунмаслик;
2) реал воқеликка ҳар доим ҳам мос келмаслик;
3) потенциал образга динамик тарзда йўналганлик;
4) образлилик;
5) эстетиклик;
6) индивидуаллик[1].

Яна бир тадқиқотчи – И.А.Тарасованинг фикрига кўра, бадиий концептни изоҳлашда икки ёндашувни кузатиш мумкин: 1) бадиий концепт – индивидуал – муаллифий, психик ҳосиладир; 2) бадиий концепт – миллий ва адабий анъаналар ҳосиласидир[2]. Бизнингча эса, бадиий концепт юқорида қайд этилган ҳар иккала хусусиятни ўзида мужассам этади. Зеро, концептнинг ўзида ушбу белгилар мавжуддир.

Бу ўринда яна бир фикрни айтиш жоизки, матн орқали концептнинг ифодаланиши масаласини ёритиш учун илмий тадқиқотнинг битта қисми, ҳатто битта боби ҳам камлик қилади. Бу – алоҳида монографик тадқиқот мавзуси бўлиб, унга кенг аспектда ёндашув лозим. Шу боисдан биз тадқиқотимизнинг ушбу қисмида бадиий матнда копцептнинг ифодаланишига оид кузатишларимиздан келиб чиққан айрим мулоҳазаларни баёни этиш билан чегараланамиз.

---

[1] Ткаченко И.Г. Подходы к трактовке текста и художественного концепта в современной линвистике // И.Г.Ткаченко, Ю.Г.Мурка // Филологические науки в России за рубежом. Материалы международ.заоч.науч. конф. (г.Санкт-Петербург, февраль 2012 г.) – СПб.: Реноме, 2012. – С. 173–175.

[2] Тарасова И.А. Художественный концепт: диалог лингвистики и литературоведения // Лингвистика. Вестник Нижегородского ун-та. – 2010. – № 4(2). – С. 742–745.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фикримизча, бадиий асарларда, хусусан, насрий асарларда лингвокультурологияда асосий концептлар ҳисобланган *ҳаёт, ўлим, она, Ватан, муҳаббат, яхшилик, адолат, аёл* каби тушунчалар ифодаси кўп учрайди. Бадиий асар ижодий фаолият маҳсули бўлганлиги сабабли, муайян концепт ифодаси бу каби матнларда, табиийки, биринчи навбатда индивидуаллик, образлилик белгиларини намоён этади. Қуйидаги матнга эътибор беринг:

Катта йўл бўйида дарахт ўсарди... Иттифоқо унинг тагига бир йўловчи келди. Кун иссиқ, йўловчи чарчаган эди. Дарахт соясида ўтириб дам олди...

Йўловчи очиққан эди. Қараса, дарахтда мевалар пишиб ётибди. У дарахтга чиқишга эринди: тош отди. Мевалар дув тўкилди. Йўловчи тўйгунича еди ...

Манзил олис эди. Йўловчи дарахт шохини синдириб, таёқ ясади...

Кейин... заҳар танг қилиб қолди. Йўловчи дарахт панасига ўтди...

Сўнг... йўлига кетди...

Дарахт бошқа йўловчини кута бошлади... Бу дарахтнинг номи Яхшилик эди... (Ў.Ҳошимов. "Йўл бўйидаги дарахт")

Ў.Ҳошимовнинг "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" китобидан олинган мазкур матнда ЯХШИЛИК концепти ўз ифодасини топган. Матнда бу концепт "дарахт" рамзи орқали ифодаланган бўлиб, муаллифнинг когнитив-дискурсив фаолиятида қўлланган ўхшатиш амали матннинг метафорик мазмун касб этишига олиб келган.

Ф.М.Достоевский ва М.А.Булгаков романларини лингвокогнитив таҳлил қилган О.А.Актисова ўз ишида тавсифий характердаги микроматнларда концепт матн яратувчанлик хусусиятига эга бўлади, деган фикрни илгари суради[1]. Ўзбек ёзувчилари асарларидан олинган микроматнлар ҳам бу фикрнинг тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Ў.Ҳошимовнинг юқорида тилга олинган китобидаги бир неча микроматнда АЁЛ концепти ўз ифодасини топган. Улар тавсифий характердаги микроматнлар бўлиб, АЁЛ концепти майдонига кирувчи турли концептларнинг вербал кўринишларидир. Масалан:

"Аёл кишини ипидан игнасигача биламан", дейсизми? О-о-о, сиз даҳо экансиз!

Айтинг-чи, шарқдан секундига беш-етти метр тезликда

[1] Актисова О.А. Синтаксические средства реализации концептов в аспекте эволюции типов повествовательной речи: На материале описаний в романах "Преступление и наказание" Ф.М.Достоевского и "Мастер и Маргарита" М.А.Булгакова: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2006. – С. 29.

www.ziyouz.com kutubxonasi

эсаётган шамол ўн дақиқадан кейин шимолга буриладими, жанубгами? Ярим соатдан кейин изгиринга айланадими, бўронгами?.." (Ў.Ҳошимов. "Даҳо" экансиз!")

Аёл меҳри - асалдек тотли. Аёл макри – заҳардек хавфли. (Ў.Ҳошимов. "Меҳр ва макр")

Аёллар! Йиглаб кўнглингизни бўшатишдек неъматни ато этгани учун Яратганга шукроналар қилинг. (Ў.Ҳошимов. "Неъмат")

Аёл кишига аввало Она деб қарасак, ҳаммаси жой-жойига тушади. (Ў.Ҳошимов. "Мўътабар зот")

Аёл шундай жумбоқлар китобики, ҳали ҳеч ким уни охиригача ўқий олган эмас. (Ў.Ҳошимов. "Абадий жумбоқ")

АЁЛ концепти кўп қатламли концептлардан бўлиб, у рус, инглиз, француз тиллари материаллари асосида тадқиқ этилган[1]. Ўзбек тилшуноси Р.С.Ибрагимова бу концептни ўзбек ва француз тиллари материаллари асосида қиёсий аспектда тадқиқ этган[2]. Унинг фикрига кўра, *АЁЛ* концепти когнитив майдонига *муҳаббат, гўзаллик, она, ёлғизлик* микроконцептлари киради. Р.С.Ибрагимованинг мазкур диссертацион ишида ўзбек ва француз тилларидаги луғавий, фразеологик ҳамда паремиологик бирликлар тадқиқ объекти сифатида танланган. Тадқиқотчининг аниқлашича, ўзбек тилида 365 та гендер компонентли мақоллар мавжуд бўлиб, уларда *АЁЛ* концепти билан боғлиқ ижобий ва салбий муносабатлар ўз ифодасини топган. Шунингдек, тадқиқотчининг фикрига кўра, ўзбек тилида сўзлашувчилар идиолектида аёлнинг ички гўзаллиги унинг ташқи гўзаллигига нисбатан устун қўйилади[3]. Р.С.Ибрагимова келтирган фактлар Ў.Ҳошимов томонидан яратилган микроматнларда ҳам ўз аксини топган. Микроматнлардан кўринадики, уларда аёл шахсиятига хос бўлган меҳрибонлик, сирлилик, маккорлик, оналик сифатлари акс этган. Бу ҳар бир микроматнда *АЁЛ* концепти билан боғлиқ ассоциацияларнинг фаоллашувига сабаб бўлган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, микроматндаги бадиий концепт ифодасида концептнинг ижодкор шахс учун муҳим ҳисобланган муайян қиррасигина ўз ифодасини топади.

Бадиий асарларни кузатиш шундан далолат берадики, ўзбек тилида яратилган микроматнларда ҲОЛАТ концепти ранг-баранг

[1] Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида *АЁЛ* концептининг лингвокогнитив тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2012. – Б. 4.

[2] Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида *АЁЛ* концептининг лингвокогнитив тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2012. – Б. 30.

[3] Ибрагимова Р. С. Кўрсатилган автореферат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ифодаларга эга эканлиги билан ажралиб туради. Бу, аввало, бадиий адабиётнинг бош мақсади – инсон ва у билан боғлиқ ҳодисаларни тасвирлаш эканлиги билан изоҳланади. *Ҳолат* концепти суперконцепт мақомида бўлиб, бу майдонга кирувчи *шодлик, қайғу, соғинч, изтироб* каби концептларнинг матн орқали ифодаланиши тасвирнинг тўлақонли бўлишини таъминлайди. Қуйида мисол сифатида келтирилган микроматнлар ана шундай ҲОЛАТ концепти майдонига кирувчи концептлар ифодачиси сифатида намоён бўлганини кўриш мумкин.

СОҒИНЧ концепти. *Бирдан аллақайси мусича чўзиб ку-кулади. Шу қадар нола қилдики, мусичанинг товушида шу қадар мунг, шу қадар соғинч, шу қадар дард борлигини биринчи бор илғашим... Сизни эсладим... Мусича яна ку-кулади, азбаройи ҳовли жаранглаб кетди, беозор парранданинг бўғиқроқ товуши менинг ичимдан эшитилаётгандек бўлди... Бу товуш Сизни чақираётган, Сизни чорлаётган эди... Сезяпсизми, Сизнинг сўзингиздан чиқмай ортиқча изтиробларга берилмасликка уринганим сайин Сизни ўйламаслик, Сизни хаёлдан қувиб чиқариш эпини тополмадим.* (Х.Дўстмуҳаммад. "Ҳижроним мингдир менинг" қиссаси)

ҲАЙРАТ концепти. *Бу жуда гўзал манзара эди, буни фақат уста рассомларнинг суратларидагина кўриш мумкин, бироқ энг зўр мусаввир ҳам унинг қўшигига бўёқ тополмаган бўларди. Қизнинг овозида бани дунё ўзаро уйғунлашиб жаранглар, гўё хаёл ҳам, гўзаллик ҳам, орзу ҳам қизнинг қиёфасига кириб қўшиқ айтарди. Қўшиқни тинглаётган одам баҳорни, яшариш фаслини, солланиб турган гулларни, шабададан тўкилай-тўкилай деяётган қизғалдоқ баргидаги шудрингни, туман қоплаб олган боғни, варрак учираётган болаларни, юксак-юксакларда парвоз қилаётган, жилваланаётган болалик хаёлини кўз олдига келтириши мумкин эди. Болалик каби гўзал, тиниқ ва орзуманд бу овоз қуёшнинг иссиқ тафтидек ўз оҳанги билан одамни эритиб юборар, кўнгилга ёқимли шабададай эсиб кирарди. Тўрт ҳашарчи шундай таассуротларни бошидан кечирар, улар қўшиқни охиригача эшитмоқчидай донг қотиб туришарди.* (Н.Эшонқул. "Момоқўшиқ" қиссаси)

ҚЎРҚУВ концепти. *Яна вужудини даҳшат босди. Назарида эри азроилдек, кела солиб, жонини оладигандай, юраги қўрқувдан дукиллаб ура бошлади. Қўллари, бўғинлари, бутун жисми титраб-қақшаб, ичи яхлагандай, туйғусиз бир махлуққа ўхшаб ўтирарди. Айниқса, Азиз ишдан қайтадиган вақт яқинлашган сари баттар восвосга тушиб, ўзидан-ўзи йиғлагиси келар... елга совурилган*

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадри, номусининг аламига чидолмаганиданми, Азизнинг қаҳридан қўрққаниданми, ўксиб-ўксиб, борган сари ўзини тўхтатолмай йиглай бошлади... У иродаси ва ақлини йўқотган эди, бамисоли ўпқонга тушган хассимон, ўзини буткул мажруҳ туйгулар қўлига топширган эди... (Ў.Усмон. "Гирдоб" романи)

Юқорида келтирилган микроматнлардан кўринадики, ҲОЛАТ концептининг турли кўринишларини ифодалаш учун турли вазиятлар муносабатидан фойдаланилган. Жумладан, биринчи матнда мусичанинг ку-кулаши вазияти ифодаси соғинч ҳолатини ифодалашда восита бўлган бўлса, иккинчи матнда қўшиқ айтаётган аёлни эшитиб турган ҳашарчиларнинг қалбидаги тўлқинланиш, ҳайрат ҳислари табиат манзаралари тасвири воситасида намоён бўлган. Учинчи матнда эса асар қаҳрамонининг қўрқувга тушган ҳолати асосан унинг вужудида рўй бераётган жисмоний ўзгаришларни ифодаловчи бирликлар (*юраги қўрқувдан дукиллаб ура бошлади; қўллари, бўғинлари, бутун жисми титраб-қақшаб, ичи яхлагандай*) орқали берилган. Бу эса бадиий концепт ифодаси импликатив характерга эга эканлигидан далолат беради. Матн воситасида ифодаланган концепт унинг макропропозицияси орқали аниқланади.

2.3. Когнитив метафоралар

Маълумки, метафоралар ҳақидаги назарий қарашлар қадимги даврлардаёқ мавжуд бўлган. "Метафора ҳосила маъно юзага келиши ҳодисаларининг энг фаоли ҳисобланади.У, тилшуносликда қайд этилишича, ҳосила маъно юзага келишининг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўзаро ўхшаш келишига асосланади"[1].

ХХ асрнинг сўнгги чорагида маъно кўчишининг усулларидан бири ҳисобланган бу ҳодисанинг инсон когнитив фаолиятига ҳам хос эканлиги ҳақидаги қарашлар илгари сурила бошлади. Бундай қарашларнинг шаклланишида хусусан ўз тадқиқотларида метафорага антропологик нуқтаи назардан ёндашган М.Осборн, Ж.Жейнс, Э.Кассирер, Н.Ф.Алефиренко, Ж.Лакофф, М.Жонсон каби олимларнинг фикрлари асосий ўринни эгаллайди.

Америкалик тадқиқотчи Ж.Жейнс мавҳум концептлар муайян метафоралар ёрдамида шаклланишини таъкидлаб, номаълум ва нотаниш предметни тасаввур қилишда бизга жуда яхши таниш бўлган

[1] Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент, 2010 – Б. 94.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамда сенсор ҳиссиётларимиз билан боғлиқ бўлган образни танлай олиш ўринли метафорани юзага келтиришини таъкидлаган эди[1].

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида когнитив тилшуносликнинг таниқли вакили бўлган Ж.Лакофф ҳамда машҳур файласуф М.Жонсон томонидан яратилган метафоралар тўғрисидаги тадқиқот[2] бу борадаги қарашларнинг туб бурилишига сабаб бўлди. Мазкур тадқиқотчилар когнитив (концептуал) метафоралар назариясига асос солиб, метафоралар фақат тил ҳодисаси бўлибгина қолмай, инсон тафаккурининг ҳам ажралмас қисми эканлигини чуқур ёритиб бердилар. Ж.Лакофф ва М.Жонсон: "Метафоралар нафақат кундалик ҳаёт, нафақат тил, балки тафаккур ва фаолиятимизга ҳам кириб боради. Бизнинг кундалик тушунчавий тизимимиз ҳам ўз моҳиятига кўра метафорикдир", – деб таъкидлаган эдилар[3].

Америкалик тадқиқотчилар метафораларни уч турга бўладилар: 1) структур метафоралар; 2) онтологик метафоралар ва 3) ориентацион метафоралар[4]. Улар, шунингдек, когнитив метафоралар икки элементдан – "манба" доираси ва "мўлжал" доирасидан иборат бўлиши ҳақидаги ғояни илгари сурдилар. "Блендинг назарияси" деб номланувчи қарашни яратган олимлар – М.Тернер ва Ж.Фоконье фикрига кўра, когнитив метафоралар мураккаб динамик ва бирлаштирувчи жараённи намоён этиб, янги – қоришиқ ментал майдонлар яратилишига сабаб бўлувчи ҳодисадир[5].

Рус олими Н.С.Валгина эса метафоралар биридан-бирига ўтиб борувчи уч хил маънолар йиғиндисидан иборат, деб ҳисоблайди:

1) тўғри маъно – фактуал ахборотни ифодалайдиган маъно;

2) кўчма маъно – концептуал ахборотни ифодалайдиган маъно;

3) қайта англанган маъно (рамз) – ички ахборотни ифодалайдиган маъно; тагмаъно[6].

Когнитив метафоралар назариясига кўра, метафоралаштириш асосида когнитив тузилмалар (фрейм ва сценарийлар) ўртасидаги ўзаро алоқа жараёни ётади. Ж.Лакофф ҳамда М.Жонсон фикрига

---

[1] Қаранг: Будаев Э.В.Становление когнитивной теории метафоры // Лингвокультурология. Выпуск 1. – Екатеринбург, 2007. – С.16-32.

[2] Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем (Перевод Н.В. Перцова) // Теория метафоры. – М., 1990. – С 387–415.

[3] Лакофф Ж., Жонсон М. Кўрсатилган асар. – Б.387.

[4] Қаранг: Будаев Э.В. Когнитивная теория метафоры: генезис и эволюция // www.pglu.ru / vestnik / detail / php? /

[5] Қаранг: Будаев Э.В. Кўрсатилган мақола.

[6] Валгина Н.С. Теория текста. – М.: Логос, 2003.

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўра, вербал тузилмада эксплицит ифодаланмаган мазмун фреймлар ҳақидаги билимлар асосида келтириб чиқарилади[1]. Ж.Лакофф 1993 йилда эълон қилган "Бугунги кун метафоралари" асарида метафорик ифода (лингвистик метафоралар) ва концептуал метафораларни қатъий равишда фарқлаб кўрсатди. Ҳозирги вақтда когнитив метафоралар назарияси кўплаб соҳаларга татбиқ этилган бўлиб, билиш, тушунчани категориялаштириш, концептуаллаштириш, баҳолаш ва оламни тушунтиришнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади[2]. Когнитив метафоралар ҳақидаги назарияларга асосланиб, бу ҳодисага қуйидагича таъриф бериш мумкин: когнитив метафора – шахс когнитив фаолиятига хос ҳодиса бўлиб, бир тушунча ёки ҳукм ҳақидаги билим структуралари асосида иккинчи тушунча ёки ҳукмни категориялаштиришдир. Масалан: *Матвей Семёнович ял-ял ёнаётган қип-қизил, йирик ёқутни таъзим билан олар экан, унинг қиймати жуда баланд эканини сезди* (П.Қодиров. "Ҳумоюн ва Акбар" романи) гапидаги *баланд* сўзининг метафорик маънода қўлланишига матн тузувчининг тезаурусида узуал ҳолатда мавжуд бўлган НАРХ БУ – ВЕРТИКАЛ УЗУНЛИК тузилишидаги когнитив метафора асос бўлган. Буни нутқимизда қўлланувчи *нархи пасайди, нархи ўртача, нархи баланд, нархи осмонда* каби бирикмалар ҳам исботлайди.

Ж.Лакофф ва М.Жонсон тадқиқотида таҳлил этилган *вақт бу – пул, вақт бу – чекланган захира, вақт бу – қимматбаҳо буюм* когнитив метафоралари ўзбек тилида сўзлашувчи нутқ эгалари тезаурусида ҳам мавжудлиги (Масалан: *Бу ишга кўп вақт* ***сарфладим***; *Вақтим* ***тугай*** *деяпти*; *Беҳуда ишлар вақтни* ***ўгирлайди***) бир қатор когнитив метафораларнинг когнитив-семантик универсалий эканлигидан далолат беради.

Бу ўринда қуйидаги саволнинг пайдо бўлиши табиий: тафаккурга хос бўлган бу жараённи ўрганиш тилшуносликка нима беради? Назаримизда, бу саволга Е.С.Кубрякованинг қуйидаги сўзлари жуда ўринли жавоб бўла олади: "Ҳар қандай тил ҳодисаси когниция ва коммуникация кесишган нуқтада тадқиқ этилсагина ўринли тавсифланган ва изоҳланган деб ҳисобланиши мумкин"[3]. Зеро, лингвокогнитологиянинг асосий мақсадларидан бири

[1] Жонсон М. Кўрсатилган асар. – Б. 387.

[2] Будаев Э.В. Кўрсатилган мақола.

[3] Кубрякова Е.С. Образы мира в сознании человека и словообразовательные категории как их составляющие // Известия РАН. Серия литературы и языка, 2006. Т.65. – №2. – С.11.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам тилни ахборот узатиш ва уни идрок этиш тизими сифатида тадқиқ этишдир.

Когнитив метафоралар импликативликни юзага келтирувчи омиллардан бири сифатида сўз, сўз бирикмаси, жумла ёки матнда ўз "изи"ни қолдиради. Метафора асосида маъноси (мазмуни) кўчган бирликлар "когнитив айсберг"нинг[1] юза қисми бўлиб, унинг асосий қисми бизнинг лисоний онгимиз тубида яширин ҳолда мавжуд бўлади. Айтиш жоизки, юқоридаги каби ҳолатларни ўзида намоён этувчи когнитив фон ҳодисаси ўзбек тилшунослигида ҳали тадқиқ объекти бўлган эмас. Когнитив фон ҳодисасини метафора, метонимия, ўхшатиш, жонлантириш каби ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш антропоцентрик тилшуносликнинг зарурий муаммоларидан биридир.

Бизнингча, бунда матн семантикасида мавжуд бўлган когнитив метафораларни уларнинг тил сатҳига кўра таснифи асосида таҳлил қилиш лозим. Яъни: а) сўз шаклидаги метафоралар; б) сўз бирикмаси шаклидаги метафоралар; в) гап шаклидаги метафоралар; г) микроматн шаклидаги метафоралар.

2.4. Матн яратилишида гештальтнинг ўрни

Тадқиқотчилар томонидан "фанлар федерацияси"[2] деб таърифланган когнитив тилшунослик учун энг муҳим вазифа тафаккур бирлиги бўлган концептнинг тилда (аниқроғи, нутқда) акс этишини таъминловчи структуралар, ҳаракатлар, қоидаларни аниқлашдир"[3]. Концептнинг лисоний воқеланишини таъминловчи бундай тузилмалар лингвокогнитологияда фрейм, скрипт, сценарий, пропозиция, вазият модели, образ, схема, рамз каби номлар остида ўрганиб келинмоқда. Ана шундай ментал тузилмалардан бири лингвистик гештальт ҳисобланади. Ш.Сафаров "Когнитив тилшунослик" китобида фанга ушбу тушунча XX асрнинг биринчи чорагида В.Келер, М.Вертхаймер, К.Дункер каби немис психологлари томонидан олиб кирилганлиги, бу эса психологияда янги оқим – гештальт-психологиянинг шаклланишига сабаб бўлганлигини таъкидлайди[4].

---

[1] Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопросы языкознания, 1994. – № 4. – С. 22.

[2] Демьянков В.З. Кўрсатилган мақола. – Б. 17–33.

[3] Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б.27.

[4] Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006. – Б.47.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гештальт немисча сўз бўлиб, "образ, тузилма, яхлит шакл" маъноларини англатади[1]. Илмий адабиётларда гештальтга бирор объектни қисмлар йиғиндиси сифатида эмас, балки яхлит ҳолда идрок этиш жараёни деб таъриф берилади[2]. Когнитив тилшуносликнинг асосчиларидан бири Ж.Лакоффнинг "Лингвистик гештальтлар" номли мақоласида ушбу ҳодисани тил тизимини таҳлил этишга ҳам татбиқ этиш мумкинлиги ғояси илгари сурилган[3]. Ўзбек тилшунослигида гештальт ҳодисасининг моҳияти ва унинг назарий талқини ҳақида Ш.Сафаровнинг юқорида қайд этилган рисоласида маълумот берилган. Олим гештальтнинг когнитив тилшуносликдаги аҳамияти ҳақида гапирар экан, унинг, айниқса, матн тузилишини ўрганишда муҳим эканини қайд этади: "Матнни қисмлар йиғиндисидан иборат деб қараш, таҳлилни йиғма аналитик усулда бажариш натижасида бу таҳлилдан гап синтаксисидан нарига ўтмаслик хавфи туғилди. Бундай хавфдан қочишнинг ягона йўли таҳлилни яхлитликдан қисмларга йўналтириш, гештальт назариясига мурожаат қилишдир"[4].

Дарҳақиқат, муайян объектни (шу жумладан матнни ҳам) яхлит тузилма сифатида идрок этиш бу объектни уни ташкил этган қисмларнинг оддий йиғиндиси сифатида эмас, балки уларнинг ўзаро муносабатлари бирлиги сифатида тушуниш ва тасаввур этишга олиб келади. Бу эса реал воқеликка оид бирор предметнинг ички тузилиши ва моҳиятини чуқурроқ англаш имконини яратади.

Психологияга доир адабиётларда гештальт ҳодисасини изоҳлаш учун кўпинча **дарахт** тушунчасидан фойдаланилади. Бунда дарахтни предмет сифатида идрок этувчи шахс уни қисмлар йиғиндиси, яъни тана, илдиз, шохлар ва барглардан иборат ўсимлик сифатида эмас, шу қисмларга бўлинувчи яхлит жисм – дарахт сифатида идрок этиши муҳимдир. Матн идроки ҳам шу ҳолатга ўхшаб кетади. Қуйидаги матнга эътибор беринг: *Зеби холадан ҳайиқмайдиган бола йўқ эди. Эркаклардек барваста гавдали, қоп-қора бу хотиннинг йўғон овози ҳам, узун қирра бурни, кетмонни елкасига ташлаганча этик кийиб гоз юриши ҳам бошқа аёлларга ўхшамас, ҳатто қораматир сийрак мўйловигача бор эди. У*

---

[1] Ўша ерда. – Б. 47.

[2] Қаранг: Хрестоматия по истории психологии. – М., 1980. – С. 84–89; Алефиренко Н. Спорные проблемы семантики. – М., 2005. – С.326; Сафаров Ш. Кўрсатилган асар. – Б. 47.

[3] Лакофф Дж. Лингвистические гештальты // Новое в зарубежной лингвистике. Вып X. – М., 1981. – С. 350–368.

[4] Сафаров Ш. Кўрсатилган асар. – Б. 50.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қачон қараса қулоғига райҳон тақиб юрар, Дархон ариғи бўйидаги ҳовлисида ёз бўйи райҳонлар барқ уриб ётарди (Ў.Ҳошимов. "Дунёнинг ишлари" қиссаси).

Ёзувчи Зеби холанинг портретини яратар экан, дастлаб унинг ташқи қиёфасини ўз тасаввурида жонлантиргани айни ҳақиқатдир. Шунингдек, мазкур матнни ўқиётган китобхон тасаввурида ҳам Зеби холанинг ташқи қиёфаси бўй-басти билан намоён бўлади.

Кўринадики, матн яратилиши жараёнида гештальт қонунияти муҳим ўрин тутади. У матнда ифодаланган мазмуний қисмларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам таҳлилий, ҳам умумий тарзда муносабатда бўлишини яққол кўрсатиб туради.

Маълумки, микроматн уни ташкил этган пропозициялар йиғиндисидан иборат. Лекин матн яратилиши нуқтаи назаридан бу – зоҳирий кўриниш. Аслида кўпинча матн муаллифи идеолектида дастлаб алоҳида пропозициялар эмас, балки бу пропозицияларнинг умумий идрокидан келиб чиқувчи яхлит мазмун юзага келади.

Психологик гештальт вербал босқичда қисмлар, яъни пропозициялар шаклида реаллашади. Гештальт матн яратилиши жараёнида яхлит бутунлик сифатида юзага келса, унинг мазмуний идрокида эса бўлакдан-бутунга жараёни амал қилади. Бунда гештальт ҳодисасини мозаикага, ўқувчининг ҳолатини эса мозаиканинг турли рангдаги турли шаклларидан яхлит манзара тасвирини идрок эта олиш жараёнига ўхшатиш мумкин.

Гештальт ҳодисаси маълум маънода фалсафий категориялардан бири бўлган бутун ва бўлак муносабатларининг тилдаги ифодасидир. Маълумки, объектив воқеликдаги бутунлик ўз қисмларидан бири бўлмаса, мукаммал ҳисобланмайди. Характерли томони шундаки, гештальт асосида яратилган матнларда эса бутунни ташкил этган қисмларнинг барчаси иштирок этиши шарт эмас. Бунда энг муҳим қисмларни бериш орқали тавсифланаётган объект ёки тушунчанинг моҳиятини очиб бериш мумкин. Масалан, қуйидаги микроматнда Ш.Холмирзаев ҳикоя қаҳрамони – қариянинг умри давомидаги айрим муҳим воқеларни қайд этиш орқали мўъжазгина матнда бир шахснинг бутун ҳаёт йўлини тасвирлаб бера олган: *Чолнинг ота авлодидан ҳам, она авлодидан ҳам ҳеч кими йўқ. Шуни эс-эс биладики, болалигида қишлоқларини қуролланган одамлар босган. У сомонхонага бекиниб жон сақлаб қолган. Кейин чорбозорчиларга қўшилиб, кўмир кони яқинидаги қишлоққа борган. Қўй боққан, почтачилик қилган. Бир эшонга мурид тушиб, етти йил унинг изидан юрган. Бола кўрмаган.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хотини бундан саккиз йил муқаддам ўзининг қўлида жон берган. Хотинининг қабри Қизил Газада.

Шундан бери чол ёлғиз. Тўрт йил бўлдики, уни ўлим ваҳимаси чулғай бошлади. Кўзи пишиб кетгани учун ўлимдан эмас, жонкуяри бўлмагани учун ўлганини ҳеч ким билмай қолишидан қўрқади (Ш.Холмирзаев. "Қария" ҳикояси).

Лингвистик гештальт матн яратилиши ҳодисаси билан бирга унинг идрокий жиҳатига хос когнитив ҳолатлар моҳиятини очиб беришда ҳам муҳимдир. Маълумки, ўқувчи матнни мутолаа қилиш жараёнида уни ташкил этган бирликларнинг мазмунини идрок эта боради. Бунда ўз диққат-эътиборини биринчи навбатда матн муаллифи ифодаламоқчи бўлган энг асосий фикрни топишга йўналтиради. Шуни таъкидлаш лозимки, матн яратилишида гештальт яхлит бутунлик сифатида юзага келса, унинг мазмуний идрокида бўлакдан – бутунга жараёни амал қилади, яъни ўқувчи томонидан идрок этилган алоҳида бирликлар яхлитланиб, матн макропропозициясини юзага келтиради.

Лингвистик гештальт, асосан, яхлит тушунча ёки предметни тавсифловчи матнларда кузатилади. Хусусан, шахснинг ташқи ёки ички қиёфаси, ҳолати, бирор манзара ёки предметнинг кўринишини тасвирловчи матнларда айни ҳодиса амал қилади. Масалан, Х.Дўстмуҳаммад қаламига мансуб қуйидаги матнда табиат манзарасининг яхлит тасвирини кўриш мумкин.

...қиш чилласи. Туни билан ёққан қор ҳолдан тойган – май-йда-май-йда элаяпти. Қор қоплаган томлар қато-ор ётганича уйқуга кетган ва ҳализамон силкиниб уйғонадиган баҳайбат жондорларга ўхшайди. "Жондорлар"нинг у ер-бу еридан қуюқ қора тутун бурқсиб кўтариляпти... Тонг отса-да, одамлар иссиқ уйларидан ташқарига чиққилари келмайди, совуқнинг зўридан кун ҳам минг бир уқубатда, эриниб ёйилмоқда (Х.Дўстмуҳаммад. "Ҳижроним мингдир менинг" қиссаси).

Бадиий матнларда лингвистик гештальт воқеликни идрок этишнинг энг кўп қўлланувчи турларидан бири – метафора билан узвийлик ҳосил қилиши кўп учрайди. Бунда лингвистик гештальт усули мавҳум (психологик нуқтаи назардан – муайян шаклга эга бўлмаган) тушунчаларни концептуаллаштириш мақсадида қўлланилади. Ў.Ҳошимов қаламига мансуб қуйидаги матнда айни шу ҳодисани кузатиш мумкин.

Шеърият гўзал ва ихчам кошонага ўхшайди. Кошонани ич-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ичидан ёритиб турадиган нур бўлади. Бу нурнинг номи – туйғу деб аталади. Насрий асар эса салобатли, кўп қаватли бинога ўхшайди. Бу бинонинг чалкаш ва мураккаб йўлаклари ҳам, ётоғи ва меҳмонхонаси ҳам, айвони ва зали ҳам, ертўласи ва болохонаси ҳам бўлиши мумкин. Яъни насрий асарнинг қурилмаси – композицияси кўп қаватли ва мураккаб бўлади. Қизиғи шундаки, ушбу катта бинони ҳам ич-ичидан ёритиб турадиган нур – туйғу бўлиши шарт. (Ў.Ҳошимов. "Дафтар ҳошиясидаги битиклар")

Лингвистик гештальт хусусан шахс руҳий ҳолатини тасвирлашда ҳам намоён бўлади. Масалан, Х.Дўстмуҳаммаднинг "Мен – сенсиз, сен – менсиз" номли қиссасидан олинган микроматн жумлаларида изтироб чекаётган одам ҳолати бирма-бир тавсифланган. Бу жумлалар бир умумий мазмун атрофида бирлашиб, соғинч туйғуси ўртаётган шахснинг яхлит қиёфасини ўқувчи тасаввурида жонлантиради:

Соғинч шу қадар сеҳрли бир туйғуки, у бир-бирига муштоқ қалбларни туташтириб туради, умид ипларини эшади, нечоғли изтиробли бўлмасин, соғинч қалбларни тозалайди, тоблайди, дўстликни, меҳр-муҳаббатни аёвсиз синовлардан ўтказади.

Соғинч юракларни ўртайди, у – қулоқни кар, кўзни сўқир, ақлни сийқалаштиради. Ҳардамхаёл қилиб қўяди одамни! Истаган кўйига солади! Унинг азобли ўйинларига ҳар ким ҳам дош беравермайди. Соғинч измидаги одам сурункали бедаво дардга йўлиққкан кимсадек сиртидан бардошли кўрингани билан ичидан зил кетган бўлади. Сувратини қолади-ю, сийрати абгор бўлади. Аста-секин сийратдаги абгорлик суратга кўчади. Муттасил соғинч азобида юрган одамнинг кўзларидан нур сўнади. Нигоҳларидан мазмун йўқолади.

Микроматнда лингвистик гештальт ҳодисасини таҳлил этиш қуйидагича хулосаларга келиш имконини беради.

Яхлит тушунча ёки предмет тавсифланган микроматнларда лингвистик гештальт ҳодисаси амал қилади. Лингвистик гештальт, асосан, шахснинг ички ёки ташқи қиёфасини тасвирлаш, табиат манзараси ёки бирор предметнинг кўринишини ўқувчи тасаввурида жонлантириш мақсадида яратилган матнларда намоён бўлади.

Матн яратилиши жараёнида шахс онги ва тафаккурида биринчи навбатда психологик гештальт юзага келади. Бунда бўлажак матн мазмуни вербал босқичга ўтаётган яхлит тузилма сифатида намоён бўлади.

Муаллифнинг ички нутқида шаклланган ментал тузилма пропозициялар сифатида трансформа қилинади, мазкур

www.ziyouz.com kutubxonasi

пропозициялар нутқда партонимик муносабатни акс эттирувчи мазмуний бирликлар сифатида реаллашади.

Гештальт асосидаги матн яратилишида бутундан – бўлакка, унинг ҳиссий-мазмуний идрокида эса бўлакдан – бутунга жараёни амал қилади.

2.5. Матн ва шахснинг дискурсив фаолияти

2.5.1. Шахс ва матн референцияси

Тилшуносликда мураккаб ҳодисалардан бири ҳисобланган нутқ яратилиши жараёнига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Улардан бири нутқ яратилишини когнитив фаолиятни моделлаштириш сифатида талқин этишдан иборат бўлиб, унга асосан, нутқ яратилиши бу сўзловчи мақсадига кўра ҳаракатга келувчи тил кўникмаларининг мураккаб тизимидир[1].

Нутқ яратилиши тил унсурларидан фойдаланиш жараёни бўлиши билан бирга, муайян тил захираларида мавжуд бўлган имкониятларни юзага чиқарувчи, бинобарин, унинг ривожланиши ва таъминловчи ҳодиса ҳамдир.

Нутқ (матн) яратилишига когнитив ёндашув концептуал мазмуннинг табиий тил воситасида ифодаланиши механизмларини тадқиқ қилишни тақозо этади. Нутқ яратувчи ижодкор шахс воқеликни тил унсурлари воситасида ифодалаш – номлаш жараёнида тилда мавжуд бўлган анъанавий воситаларни қўллар экан, бунда нутқий ифоданинг янгича, ўзига хос шаклларини кашф қилади.

Бадиий матннинг дискурсив хусусиятлари юзасидан тадқиқот олиб борган И.И.Чумак-Жунь дискурсив майдоннинг уч жиҳатини алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Булар: когнитив жиҳат; 2) коммуникатив-прагматик жиҳат; 3) лингвомаданий жиҳат. Дискурсив майдон деганда у тил эгаси томонидан англанган, нутқий тафаккур воситасида актуаллашадиган ҳамда матнда бадиий коммуникациянинг ассоциатив-образли парчаси сифатида реаллашадиган ҳодисани тушунади[2]. И.И.Чумак – Жунь дискурсив

[1] Демьянков В.З. Процудирование, или порождение речи // Краткий словарь когнитивных терминов / Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. Под общ. Ред. Е.С.Кубряковой. – М., 1996. – С. 129–134.

[2] Чумак-Жунь И.И. Дискурсивное пространство поэтического текста: образное слово в русской лирике конца XVIII – начала XXI веков: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Белгород, 2009. – С. 9.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фаолиятнинг **ассоциатив-деривацион** моҳиятига[1] алоҳида эътибор қаратадики, бу, назаримизда, матн яратилишини тадқиқ этишда ҳам муҳимдир. Зеро, матн яратилишида амал қилувчи омилларга тил белгиларидан ташқари яна бир қатор ҳодисалар ҳам киради. Улардан бири бирламчи образларнинг рамзий интерпретациядир. Рамзий интерпретация реал воқелик парчасини ўхшатиш асосида номлаш бўлиб, у, хусусан, бадиий матн референциясида муҳим ўрин тутади. Бу жараёнда номлаш учун когнитив асос бўлган ментал структура ва нутқий ифода ўртасида перцептив образлилик боғловчи восита вазифасини бажаради.

Воқеликдаги объектни турли ассоциациялар асосида номлаш унинг концептуаллашуви ва лисоний воқеланиши билан боғлиқ бўлган матн референцияси ҳодисасини ўрганишни тақозо этади.

Маълумки, матн референцияси тилшуносликда "тил унсурларининг лисоний бўлмаган объект ва вазиятлар билан муносабати"[2] тарзида талқин этилади. Матн референцияси таркибига дискурсда қўлланилган исмлар ва отли бирикмалар киради.

Исмлар асосан реал воқеликдаги объектларнинг ифодачиси бўлганлиги сабабли, матн муаллифи прагматик мақсадини рўёбга чиқаришда уларга кўпроқ эътибор беради. Ўзбек ёзувчилари асарларини кузатиш шундан далолат берадики, матндаги референтларни ўхшатиш асосида номлаш етакчи усуллардан биридир. Бу, айниқса, О.Ёқубов, П.Қодиров, Ў.Ҳошимов, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул каби ёзувчиларнинг индивидуал ифода услубини кўрсатувчи хусусиятдир.

Воқеликни ўхшатиш асосида ифодалаш тил эгалари учун когнитив ва психологик томондан умумийликни ҳосил қилса, прагмастилистик жиҳатдан муайян шахс ифода усулининг ўзига хослигини намоён қилади. Шу ўринда айтиш лозимки, мантиқий-когнитив амаллардан бири бўлган ўхшатиш нутқда турли синтактик-семантик шаклларда реаллашиши мумкин. Жумладан: ўхшатиш қурилмалари, ўхшатиш эргаш гапли қўшма гап, метафорик мазмунли бирикма, перифраза, ибора, микроматн, макроматн каби.

Ўхшатиш асосида ҳосил қилинган матнлар тилнинг шундай асосда тузилган қуйи сатҳ бирликларидан мазмун-моҳиятига кўра тубдан фарқланади. Чунки ўхшатиш асосида ҳосил қилинган матн референцияси объектив воқелик ва уни ифодаловчи тил унсурлари

---

[1] Чумак-Жунь И.И. Кўрсатилган автореферат. – Б. 9.

[2] Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004. – С. 32.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўртасидаги анъанавий шартлилик қонуниятлари доирасидан четга чиқиб кетади.

Маълумки, мумтоз шеъриятимизда муайян объект номини тўғридан-тўғри айтишдан кўра, уни ўхшатиш асосида номлаш усули етакчилик қилган. Навоийнинг "қилғил" радифли ғазалида қўлланган *кўнгул равзаси, қадинг ниҳоли, жон риштаси, хазон сипоҳи* каби бирикмалар шоирнинг ғазал мазмунини ташкил этувчи унсурларни номлашга образли тафаккур асосида ёндашганини кўрсатиб турибди.

Н.Эшонқул асарлари тили ўзбек мумтоз шеъриятида қўлланиб келинган ана шундай ифода усулини ёдга туширади. Унинг "Момоқўшиқ" қиссасидан олинган қуйидаги микроматнда ёзувчи воқеликдаги объект номларини ифодалашда айнан шу йўлдан борганлигини кўриш мумкин:

У мана шу қора турмушнинг бахтсиз асоратини излаб Муаззамнинг кўзларига тикилди, бироқ бу кўзлар Шамси Салоҳга номаълум бўлган бахтдан яйраб турар, ўзидан бахтсизлик излаётган совуқ кўзларга ял-ял яшнаб боқарди. Бу ***кўзларнинг қирларида*** *гоҳо* ***толе оҳулари*** *югургилаб қоларди ва атрофга хижолат – ҳаё аралаш* ***саодат еллари*** *тараларди. Тикилиб-тикилиб қарасанг, бу* ***қорачиқлар супасида қора либос кийган сеҳргар*** *ўтирганини кўрардинг, сеҳргар ўзига тез-тез жосусана нигоҳ ташлаётган анчайин сур кўзларга гоҳо ажабланиш, гоҳо* ***ҳайрат тузоқларини*** *қўярди, гоҳ ўзининг саҳнасига қоқсуяк, хўмрайган юзнинг суратини чизарди; гоҳ* ***кичкина бу салтанатга*** *бостириб кирмоқчи бўлаётган айғоқчи нигоҳларни таҳдидона музаффарлик билан қарши оларди ва ўзининг шу тахлит тилсимона ўйинлари билан ҳар қандай бахт ва бахтсизлик ҳақидаги тушунчалардан юксакда туришини исбот этмоқчи бўларди.*

Микроматнда ажратиб кўрсатилган бирикмалар ёзувчи бадиий тафаккурининг ҳосиласидир. Н.Эшонқул *нигоҳ, назар* сўзи ўрнида *кўзларнинг қирлари, саодат еллари, ҳайрат тузоқлари, кўз* сўзи ўрнида *кичкина бу салтанат, қора либос кийган сеҳргар* бирикмаларини қўллаган.

Матнда ифодаланган объектларнинг бу тарзда номланиши матн референцияси ва реал воқелик ўртасидаги мувофиқликнинг ўқувчи томонидан идрок этилишини когнитив ва психологик жиҳатдан бир оз мураккаблаштиради. Боиси – ўқувчи матн муаллифи идиолектида мавжуд бўлган, аммо эксплицит тарзда ифодаланмаган объектнинг моҳиятини турли ассоциациялар ва тасаввурлар асосида

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзи кашф этиши лозим бўлади. Демак, мазмуний идрок занжирида яна бир халқа - ўқувчи когнитив фаолиятининг ҳам бўлиши зарурий шартлардан биридир.

Ўхшатиш асосида юзага келган матнларда шу нарса диққатга сазоворки, ҳар бир ижодкор ўхшатиш мазмунини турли синтактик шаклларда ифодалайди. Бундай нутқий тузилмаларда матн муаллифининг ўхшатишга асосланган образли тафаккур тарзи тўлиқ вербал ҳолатда, шунингдек. имплицит тарзда ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, ўхшатиш қурилмаларида матн муаллифининг психологик-когнитив фаолияти ўзининг аниқ ифодасини топади. Ў.Ҳошимов қаламига мансуб қуйидаги матн бунга мисол бўла олади: *Ҳақиқат ҳавога ўхшайди. Рангини кўрмайсиз. Овозини эшитмайсиз. Ҳидини билмайсиз... Аммо бир лаҳза ҳавосиз қолсангиз, бўгилиб кетасиз* ("Дафтар ҳошиясидаги битиклар"). Н.Эшонқул қаламига мансуб матнларда эса ўхшатишга асосланган когнитив фаолиятнинг ўзига хос шаклда ифодаланганлигини кўрамиз: ёзувчи аниқловчи – аниқланмиш типидаги бирикмалар воситасида ўхшатишга асосланган янгича метафорик ифодаларни яратади: *Қўшиқ айтаётган жувон қиёфасидаги ўзи излаган қўшиқ илоҳаси шу бир неча сонияда аёлни ташлаб кетган эди; у илоҳа ўрнида эрига кўр-кўрона меҳр қўйган, ўзининг нотавон, бахтиқаро эканлигини эслашдан ҳам қўрқиб, ҳўнг-ҳўнг йиглаб ётган ожиз ва ночор аёл қолган эди. Шамси Салоҳнинг кўнглида яна бирдан* ***тушкунлик байроқлари*** *ҳилпирай бошлади* (Н.Эшонқул. "Момоқўшиқ" қиссаси).

Ўхшатишга асосланган матнларга хос яна бир хусусият борки, бу матнни ташкил этган пропозицияларнинг объектив воқелик билан бевосита боғланмаслигидир.

... ҳаёт ё мамот жангига кирган қадим массагетлар маликаси янглиг юзи ва авзойига ҳар қандай ўтинчу илтижолар ўтмайдиган совут кийиб олган Ҳосила ўша куни хонасига ва кўзларига тушларини қайраб ётган ***нафрат аждаҳосини*** *боглаб қўйган эди: уни кўрган кундан чирқиллаб сайрай бошлаган ва унга томон бесарупой учиб жўнаган, бироқ манзилларига етмай дайди ва ҳосила-ултифотсиз кўзларидан отилган ўқлардан бир-бир ҳалок бўлган* ***кўнглим қушларининг*** *қалашиб ётган мурдалари билан лиқ тўлган* ***кўксимдаги бесаришта хонага*** *эса ўзи кетгандан сўнг ҳам қалбимни пора-пора қилиш, уни эслаган онларим кўкрак қафасларимни ёриб ташлаш учун қутуриб кетиб, ҳамма нарсани синдириб, парчалаб ташлайдиган бир шерни – беҳудуд ва ҳеч қачон жавоблари топил-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

майдиган саволларни боглаб кетган эди. (Н.Эшонқул. "Тун панжаралари" қиссаси)

Микроматнларда қўлланган *нафрат аждаҳоси, кўнгил қушлари, тушкунлик байроқлари* бирикмаларида аниқловчи ўз аниқланмишига ўхшатилганлиги кўриниб турибди.

Матн референтларини ўхшатиш асосида ифодалаш матннинг метафорик мазмун касб этишига олиб келган: *қўнглида тушкунлик байроқларининг ҳилпирай бошлаши, кўзларига нафрат аждаҳосини боглаб қўйиш, кўнглим қушларининг қалашиб ётган мурдалари билан лиқ тўлган кўксим* каби ифодалар ўқувчига муайян ахборот узатиши билан бирга, унинг тасаввурида образли манзараларни пайдо этадики, бу бадиий адабиёт тилининг бош хусусиятларидан биридир.

Мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, ўхшатиш асосида ҳосил бўлган матнлар ижодкорнинг бадиий тафаккур тарзини кўрсатувчи ҳодиса бўлиши билан бирга, матн референциясининг ҳосил бўлишида матн яратувчи шахснинг когнитив-стилистик индивидуаллигини кўрсатувчи омиллардан бири бўла олади.

2.5.2. Матн ва коммуникатив стратегия

Дискурсив таҳлил масалалари билан шуғулланиб келаётган олимлардан бири В.З.Демьянков ўз мақолаларидан бирида нутқ яратилиши жараёнига "ғояларнинг кристаллашуви" деб таъриф берган эди[1]. Англашиладики, муаллиф бунда тафаккурнинг вербал босқичга ўтишини образли тарзда ифодаламоқда ва бу ўхшатиш жуда ўринли қўлланган. Зеро, муайян тил эгасининг онгида "чарх ураётган" фикрлар нутқ мақомига ўтар экан, ягона марказ томон ҳаракатланиб зичлашаётган заррачалар сингари бир мазмун атрофида бирлашади ва нутқ яратувчи шахс мақсадининг моддий ифодачисига айланади. Бу жараёнда ижодкор шахс томонидан қўлланган коммуникатив стратегия муҳим ўринни эгаллайди.

"Иллокутив мазмунни ифодалашнинг умумий прагмалингвистик тамойиллари"[2], "муайян коммуникатив мақсадни амалга оширишга йўналтирилган нутқий ҳаракатлар жамланмаси"[3] ҳисобланган коммуникатив стратегияга бағишланган тадқиқотларда

---

[1] Демьяньков В.З. Продуцирование или порождение речи // Краткий словарь когнитивных терминов. – М., 1996. – С. 129–134.

[2] Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004. – С.35.

[3] Иссерс О.С. Коммуникативные стратегии и тактики русской речи. – М., 2006. – С.60.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу ҳодисага турли томондан ва турли нуқтаи назарлар асосида ёндашилганини кузатиш мумкин. Уларда, асосан, коммуникатив стратегияни типлаштириш, айни ҳодисанинг прагматик ва психолингвистик ҳамда социолингвистик хусусиятларини ёритишга эътибор қаратилган[1].

Маълумки, сўзловчи (ёзувчи) шахс бўлажак нутқининг қай тарзда ифодаланишини ўзи ҳам аниқ билмайди. Бу жараёнда ички нутқ назорати (грамматик мониторинг) амалда бўлса-да, у нутқ оқимида қандай ҳолатлар юзага келишини аввалдан белгилаб бўлмайдиган, бир оз стихиялилик ҳам амал қилувчи ҳодисадир. Шундай бўлса-да, ҳар сафар яратилган нутқ – муайян тил эгасига хос бўлган нутқий кўникмаларнинг комбинациялари сифатида намоён бўлади. Хусусан, бадиий матн яратувчиси бўлган шоирлар ва ёзувчилар томонидан яратилган матнларда бундай комбинацияларнинг такрори коммуникатив стратегия мақомига эга бўлади.

Ўзбек тилидаги насрий асарларни кузатиш шундан далолат берадики, бадиий коммуникацияни амалга оширишда тадқиқотчилар томонидан "субъектив-таҳлилий" деб номланган стратегия тури жуда кўп қўлланади. Мазкур стратегия реал воқеликни моделлаштиришнинг ўзига хос усули бўлиб, унда адресантнинг референтни тил унсурлари орқали тасвирлашидан кўра, унга бўлган субъектив муносабатини ифодалаш мақсади устунлик қилади. Бундай усулнинг муҳим экстралингвистик хусусияти шундаки, унда ўқувчи омили юқори даражада амал қилади[2].

Субъектив-таҳлилий стратегия асосида яратилган матнларнинг когнитив ва психологик асосида кўп ҳолларда икки восита – ўхшатиш ва тасаввур қилиш ҳаракатлари ётади.

Ўхшатиш асосида яратилган матнлар ҳақида гапирганда, аввало, таъкидлаш жоизки, бу жараён бадиий матнларда икки хил йўл билан – очиқ ва яширин тарзда ифодаланганини кузатиш мумкин. Қуйидаги матнга эътибор беринг: *Истеъдодлар ҳадеганда қовуша қолмайди. Улар юлдузга ўхшайди. Ҳар бир юлдузнинг ўз меҳвари бўлади. Юлдузлар бир-бирини инкор этмайди. Аммо бир-бирининг меҳварига кирмайди ҳам.* (Ў.Ҳошимов. "Дафтар ҳошиясидаги битиклар")

Муайян объектни бу тарзда изоҳлаш матн яратишнинг кўп қўлланадиган усулларидан биридир. Бунда муаллиф томонидан

[1] Бу ҳақда қаранг: Шпильман М.В. Коммуникативная стратегия "речевая маска" (на материале произведений А.и Б. Стругацких): Дисс. ... канд. филол. наук. – Новосибирск, 2006.

[2] Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004. – Б. 36–37.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қуйидаги нутқий ҳаракатлар амалга оширилади: 1. Бир объектнинг иккинчи объектга ўхшашлигини қайд этиш. 2. Иккинчи объектнинг белгиларини тавсифлаш. Муҳим жиҳати шундаки, бу каби матнлар перцепциясида ўқувчи айни бир жумлада икки хил пропозиция параллел ифодаланганини ва улардан қайси бири қабул қилинаётган матннинг когнитив асоси эканлигини англаб етиши лозим бўлади.

Берилган матнда когнитив асос бўлган *Ҳар бир истеъдодли одам – ўзига хос шахсдир* макропропозициясини муаллиф яширин тарзда – импликативлик йўли билан ифодалаган. Матннинг ички тузилишига хос бўлган бу яширин фикрни топиш ўқувчи зиммасига юкланади.

Бундай тузилишдаги матнлардан кўзланган мақсад – муаллиф ўзи тасвирлаётган референтларнинг белгисини ўхшатиш йўли билан янада аниқ тасвирлаш ва ўқувчи тасаввурида образли манзарани юзага келтиришдан иборатдир.

Қуйидаги матнда ҳам ўхшатиш муносабати яширин ифодаланганлигини кўриш мумкин: *Мевали дарахт ўзига ишонгани учун ёнидан янги ниҳол ўсиб чиқса қувонади. Тўнка ўзига ишонмагани учун ниҳолга гаплик қилади. Бироқ у хоҳлайдими-йўқми, ниҳол ўсаверади!* (Ў.Ҳошимов. "Дафтар ҳошиясидаги битиклар").

Биз бу каби матнларни лингвистикада "метафорик мазмунли матнлар" термини билан номлаш тўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки уларда матн референцияси яширин ўхшатишга асосланган бўлади. Юқоридаги матнда *мевали дарахт, тўнка, ниҳол* референтлари муаллиф назарда тутган *истеъдодли одам, истеъдодсиз одам, ёш истеъдод эгаси* референтларига қиёсланаётгани матн мазмунидан билиниб турибди.

Ўзбек тилида метафорик мазмунли матн яратишнинг яна бир усули борки, у ҳам ўхшатишга асосланади. Бу усулга кўра матн субъекти ўхшатиш асосида тасвирланади. Масалан: *Тонг ёришади, тун қуши қоп-қора қанотларини йиғиб, қишлоқ устидан олисларга учиб кетадида, чор-атроф одатдаги қий-чувга тўлиб-тошади* (Ў.Ҳошимов. "Деҳқоннинг бир куни" ҳикояси). Кўринадики, матн муаллифининг *тун* сўзи ўрнида *тун қуши* бирикмасини қўллаши *тонг отиши* пропозициясининг метафорик усулда ифодаланишига сабаб бўлган.

Матн субъектини ўхшатиш асосида ифодалаш натижасида ўқувчи онгида янги ва нореал объект ҳақидаги тасаввур пайдо бўлади. Бундай матнларда янги ифодалар юзага келиб, матнда

www.ziyouz.com kutubxonasi

лингвокреативлик ҳодисаси намоён бўлади. Бу каби матнларни қабул қилишда ўқувчи матн мазмунига тасаввур ва шартлилик асосида ёндашиши лозим бўлади.

Субъектив – таҳлилий стратегиянинг иккинчи усули бўлган бадиий коммуникацияни тасаввур асосида амалга ошириш ҳам ўзбек бадиий матнларида кўп қўлланади. Бу усул қўлланган матнларда объектив воқеликнинг тасаввур асосида ифодаланиши матннинг мазмуний тузилишида "муаллиф референцияси" устунлик қилишига сабаб бўлади. Х.Дўстмуҳаммаднинг "Мен – сенсиз, сен – менсиз" қиссасидан олинган қуйидаги микроматн айни шу ҳодисага мисол бўла олади:

Утро дышит у неё на груди...

Бунчалар аниқ, бунчалар дилбар тасвир! Бир аср муқаддам яшаб ўтган шоир қаердан билган Сенинг кўксингда тонглар нафас олишини, тонглар кўксингдан ранг олишини?! Нақ мўъжизанинг ўзгинаси эмасми бу, ягонам?! Бу таъриф менинг дилим тўридаги арзандадан-арзанда туйғу, шоир Фет эса ўша туйғу уммонидан олган ранг тимсолида шеърий сурат чизган холос... (Х.Дўстмуҳаммад, "Мен – сенсиз, сен – менсиз")

Таҳлилга тортилган матнлар шуни кўрсатадики, бу каби стратегиялар бадиий матн ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга. Уларда субъектив ва аксиологик модаллик яққол билиниб туради. Ўхшатиш ва тасаввурга асосланган когнитив фаолиятни моделлаштириш насрий матнларда баён қилишнинг ўзига хос янги усулларининг яратилиши ва уларнинг барқарорлашиб, нутқий услуб анъанасига айланишига сабаб бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3-БОБ

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Ўзбек тилидаги матнларда шахс руҳий ҳолатининг ифодаланиши

Бадиий матнни лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этган М.Йўлдошев ўз илмий ишида проф. Н.Маҳмудовнинг қуйидаги фикрларига эътибор қаратади: "Тилни фақат ва фақат кишилар ўртасидаги алоқа воситаси сифатида талқин этиш инсоннинг табиий тилини, бу мураккаб ва муҳташам ҳодисани, энг ками, жўнлаштиришдан, аниқ бир миллий қиёфа ёки миллий руҳий заминдан мосуво бўлган сунъий тилга (масалан, эсперанто каби) тенглаштиришдан, йўл ҳаракатини тартибга солиш мақсадида яратилган шартли "тил"га баравварлаштиришдан бошқа нарса эмас... Ҳолбуки, одамлар тил воситасида туйғу ва кечинмалари, қувонч ва қайғулари, ҳайрат ва ҳайронликлари, қалбдаги ҳузурлари каби хилма-хил сезгиларни ҳам ифодалайдиларки, булар ҳамиша ҳам соф коммуникатив мақсадларни кўзда тутмайди"[1].

Ҳақиқатан, тил инсоний ҳис-туйғуларни ифодалашнинг энг самарали усулларидан биридир. У шундай хусусиятга эга бўлганлиги учун ҳам ўқувчининг туйғуларини "бошқара олади" – унинг қалбида турли кечинмалар, ҳиссиётларни пайдо қилади.

Хусусан, бадиий матн "Инсонни руҳан тўлқинлантириш, йиғлатиш, кулдириш, хаёлот оламига етаклаш, ўйга чўмдириш, эстетик тафаккурини шакллантириш, воқеа-ҳодисаларга теран, бошқача назар билан боқишга ўргатиш каби кўплаб имкониятларни ўзида мужассам қилган бўлади"[2].

Бадиий матннинг айни шу хусусиятини тадқиқ этган рус тилшуноси В.П.Белянин ўз китобларидан бирида Виготскийнинг "Ҳамма жойда – фонетикада, морфологияда, лексика ва

---

[1] Юлдашев М.М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 104.

[2] Юлдашев М.М. Кўрсатилган диссертация. – Б. 99.

www.ziyouz.com kutubxonasi

семантикада, ҳатто ритмика, вазн ва мусиқада – грамматик ва шаклий категориялар ортида психологик омиллар яширинган!" – деган фикрини келтириб ўтади.

Психолингвистиканинг вазифаларидан бири тил бирликлари ортида яширинган психологик омилларни матннинг лингвистик хусусиятлари билан уйғунликда ўрганишдан иборатдир.

Психологияга доир адабиётларда инсон эмоцияси аффект (кучли, лекин қисқа муддатли эмоционал реакциялар), ҳиссиёт (узоқ ва турғун эмоционал муносабат), кайфият ва стресс (кучли руҳий зарба) каби турларга бўлиб ўрганилади[1]. Табиийки, бадиий адабиёт бу эмоцияларнинг барча турларини ифодалаш имконига эга.

Психолингвистикада ўзига хос йўналиш яратган В.П.Белянин ўзининг "Основы психолингвистической диагностики (модели мира в литературе)" номли китобида матнни психолингвистик таҳлил қилиб, матнда ифодаланган эмоция турларига кўра уларни 6 турга ажратади: 1) ёруғ матнлар; 2) қоронғи матнлар; 3) қайғули матнлар; 4) қувноқ матнлар; 5) чиройли матнлар; 6) мураккаб матнлар[2]. Унинг "Психологическое литературоведение" (Москва, 2006) номли китобида бу фикрлар янада чуқурлаштирилиб, бадиий матнлар психиатрик адабиётшунослик номли янги йўналиш нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

В.П.Белянин юқоридаги матн турлари таҳлилида инсоннинг қандай ҳиссиётлари устунлик қилганлигини психолог сифатида аниқлаш баробарида уларда қандай лингвистик бирликлар қўлланганлигига ҳам эътиборини қаратади.

Аввалги саҳифаларда қайд этганимиздек, В.П.Белянин бадиий асарнинг психолингвистик таҳлилига бағишланган асарида[3] ҳиссий-мазмуний доминанта бадиий матн яратилишида асосий уюштирувчилик вазифасини бажариши ҳақидаги фикрни илгари сурди. Унинг қарашича, ҳиссий-мазмуний доминанта "матн яратилиши ядроси сифатида бадиий матннинг мазмуни, тузилиши, синтаксиси, услуби ва лексик танловини белгилаб беради"[4]. В.П.Белянин *ҳиссий-мазмуний доминанта* терминини қуйидагича изоҳлайди: "Ҳиссий-мазмуний доминанта – муайян

---

[1] Шербатых Ю.В. Общая психология. СПб.: Питер, 2008. – С.

[2] Белянин В.П. Основы психолингвистической диагностики (модели мира в литературе). – М.: Тривола, 2000. – 248 с.

[3] Белянин В.П. Основы психолингвистической диагностики (модели мира в литературе). – М.: Тривола, 2000. – Б. 17.

[4] Белянин В.П. Кўрсатилган асар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шахс типи учун характерли бўлган ҳамда олам манзараси ва матнни метафоралаштириш ва вербаллаштириш учун психик асос бўлиб хизмат қиладиган когнитив ва эмотив эталонлар тизимидир"[1]. Шу ўринда *доминанта* сўзининг психологик талқинини келтириб ўтишни жоиз жеб биламиз. Доминанта – (лот. dominans – ҳукмронлик қилувчи) марказий асаб тизимида вақтинча ҳукмронлик қилувчи рефлектор тизим бўлиб, бошқа рефлектор тизимларнинг тормозланиши натижасида организмни муайян фаолиятга йўналтирадиган яширин тайёргарликни яратувчи жараён ҳисобланади[2]. В.П.Белянин ҳиссий-мазмуний доминанта ҳақидаги қарашида матнда ифодаланган муайян вазиятни шахс акцентуацияси билан боғлайди[3].

Ўзбек бадиий прозасида ҳам инсоний ҳиссиётлар ифодаси берилган микроматнлар кўплаб учрайди. Биз монографиямизнинг ушбу қисмида, Белянин изидан бориб, турли ҳиссиётларнинг ифодаланишида қандай тил бирликлари актуаллашишини таҳлил этишга уриниб кўрамиз.

Аввало, айтиш лозимки, ҳиссиёт ифодаси берилган микроматнлар бадиий асарларда турли усуллар воситасида юзага келтирилади. Улардан асосийлари, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

1. Асар персонажининг кечинмалари унинг нутқидан англашилади: *Наҳот, Сиз ёки Сизга нисбатан кўнглимда туғилган телба муҳаббат фақат ва фақат ўзимнинг устимдан кулиш учун яралган бўлса?! Бирон кимсага лом-лим деб оғиз очолмайман, аччиқ-аччиқ куламан, холос. Соғинчнинг зўридан эзилиб-кичрайиб, ҳолсизланиб қолган лаҳзаларда – бедор тунлар юрак дукуридан ўзга ҳамроҳ тополмай аламдан аввал ўзимга маломат тошларини ёгдираман, сўнг Сизни айблашга ўтаман. Айблайман... ардоқлайман... соғинаман... Ўзимни зўрлаб бўлса-да, Сизни эсламасликка, исмингизу суратингизни хотирамда тикламасликка уринаман ва ҳарчанд уринганим сари... Сизни аввалгидан кўра қаттиқроқ яхши кўриб қоламан, аввалгидан кўпроқ ва тезроқ соғинаман, Сизга аталган қайноқ эҳтиросларимни аввалгидан кўра ёниб-тошиб изҳор этиш эҳтиёжи ортиб боради...* (Х.Дўстмуҳаммад. "Ҳижроним мингдир менинг" қиссаси)

2. Персонажнинг руҳий ҳолати асар муаллифи нутқи воситаси-

---

[1] Белянин В.П. Кўрсатилган асар. – Б. 23.

[2] Сов. Энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1989. – С. 409–410.

[3] Белянин В.П. Кўрсатилган асар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

да берилади. Бунда муаллиф қуйидаги усуллардан фойдаланади: а) персонажнинг руҳий ҳолатини бевосита баён қилади:

Эшикдан қоқиниб-суриниб Салоҳиддин заргар кирди ва уйдан чиқаётган табибга тўқнашиб йиқилиб тушди. Табиб уни ўрнидан тургизмоқчи бўлган эди, чол унинг қўлини силтаб ташлаб, ўксиб йиғлаганича ўзини мурда устига ташлади:

– Бўстонимнинг гули! Очилмай сўлган гунчам! Сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасму? Қари қўйдай маъратиб, қари бувангни кимга ташлаб кетмишсен, қўзичоғим?.. Инонган фарзандим сен эдинг! Энди бу давлат, бу хонумоним кимга қолур, олтиним? Кимга?..

Муштдеккина бўлиб қолган заргарнинг гўдакларча фарёди Али Қушчини титратиб юборди. Кўзида гилт-гилт ёш, у деворга суянганича гарангсиб турарди. (О.Ёқубов. "Улуғбек хазинаси" романи);

б) персонажнинг жисмоний хатти-ҳаракатларини тасвирлаш орқали унинг руҳий ҳолатига ишора қилади:

Шифтдаги олтин қандилга терилган ўнларча шамлар шуъласида шаҳзоданинг сўник юзи гўё ганчдан ясалган ниқобдай совуқ туюлар, ***чуқур ботган кўзлари бежо чарақлар, қўш-қўш тилла узук тақилган ингичка қоратмир бармоқлари асабий титрарди.*** (О.Ёқубов. "Улуғбек хазинаси" романи);

в) табиат тасвири орқали персонажнинг руҳий ҳолатига ишора қилади: *Куз тонги салқин ва хушҳаво бўлади; энди қуёшнинг тафти тонгги қировларнигина эритишга зўрға етади; субҳи-содиқданоқ бу ерларни ташлаб кетаётган қушларнинг сайроғи, қийқириқлари қулоққа чалинади; узоқ-узоқлардаги тоғларга лангар ташлаган аёз қўшинлари ҳали қуёш кезиб юрган чўлларга ва пахтазорларга тажовузкор назар ташлайди, саҳар пайтлари эса кучи ва истеҳкомини билиб олмоқчи каби бу ерларга туманлар жосусона сиргалиб киради, қуёш чиқиши билан яна тоғлар орасига яширинади. Куз тонгида юрагингда пахтазор каби сирли ва хатарли нимадир уйғонади, лекин у туйғунинг отини сен ҳеч қачон тополмайсан, зотан,* ***бу туйғунинг оти ҳам бўлмайди.*** (Н.Эшонқул. "Момоқўшиқ" қиссаси)

Инсоннинг руҳий ҳолати акс этган микроматнлар шуни кўрсатадики, уларнинг синтактик-шаклий тузилиши ҳамда матн яратиш учун лозим бўлган номинатив бирликлар қандай бўлишини айнан матнда ифодаланаётган ҳиссиётнинг характери белгилаб беради – матн тузувчи шу ҳиссиётга мос келувчи сўзлар, жумлалар ва оҳангдан фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу, В.П.Белянин таъкидлаганидек, матннинг муҳим психолингвистик хусусиятларидан биридир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бадиий асарлар таҳлили шуни кўрсатадики, оҳанг инсоннинг аффектив ҳолатини тасвирлашда энг актуал бирлик сифатида намоён бўлади. Масалан:

Икромжон ҳамон унинг дуч келган жойига мушт соларди. У муштларди-ю, аллақандай хунук овоз билан бақирарди:

– Онанг қандоқ хотин эди! Қандоқ хотин эди! Номард! Она қабрга қўйилаётганда кўриб туриб ёнига боролмаган, оқпадар! Ўз қўли билан тупроққа қўйишдан қочган, ярамас! Онанг қандоқ хотин эди-я! Сен жувонмаргга қандоқ меҳр қўйган эди-я! Сен уни ўлдирдинг! Ўзинг ўлдириб, яна ўзинг уни тупроққа қўйганларини томоша қилдингми? Ифлос! (С.Аҳмад. "Уфқ" романи)

– Сизларга мендан нима керак ўзи?! – У Муҳиддин Жабборовичга нақ бостириб боргудек важоҳатда эди. – Нима керак?! Мана шу пахта нави керакми? Олинглар! Олинглар! Мени тинч қўйинглар! Сизлар топгансизлар бу навни. Сизлар яратгансизлар! Олинглар! Ушогиям керакмас менга! Фақат мени тинч қўйинглар!

Кабинет диққинафас бўлса-да, бутун хона бир танага айлангандек ҳамманинг қулоги динг эди. Фақат Азизнинг овози жаранглади:

– Лекин битта ҳақиқатни гапириб оламан. Уни бу бу ердаги ўтирганларнинг кўпи билади, аммо айтмайди. Мен ҳам айтмай-айтмай, шунча чидадим. Энди айтаман! Энди қўрқмайман! – Азизнинг чиндан ҳам жазаваси тутиб кетганди. – Ўшанда сиз, муҳтарам академик, мана нима дегансиз! Аспирантлигимдаёқ "бу тажрибага овора бўлма... бошни огритма..." – дегансиз. Бу ишимни сароб дегансиз. Эсингиздами? Яқин-яқингачаям мени хом хаёл, довдир деб калака қилгансиз! Чидадим. Мана, Шорасул тирик, зиёфатида текизиб айтган гапларингиз-чи?! Анови муҳокама пайтида-чи? "Одам ҳаётда минг хил адашиши мумкин... Тўғри йўл эса – битта", деб бутун умримни бағишлаган мавзуимдан чалғитган вақтларингизни, наҳотки, унутдингиз?! Ахир, қайси лафзингизга ишонай?! Энди қарасангиз, бошқача чиқиб қоптими?" Қўй нимталагандай, дастёрларингизга, гумашталарингизга тақсимлаб беряпсиз?! Нуқул юқори идораларни ўртага соласиз! Қани, айтинг-чи, мард бўлсангиз кўпчиликнинг ичида, кимга борибман, ахир? Кимга нолибман? ... Сиз шунчаликка бордингизми, бўлди, тўйдим! Кечдим шу ишдан! Сизларга сийлов! Фақат мени тинч қўйинглар!

Азиз у ёгига ўзини тўхтатолмай, йиғлаб юборди ва шарт бурилиб, ташқарига чиқиб кетди. (Ў.Усмонов. "Гирдоб" романи)

Матнда психологик ҳолатларни ифодалашда ассоциатив сўзлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бундай сўзлар матнда ўзига хос "ассоциатив майдон" ҳосил қилиб, матн ўқувчисининг руҳиятида ҳам муайян ҳолатни юзага келтиради. Бундай ҳолатнинг юзага келишига матнда қўлланган, психологик жиҳатдан ўзаро алоқадор бўлган сўзлар ҳақидаги образларнинг қайта тикланиши сабаб бўлади.

Маълумки, сўзлар ўз маъноси билан инсон психикасига таъсир этиш хусусиятига эга. Инсон ўз хотирасида сўзларнинг маънолари билан бирга уларнинг объектив оламда ўз сезги аъзолари орқали ҳис этган хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам сақлайди. Шу сабабли муайян сўз уни эшитувчи одам хотирасида муайян ассоциацияларни пайдо қилади. Агар матнда бир ассоциатив майдонга кирувчи сўзлар қўлланган бўлса, улар ўқувчи психикасига янада кучлироқ таъсир этади. Қуйидаги матнга эътибор беринг: *Унсин худди дадасидан катта ҳайитлик олиб бозорбошига кетаётган ёш боладай чопқиллаб, қаршисидан эсаётган шамолга сўз бермай, баъзан ирғишлаб борар эди; бироқ* ***гўристон*** *кўчасига бурилиб, салобат билан тебранаётган* ***қоп-қора*** *чинор остида оқаришиб турган* ***саганаларни,*** *белгисиз зулматни кўрганда юраги увушди-ю, зовур кўпригидан ўтиб, икки қадам юрганча тўхтаб қолди. Даҳшат унинг юрагига раҳна солди: Ганжиравон, ота-онаси, дугоналари хаёлидан кўтарилиб, кўз олдига оппоқ* ***кафанга*** *ўралиб* ***сагана*** *ва* ***гўрлар*** *атрофида елиб юрган* ***арвоҳлар*** *келди. Унинг эти живирлашиб, сочи бошидаги рўмолини бир қарич кўтаргандай бўлди. Унсин беихтиёр бир қадам орқага чекинди, лекин шу ондаёқ худди* ***ўликдан*** *қўрқмаслигини бировга писанда қилаётгандай, бақириб: "****Ўликнинг*** *жони йўқ,* ***ўликнинг*** *жони йўқ!" – деб олга интилди. Шу югургунича чинор остидаги Онҳазратим саганаси олдида тўхтади; чойнак билан қумғонни оёғи остига қўйди, паранжи-чимматини бир чеккага ташлади, ичида: "Кўпи кетиб ози қолди", – деб суюнди.* (А.Қаҳҳор. "Даҳшат" ҳикояси).

Матндан кўринадики, унинг таркибида қўлланган *гўристон, сагана, кафан, ўлик, гўр, зулмат, қоп-қора* сўзлари ҳикоя персонажи – Унсиннинг юрагидаги бениҳоя кучли даҳшатни ифодалаши билан бирга, ўқувчида ҳам қўрқув ҳисларини пайдо қилади. Ўқувчи гўёки Унсин билан бирга "қоп-қора чинор остида оқаришиб турган саганаларни, белгисиз зулматни" кўргандек "юраги увушади". Бу ерда тил (сўзлар) машҳур руҳшунос П.Павлов айтганидек, иккинчи сигнал вазифасини бажариб, инсоннинг марказий асаб тизимидаги маълум нуқталарни "уйғотади", яъни ассоциатив май-

www.ziyouz.com kutubxonasi

донга кирувчи сўзлар ҳақидаги образларни қайта тиклайди. Бу жараён инсон туйғуларини тасвирлаш бош мақсади бўлган лирик тур жанрларидан бири бўлган шеърда янада ёрқинроқ намоён бўлади. Турли шеърларни мутолаа қилганимизда бизда турли кайфиятнинг пайдо бўлишига энг аввало унинг оҳанги ва ассоциатив сўзлар пайдо этувчи реакция сабаб бўлади. Ўқувчи шеърни ўқиш жараёнида унда ифодаланган мазмунни англаш баробарида шеър оҳанги ва ассоциатив сўзлар таъсирини ҳам ҳис қилиб боради. Масалан, А.Ориповнинг "Ёмғирли кун эди ..." номли шеъри ана шундай хусусиятга эгадир:

Ёмғирли кун эди. Атроф жим, сокит,
Маъюс кўзларингга боқардим сарраст.
Секин шивирладинг: "Боқмагил, йигит,
Севгинг менга янгилик эмас ..."
Ёмғир ҳам тинмади ўша куни ҳеч,
У ҳам қуволмади кўздан хобингни.
Совуқ, рутубатли хонамга шу кеч
Олиб қайтдим изтиробингни...

Шеърий матнда қўлланган *ёмғирли кун, жим, сокит, секин, совуқ, рутубатли, изтироб* сўзлари ўқувчи шуурида ёмғирли, совуқ ва рутубатли ҳаво пайдо қиладиган маҳзун кайфиятни юзага келтиради. Шеърий матнда ифодаланган умидсизлик ўқувчи юрагига ҳам кириб боради.

Демак, адабиётшунос олимлар томонидан "сўз сеҳри" деб таърифланувчи ушбу жараён маълум маънода ўз моддий асосига эга, дейиш мумкин. Бунда матн ўқувчисининг тезауруси, сўзни ва оҳангни ҳис этиш салоҳияти, шунингдек, муайян адабий жараён меъёрлари ҳақидаги билими ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада матн муаллифи ва ўқувчи тенг даражада бўлмас экан, ўқувчи матнда ифодаланган бадиий мазмунни ҳеч қачон унинг муаллифи даражасида англаб етолмайди.

3.2. Матн мазмуний идрокининг хусусиятлари

Тил ва шахс муаммосини монографик аспектда таҳлил қилган К.Ф.Седов шундай деб ёзган эди: "Замонавий психолингвистикада матн мазмуний идрокининг барча тадқиқотчилар томонидан тан олинган ягона модели ҳали яратилган эмас. Шундай бўлса-да,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир фикрни ишонч билан тасдиқлаш мумкин: нутқни тушунишда бир вақтнинг ўзида бир неча қабул қилиш тармоқлари иштирок этади. Бу – мазмуннинг қайта ишланишидан иборат оддий жараён эмас. Матн мазмунини тўлиқ идрок қилиш учун тил билимининг ўзи етарли эмас. Бу ерда мувофиқлашган референция, дискурсда акс этувчи жумла ва реал воқеликнинг ўзаро мутаносиблиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга"[1].

Нутқий тузилмани мазмуний идрок этиш жараёни - ўқувчининг бегона матнни талқин этиш, ундаги асосий мазмунни англаш, яширин ғояларни топиш, бинобарин, адресант матни асосида ўз муқобил матнини яратиш демакдир. Бу жараёнда муносабатга киришган шахслар ўртасида тўлиқ мувофиқликка эришиш мумкин эмаслигини В.Гумбольдт кўп марта такрорлаган эди[2]. Олимнинг бу фикрлари хусусан мазмунан кўп қатламли бўлган бадиий матнга тааллуқлидир. О.И.Москальская сўзлари билан айтганда, матнни ташкил этган бирликлар "... луғатда берилган лексемалар ёки гипотетик синтактик қурилмалар сифатида эмас, балки аниқ предметлар номи ва аниқ факт ва вазиятлар ҳақидаги реал жумлалар ёки жумлалар элементи сифатида қатнашади"[3]. Шунингдек, ҳар қандай нутқий тузилма, у қандай мураккаб шакл ёки мазмунга эга бўлмасин, когнитив асосга эгадир.

Бадиий матн нафақат ёзувчининг когнитив-дискурсив фаолиятини, балки унинг когнитив-стилистик ўзига хослигини ҳам таҳлил этиш имконини беради. Биз когнитив-стилистик ўзига хослик тушунчаси остида ижодкор шахси лисоний тафаккурининг ўзига хослигини тушунамиз.

Ёзувчи объектив воқеликни тасвирлар экан, ўз фикрларини вербал шаклга киритиш учун бир неча босқични босиб ўтади. Бу босқичлар нафақат ёзувчи, балки ҳар қандай нутқ яратувчи шахс босиб ўтиши керак бўлган босқичлардир.

Д.П.Горскийнинг фикрича, лисоний фаолиятга киришувчи шахс ўзи тасвирлаши лозим бўлган объектнинг аввало ўзига хос белгиларини ажратади, сўнг бу белгиларни бошқа белгилар билан қиёслайди, кейинги босқичда объектнинг ҳиссий рамзини хотирада сақланаётган бошқа рамзлар билан ўхшаш томонлари изланади

---

[1] Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004. – С. 43.

[2] Бу ҳақида қаранг: А.Нурмонов. В.Гумбольдтнинг лингвистик антиномиялари / Танланган асарлар. 3 жилдлик. Т. – Академнашр, 2-жилд. Б. 32.

[3] Иқтибос қуйидаги асардан олинди: Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004. – С . 42.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва, ниҳоят, охирги босқичда умумлаштириш ҳаракати амалга ошади[1].

Ҳар қандай услубда яратилган матнда ушбу тафаккур босқичлари ўз изини қолдирмаслиги мумкин эмас. Бундай "излар" хусусан бадиий матнда ўзига хос шаклларда намоён бўлади. Турли импликатуралар, тагмаъно, пресуппозиция каби ҳодисалар сифатида юзага чиқувчи ушбу шакллар, табиийки, матн семантикаси, аниқроғи, унинг ички тузилиши билан боғлиқдир.

Маълумки, замонавий психофизиологияда тил элементларининг "вербал тармоқ" деб номланувчи ўзаро муносабатига алоҳида эътибор берилади. Бунга кўра, муайян сўз маъноси бевосита таассуротга кўра эмас, балки унинг бошқа сўзлар билан бўлган муносабатига кўра аниқланади.

Бадиий матн яратувчиси бирор объект ҳақида сўз юритар экан, юқорида тилга олинган вербал тармоқ қонуни кўп ҳолларда матннинг ташқи тузилишида ўз ифодасини топади. Масалан, ўзбек шоирлари шеърларида қўлланган *яшаш соатининг олтин капгири* (Ғ.Ғулом), *севги ўлими* (А.Орипов), *юрак қирралари* (Ш.Раҳмон), *ҳаёт варақалари* (Зулфия) каби бирикмалар бунга мисол бўла олади. Бундай перифрастик бирикмалар таркибидаги сўзлар ўз луғавий маъносидан кенгроқ тушунчани ифодалаб келади.

"Реал нутқий фаолият, – деб ёзади Е.С.Кубрякова, – ўзида шундай континуумни намоён этадики, унинг бир қутбида стереотип, клишеланган ва деярли автоматик равишда ҳосил бўлувчи нутқ ҳосил бўлади <...> Бу фаолиятнинг иккинчи қутбида эса – яратувчанлик, ижод, маълум тўсиқлар чегарасини бузиш, неологизмлар яратиш ва ҳоказоларни кўриш мумкин[2]". Олима бунда "... нутқ предмети сифатида шаклланувчи бу мазмун инсон миясида қандай тайёрланиши"ни текширишни энг муҳим вазифа сифатида қайд этади[3].

Инсоннинг нутқий фаолиятини юзага келтирувчи омиллар, умуман олганда, бир хил бўлса-да, машҳур психолингвист Н.И.Жинкин томонидан қайд этилган универсал предмет кодларининг оралиқ тил босқичига ўтиши, бизнингча, ҳар бир шахс нутқий тафаккурида ўзига хос тарзда кечади.

---

[1] Горский Д.П. Обобщение и познание. – М.: Мысль, 1985- 2008. – С. 3, 124.

[2] Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М.: Наука, 1986. – С. 112.

[3] Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М.: Наука, 1986. – С. 113.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбек тилида яратилган матнларни таҳлил қилиш натижаси бу босқичларнинг ҳақиқатда ҳам турли характерга эга эканлигини кўрсатади.

Матннинг семантик тузилишини икки тушунча ёки икки вазиятга хос белгилар ўртасидаги ўхшашлик асосида яратиш энг кўп тарқалган усулдир. Адресант тафаккуридаги бу қиёс кўп ҳолларда метафорик мазмунли матн яратилишига сабаб бўлади.

Матнда ифодаланган икки вазиятни қиёслаш орқали муаллиф реципиентнинг қайси фикрга ишора қилаётганини тушуниб етади. Шу сабабли матнни ўқиш жараёнида ўқувчи томонидан тикланган унинг проекциясида албатта юқоридаги пропозиция иштирок этади.

Маълумки, нутқ яратилиши билан шуғулланган кўплаб олимлар нутқ ҳосил бўлишида оралиқ босқич борлигини эътироф этганлар. Бу босқичда нутқ мазмуни билан бирга унинг прагматик хусусиятлари ҳам акс этади.

Психолингвистикада тушуниш фаолияти ҳам босқичли жараён сифатида таърифланади. Дастлабки босқич таянч тушунчаларни ажратиш билан боғлиқ бўлса, охирги босқичда, албатта, мазмун яхлит тузилма кўринишини олиш зарур[1].

Худди нутқ яратилиши жараёнида бўлгани каби, тушуниш жараёнида ҳам оралиқ босқич мавжуд бўлиб, унда ўқувчи матннинг вербал тузилишида ифодаланмаган қўшимча маълумотларни тиклайди. Мазмунни қайта шакллантириш ва тушуниш учун лозим бўлган қўшимча маълумотларни матнни идрок этувчи шахс ўз хусусий билим захирасидан излайди.

Матн мазмунининг шаклланиши уни яратувчи шахснинг когнитив ва коммуникатив қобилияти билан боғлиқ бўлгани каби, уни қабул қилиш, идрок этиш ҳам реципиентнинг айни шундай қобилиятига боғлиқдир. Қабул қилинган билимнинг лисоний жиҳатдан моддийлашиши жараёни воқелик ва матннинг ўзаро мослашувини талаб қилади. Мана шу оралиқ жараённи таъминловчи восита нутқ яратувчи ва реципиентнинг когнитив-стилистик фаолиятидир.

Поэтик коммуникация, яъни бадиий нутқда ифодаланган ахборотни узатиш ва қабул қилишнинг мураккаб жараён эканлиги жуда кўп тадқиқотчилар томонидан таъкидлаб ўтилган. Бадиий матнда ифодаланган ахборот рационал матн ҳисобланувчи илмий, расмий каби матнларда ифодаланган ахборотдан ўзига хос бир қатор хусусиятлари билан тубдан фарқ қилади.

[1] Васильев С.А. Синтез смысла при создании и понимании текста. – Киев: Науковадумка, 1988. – С. 191.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Француз тадқиқотчиси Серлнинг фикрича, "умуман олганда, инсон айтмоқчи бўлган ҳар қандай фикрини аниқ ва тўлиқ ифодалай олиш имкониятига эга[1]. Шундай бўлса-да, имплицитлик нутқий коммуникациянинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб келган. Айниқса, бу хусусият бадиий матн, хусусан, шеърий матн семантикасида яққол намоён бўлади. Бадиий нутқни таҳлил этган кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрича, матнда ифодаланган фикр қанчалик яширин бўлса, у шунчалик таъсир кучига эга бўлади[2]. Бунинг сабабини қандай изоҳлаш мумкин?

Психологларнинг таъкидлашича, инсон ҳаётида гностик ҳиссиётлар катта роль ўйнайди. Бундай ҳиссиётлар доимо янгиликни, янги ахборотни талаб этади. Янгиликни ҳис этиш, ундан ажабланиш, ҳайратланиш туйғуси инсонга хос бўлган доимий ҳиссиётлардир. Гностик ҳиссиёт, яъни янги ахборотни билиш натижасида қониқиш ҳиссини туйиш инсоннинг характерли хусусиятларидан бири ҳисобланади. Бундай хусусият номаълум, яширин объектнинг моҳиятини англаш орқали маълум, таниш объектга хос белгиларни излаб топиш, кашф этишни тақозо этади.

Имплицитлик хусусиятига эга бўлган бадиий матннинг эксплицит ифодага эга бўлган шундай матнга кўра ўқувчи ҳиссиётига кўпроқ таъсир этишини, бизнингча, инсоннинг юқорида қайд этилган гностик эҳтиёжи билан изоҳлаш мумкин.

Имплицитлик ўқувчи шахсини матндаги яширин, концептуал фикрни англашга йўналтирувчи семантик ҳодиса экан, мутолаа жараёнида юзага келган мувофиқлик ўқувчи онгида объектив воқеликнинг бирор қисми ҳақида янгича муносабатнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бунда ўқувчи муайян концепт моҳиятини тўғридан-тўғри эмас, муаллифнинг "айланма йўллари" орқали кашф этади.

Омон Матжон шеъридан олинган қуйидаги микроматнга эътибор беринг:

Соғиндим. Кун-тунлар қатланди қалбда
Рангин ипаклари соғинчнинг, агар –
Ёйсам йўллардаги симёғочларга,
Зорланиб етарди Самарқанд қадар.

---

[1] Қаранг: Молчанова Г.Г. Семантика художественного текста. – Ташкент, 1988. – С.17.

[2] Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2008. – Б. 136.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Инсоннинг соғинч туйғуси ифодаланган ушбу шеърий матн макропропозицияси, яъни ушбу матн шаклланиши учун когнитив асос бўлган мазмун қуйидаги шаклга эга: *Сен мендан узоқда, Самарқанддасан. Сени жуда соғиндим.* Матндан кўринадики, соғинч туйғусини рангин ипакларга ўхшатиш ундаги пропозитив структураларнинг объектив воқелик билан бевосита боғланмаслигига сабаб бўлган.

Бу ўринда Г.Г.Молчановнинг бадиий матннинг икки ўлчамли –эксплицит-имплицит тузилишга эга эканлиги ҳақидаги фикрини эътироф этиш жоиз[1]. Ўқувчи юқоридаги матнни мутолаа қилиш жараёнида бир вақтнинг ўзида ҳам ташқи вербал тузилишда ифодаланган ахборотни, ҳам ички-семантик тузилишда ифодаланган ахборотни қабул қилиши ва уларни ўзаро қиёслаб, матндаги концептуал мазмунни англаб етиши лозим бўлади.

"Соғинчнинг рангин ипакларининг қатланиши ва симёғочларга осилиб Самарқанд қадар етиб бориши "ўқувчини ўз лисоний хотирасида мавжуд бўлган заҳира концептлар моҳиятини қайта кўриб чиқишига мажбур қилади.

Бу ўринда Ван Дейк Т.А. нинг матн интерпретациясига доир марказий қарашларидан бири – вазиятлар модели ҳақида гапириш ўринли, деб ўйлаймиз. Ван Дейк Т.А. нинг фикрича, вазиятлар модели матн интерпретациясида муҳим ўрин тутувчи когнитив тузилмадир. Тилшунос қарашига кўра, ўқувчи матнда ифодаланган вазиятни англаб етишда ўз лисоний хотирасидаги вазиятлар моделини фаоллаштиради ва уни матндаги вазиятга мувофиқлаштиради[2].

Шеърий матнда имплицитликни юзага келтирувчи асосий омил – уни ташкил этган қисмларнинг кўп ҳолларда объектив воқелик билан бевосита боғланмаслигидир. Бунда қуйидаги уч ҳолатни кузатиш мумкин:

1. Бадиий матндаги бирор сўз ёки бирикма ўзи ифодалаган объект билан тўғридан-тўғри боғланмайди. Масалан:

Пойинг узра дарё бўлиб тўлғансин
Чўққиларнинг бошидаги оқ уйқу.
(О.Матжон)

2. Бадиий матнни ташкил этган пропозициялардан айримлари ўзи ифодалаган объект билан тўғридан-тўғри боғланмайди. Масалан:

[1] Хоанг Фэ. Семантика высказывания // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. Лингвистическая прагматика. – М., 1985. – С.399.

[2] Ван Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М., 1989. – С. 41, 64.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қурбақа варақлар баёзин,
Гулдан бол сўради арилар,
Чигиртка қайрайди овозин,
Парвозда ниначи – парилар.
(Ш.Раҳмон)

3. Бадиий матннинг ўзи яхлит ҳолда объектив воқелик билан тўғридан-тўғри боғланмайди. Бунда унинг асосий мазмуни тагмаъно сифатида реаллашади. Мисол:

Оқ булоқни изладим,
Қора булоқ дуч келди.
Қора булоқ сувидан ичдим, ёронлар,
Оқ булоқни топгунча.
(А.Суюн)

Кузатишимизга кўра, қайд этилган ҳолатлардан иккинчиси бадиий матннинг энг характерли хусусиятларидан биридир. Табиийки, ўқувчи шеърни мутолаа қилиш чоғида юқоридаги каби ҳолатларни таҳлил этмайди. Шеърий матн қисмларининг бундай семантик хусусияти ҳақида гапиришимизнинг боиси шундаки, ўқувчининг шеърий матнда ифодаланган ахборотни қабул қилишида юқоридаги каби нутқий ифодалар бир вақтнинг ўзида икки хил ахборотни параллел равишда қабул қилишини тақозо этади. Бунда энг муҳими ўқувчининг матнда ифодаланган прагматик мазмунни тўғри топа олишидир.

Бу ўринда П.Грайснинг "импликатуралар назарияси" ҳақида гапириш ўринлидир. П.Грайс икки хил мазмунни қайд этади: 1) нима ҳақида гапириляпти; 2) матнда нима назарда тутиляпти. Унинг фикрича, 1-типдаги мазмун ифоданинг мантиқий мазмунига мос келади, 2-типдаги мазмун эса тўғридан-тўғри ифода эмас, матн қисмларининг умумий мазмунидан келиб чиқувчи мазмундир. П.Грайс бундай мазмунни **импликатура** деб номлайди[1].

Шеърий матнларнинг асосий қисми ўзида ноконвенционал импликатураларни намоён этади. Шеърий матнни ўқиётган шахснинг ундаги бадиий мазмун моҳиятини англаши ва ҳис қилишида айни шундай импликацияларни тушуниши энг муҳим шартлардан биридир.

Бадиий нутқ перцепцияси устида тадқиқот олиб борган бир қатор олимлар бадиий матнни тушунишда ***калит сўзнинг*** ўрни

[1] П.Грайс назарияси ҳақида қаранг: Герасимова О.И. Косвенные высказывания и проблема конвенционализации // Психолингвистические проблемы семантики и понимания текста. Сб. научных трудов. – Калинин, 1986. – С. 142–143.

www.ziyouz.com kutubxonasi

муҳим эканлигини таъкидлайдилар. Калит сўз бу – шеърий матнни тушунишга йўл очувчи сўз ёки жумладир. Шеърий матнда қўлланган кўчма маъноли ёки окказионал сўз, ўзида объектга ёндашув (*ўхшатиш, жонлантириш, баҳолаш асосидаги ёндашувлар*) ни акс эттирувчи дескрипциялар, гаплар, хуллас, матн субъектининг моҳиятини акс эттирувчи ҳар қандай нутқ бирлиги матнни тушунишда калит вазифасини ўтай олади. Масалан, юқорида О.Матжон шеъридан келтирилган *Пойинг узра дарё бўлиб тўлғонсин Чўққиларнинг бошидаги оқ уйқу* микроматнида ***оқ уйқу*** бирикмаси ўқувчи лисоний хотирасидаги "қор" концепти билан мувофиқ бўлсагина шеърий матн замиридаги бадиий мазмун тўлиқ ҳолда англашилади.

Маълумки, фанда тушуниш жараёнига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Бундай ёндашувлар қаторида герменевтика, кодларни англаш, нутқ материалини ички нутққа "таржима қилиш", интерпретацион ёндашув, шунингдек, тушунишни фикрий моделлар тизими ва баҳолаш сифатида қайд этиш кенг тарқалган[1]. Бу каби назарий қарашлар, табиийки, тилшуносликка ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида анъанавий таҳлил йўналиши ҳамда герменевтика соҳаларининг умумлашмаси сифатида юзага келган, ўзида кўпроқ когнитив ёндашувни намоён этувчи йўналиш устуворлик қилмоқда.

Герменевтика соҳасининг намояндаларидан бири Х.Г.Гадамер тушуниш, идрок этиш жараёнини таҳлил қилиб, шундай ёзган эди: "Интерпретация – тушуниш жараёнини ҳосил қилувчи акт эмас, аксинча, тушуниш бу – интерпретациядир, шунинг учун ҳам унга тушунишнинг эксплицит шакли сифатида қараш керак бўлади"[2].

Герменевтикани фалсафий оқим сифатида шакллантиришга ҳисса қўшган олимлардан бири Хайдеггернинг фикрича, матнни тушуниш жараёни ўқувчининг ўз-ўзини тушуниш жараёни билан узвийликни ҳосил қилади. Лекин бу интерпретаторда матнни қандай хоҳласа, шундай талқин қилиш имкони мавжуд, дегани эмас. Бунга матнда акс этган объектив мазмун – макропропозиция йўл қўймайди.

Маълумки, сўзлар инсоннинг лисоний хотирасида ўз луғавий маъноси билан сақланади. Муайян матнни тушуниш, қабул қилиш жара-

[1] Қаранг: Коммуникативная и когнитивная природа понимания. Автор обзора: Нишанов В.К. – М., 1989.

[2] Коммуникативная и когнитивная природа понимания. Автор обзора: Нишанов В.К. – М., 1989. – С.23.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёнида тил эгасининг ички лексиконида мавжуд бўлган сўз маънолари ҳақидаги билим асосий омиллардан бири сифатида амал қилади.

Психология фанида "вербал тармоқ" номли тушунча мавжуд. Унинг моҳияти шундан иборатки, инсон сўзларнинг маъносини якка ҳолда эмас, балки бошқа сўзларнинг маъноларига қиёслаган ҳолда эслаб қолади[1]. Шу сабабли ҳам бирор сўз айтилганда, у билан боғлиқ бошқа сўз ёдга тушади. Бу сўз айтилган сўз билан кўпинча бир мазмуний майдонга киради. Когнитив лингвистикага доир адабиётларда инсоннинг лисоний хотирасига нисбатан "тезаурус" сўзининг қўлланиши ҳам шундан далолат беради.

Б.А.Серебренников таъкидига кўра, инсон онгида алоҳида сўзлар билан ифодаланувчи тушунчалардан ташқари, сўз бирикмалари билан ҳам ифодаланувчи тушунчалар мавжуд. Академик олим яна шуни таъкидлайдики, лингвокреатив тафаккур тил элементларини яратар экан, баъзи тушунчаларни тушириб қолдиради. Бу бўшлиқ эса инсоннинг тафаккурнинг новербал усулларидан фойдаланиши орқали тўлдирилади. Олим бунга инсоннинг образли тафаккур қилиши вақтида унинг тасаввурида образли манзараларнинг биринкетин ўрин алмашиб туришини мисол қилиб келтиради[2].

Бу фикрнинг исботини бадиий услубда жуда кўп қўлланувчи воситалардан бири – қаратқич-қаралмиш шаклида тузилган бирикмалар мисолида кўриш мумкин. Бундай бирикмаларга семасиологияда боғли маъно сифатида қаралади. Мазкур бирикмаларнинг психологик мотивлашуви шундан иборатки, уларда икки предмет ёки ҳодиса ўзаро ўхшатилган бўлади. Масалан, *соғинчнинг рангин ипаклари* (О.Матжон) дейилганда, соғинч ҳиссиёти рангин ипакларга ўхшатилгани билиниб турибди. Лекин бу ўхшатиш матннинг ташқи эмас, ички тузилишига хос. Б.А.Серебренников сўзлари билан айтганда, бу ўхшашликни ифодаловчи тил элементлари матнда тушириб қолдирилган. Иккинчидан, бу каби бирикмалар ўқувчи тасаввурида образли манзараларни юзага келтиради. А.Ориповнинг Некрасов ҳақидаги шеърида шундай мисралар бор:

Пушкин шеъри ҳали янграрди мағрур,
Лермонтов чарақлар назм осмонида
Шоир бўлиш қийин, шоир бўлиш оғир
Бундай буюкларнинг каҳкашонида.

---

[1] Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2008. – С. 42.

[2] Серебренников Б.А. Роль человеческого фактора в языке. – М.: Наука, 1988. – С. 210-212.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шеърий матндан маълум бўладики, назм – шеърият осмонга ўхшатилган. Унда *Лермонтов чарақлар* (мантиқан – *Лермонтов юлдуз каби чарақлар*), *каҳкашон* сўзларининг қўлланиши ўқувчи тасаввурида чарақлаб турган юлдузлар тўла осмон манзарасини уйғотади. Бу *осмон*нинг *назм осмони* эканлиги эса ўқувчини мушоҳада қилишга, матнни нафақат лисоний тафаккур, балки образли тафаккур билан тушунишга ундайди.

Е.С.Кубрякованинг қуйидаги сўзлари айнан шу каби ҳодисаларнинг назарий талқинидек туюлади: "Дастлаб инсон миясига реал воқеликдан муайян белгиларни ассоциациялаган ҳолда қабул қилинган лисоний маънолар кейинчалик инсон психикаси ва интеллектида идеал моҳият – концептлар сифатида янги ҳаётини бошлаши мумкин, бунда улар ўз сўзлик қобиғидан қисман озод бўлиши мумкин.

... инсоннинг концептуал тизимида кўплаб концептлар ўзларининг ассоциатив ва коннотатив майдонини ҳосил қилади"[1].

Ўзида икки тушунчанинг қиёсий муносабатини намоён этувчи юқоридаги каби бирикмалар таркибидаги сўзлар ҳақиқатан ҳам уларни яратган ижодкорлар "интеллектида янги ҳаётини бошлаган" ва ўз "ассоциатив ва коннотатив майдонини ҳосил қилган"лигини кўриш мумкин.

3.3. Матн мазмуний идрокида реципиентнинг роли

Бадиий матн мутолааси Гумбольдт томонидан таъкидлаган ёзувчи- ўқувчи антиномиясининг ўзига хос кўринишини намоён қилади. Бундай матн ўқувчиси дискурсив фаолиятда когнитив амаллар бажарувчисига айланади: у ахборот қабул қилувчи, матнни ўз лисоний тафаккури кодларига мослаштирувчи, унинг мазмунини қайта тикловчи, ўз эстетик қарашлари асосида баҳоловчи шахс сифатида намоён бўлади. Бунда унинг ёши, жинси, билими, кайфияти, қизиқиш доираси катта аҳамият касб этади.

Матн мазмуний идрокида ўқувчи омили масаласини Ўзбекистон халқ ёзувчиси, таниқли адиб Ў. Ҳошимовнинг "Дафтар ҳошиясидаги битиклар"[2] китобидаги айрим микроматнлар асосида ёритишга уриниб кўрдик.

---

[1] Кубрякова Е.С. Роль номинативного аспекта в речевой деятельности. – М.: Наука, 1986. – С. 148–149.

[2] Ҳошимов Ў. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. Тўлдирилган ва қайта ишланган нашри. – Тошкент, 2005. – Б. 271.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ў.Ҳошимовнинг мазкур китобига унинг узоқ йиллар мобайнида олиб борган кузатувлари, ўгитлари, хулосалари натижаси сифатида юзага келган кичик-кичик асарлари жамланган. Улар тузилишига кўра асосан микроматнларга тенг келса-да, ўзида ёзувчи шахси ва услубига хос хусусиятларни яққол намоён этиб туриши билан эътиборни тортади.

Ушбу матнларнинг муҳим хусусиятларидан бири – муаллиф кўп ҳолларда ўқувчининг дискурсив қобилияти, яъни муайян нутқий тузилмада ифодаланадиган мазмунни яхлит ҳолда идрок эта олиш қобилиятига таяниб иш кўришидир. Китобдаги жуда кўп матнларда ўқувчи дискурсдаги глобал алоқа, яъни матн қисмларининг умумий мазмунидан келиб чиқувчи, муаллифнинг прагматик ниятини ифодаловчи объектив мазмун – макропропозицияни эксплицит тарзда ифодаламайди. Бу эса матнни ўқиш жараёнида ўқувчининг фаоллигини талаб этади. Қуйидаги матнга эътибор беринг:

"Даҳо" экансиз!

"Аёл кишини ипидан игнасигача биламан", дейсизми? О-о-о, сиз даҳо экансиз!

Айтинг-чи, шарқдан секундига беш-етти метр тезликда эсаётган шамол ўн дақиқадан кейин шимолга буриладими, жанубгами? Ярим соатдан кейин изгиринга айланадими, бўронгами?.."

Кўриниб турибдики, ушбу матнда муаллиф айтмоқчи бўлган асосий фикрини (Аёл табиатини ҳеч қачон мукаммал била олмайсиз) матнни идрок этувчининг мантиқий фикрлашига ҳавола этган. Ушбу матн шу шаклида ўқувчи учун нотўлиқдир. У ўқувчи томонидан матнга "Жуда тез эсаётган шамол қайси томонга бурилишини билиб бўлмагани каби, аёл табиатини ҳам билиб бўлмайди" пропозицияси қўшилгандан кейин (аниқроғи, ёзувчи айнан шу пропозициясини назарда тутганини англаб етгандан кейин)гина мазмунан тугал ҳолатга келади.

Машҳур психолингвист Л.С.Виготский фикрнинг вербал ифодага ўтиш жараёнини осилиб турган булутнинг ёмғир томчиларига айланиб, ерга ёғишига ўхшатган эди. Юқоридаги матн яратилиши ва идроки жараёнидан кўринадики, муаллиф матн ниҳоясида атайлаб "сўз ёмғирлари"ни ёғдирмай, бу "томчилар"нинг шаклу шамойили ва мазмунини англаш вазифасини ўқувчи зиммасига юклаган.

Ушбу жараён, бир томондан, муаллиф услубининг бир қиррасини намоён этса, иккинчидан, ўқувчи онгидаги когнитив

www.ziyouz.com kutubxonasi

жараённи ҳам акс эттиради. Зеро, бу жараёнда ўқувчи онгидаги захира сифатида мавжуд бўлган "аёл" концепти билан "шамолнинг беш-етти метр тезликда эсиши" ҳақидаги вазият моделини қиёслаш амали айнан уни идрок этиш жараёнида – реципиент тафаккурида амалга оширилади.

Ў.Ҳошимов дискурсив фаолиятига хос хусусиятлардан яна бири матнга ўхшатишни асос қилиб олиш натижасида матн макропропозициясини тагмаънога тенглаштиришдир. Қуйидаги матн бунинг мисоли бўла олади:

Асл айнимас

Ит тумшуғини суққани билан дарё ҳаром бўлиб қолмайди.
Номард тош отгани билан тоғ қулаб тушмайди.

Матн мазмунидан кўринадики, ёзувчи айтмоқчи бўлган асосий фикрни бу ўринда ҳам ўқувчи "тиклаши" лозим.

Айрим тадқиқотчилар муаллиф идиолектида мавжуд бўлган, аммо матннинг семантик структурасида очиқ ифодаланмаган пропозицияларнинг реципиент томонидан қайта тикланиб, матн структурасининг янгидан ҳосил қилинган вариантини "матн проекцияси" термини билан аташ фикрини илгари сурадилар[1]. Ю.А.Сорокиннинг фикрича, "Ҳар гал ўқувчи томонидан қабул қилинган матн унинг (ўқиб чиқилган матннинг – Д.Х.) проекциясидир"[2].

Дарҳақиқат, матн проекцияси тушунчаси дискурсни, хусусан, дискурс мақомидаги бадиий матнни талқин қилишда жуда қўл келади. Чунки бадиий матн синергетик жараён сифатида ўзида бир қанча импликатуралар "энергияси"ни сақлайди. Бу энергияни "ишга тушириш" эса реципиент томонидан амалга оширилади. Кузатишларимизга кўра, Ў.Ҳошимов томонидан яратилган матнлар ўзининг айнан шу хусусияти, яъни ўқувчини фаол мулоқотга, мантиқий-когнитив тузилмаларни аниқлашга ундаши билан ўзига хосдир. Масалан, қуйида келтирилган матнни тушуниш учун тил ҳақидаги умумий билимлардан ташқари, ўзбек миллатининг этномаданий хусусияти ҳақида ҳам муайян ахборотга эга бўлиш талаб қилинади:

Оталар ва болалар

У оддий одам эди. Ҳаммолчилик қиларди. Тўрт қиз, уч ўғилни

[1] Сорокин Ю. А. Психолингвистические аспекты изучения текста. – М., 1985. – С. 136.

[2] Сорокин Ю. А. Психолингвистические аспекты изучения текста. – М., 1985. – С. 136.

www.ziyouz.com kutubxonasi

оёққа турғазди. Ўғилларини уйлантирди. Қизларини чиқарди. Ҳаммасини уйли-жойли қилди.

Кўз юмаётганида: "Ҳаммаларингдан мингдан-минг розиман", – деди...

Қарашса, кафанлиги йўқ экан..." (11-бет)

Келтирилган матнни тушуниш учун охирги жумла – "Қарашса, кафанлиги йўқ экан" жумласи таянч бўла олади. Чунки ўзбек миллатининг муайян этномаданий хусусиятини акс эттирувчи ахборот (ҳар бир ўзбек хонадонида кафанликнинг тайёр туриши) айнан ушбу жумладан англашилади.

Ушбу матндаги матн қисмлари – алоҳида пропозицияларнинг глобал алоқаси натижасида матн мазмунида "Ўзбек оталари ўзлари ҳақида эмас, фақат болалари ҳақида қайғурадилар" ифодали вербал ифодаланмаган пропозиция тикланади ва матннинг тўлдирилган, иккинчи шакли – матн проекцияси ҳосил бўлади.

Таҳлиллардан аён бўладики, Ў.Ҳошимов матнларни яратишда аксар ҳолларда реципиент тафаккурига таяниб иш кўради. Буни "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" китобидаги яна кўплаб матнлар асосида исботлаш мумкин.

3.4. Тил ва ассоциатив тафаккур алоқаси

Тил ва ассоциатив тафаккур алоқадорлиги масаласи фалсафа, психология, мантиқ ва когнитологиянинг долзарб муаммоларидан биридир. Хусусан, когнитив тилшуносликда тушунчани категориялаштириш масаласининг юзага келиши ушбу ҳодисанинг кўплаб тадқиқотлар объекти бўлишига сабаб бўлди.

Маълумки, фанда ассоциация (лотинча associate – бирлашиш; ўзаро алоқа)га тафаккур жараёнида психика элементлари ўртасида содир бўлувчи алоқа сифатида қаралади. Бу шундай алоқа тури ҳисобланадики, бир элементнинг юзага келиши хотирада у билан боғлиқ бошқа бир элемент образининг пайдо бўлишига олиб келади. Бошқача айтганда, ассоциация алоҳида олинган предмет, воқеа-ҳодиса, фактлар алоқасининг инсон хотирасида акс этиши ва сақланишидир[1].

Ассоциация турли тушунчаларни умумлаштиришнинг энг қулай воситаларидан бири бўлиб, унга кундалик ҳаётдан кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Масалан, *қор* сўзи бизнинг тасавву-

[1] ru wikipediya.ord / wki / Ассоциация_ (психология).

www.ziyouz.com kutubxonasi

римизда *оқ ранг, қиш, совуқ* каби тушунчаларни пайдо қилса, *баҳор* сўзи хотирамизда *гуллар, момақалдироқ, илиқ ҳаво* каби тушунчаларни жонлантиради.

Айтиш жоизки, ассоциатив тафаккур реал воқеликнинг ўзига хос инъикоси бўлган лисон ва оламни образли тафаккур призмасидан ўтказиб тасвирловчи бадиий адабиётда ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, мумтоз адабиётшуносликда *таносуб* деб номланувчи шеърий санъат тури айнан ассоциатив тафаккур асосида юзага келувчи ҳодисалардан биридир. Бунга мисол сифатида Огаҳийнинг қуйидаги байтини келтириш мумкин:

Ул гул юзи шавқи била шайдо кўнгул шому саҳар
Булбулдек айлар юз наво минг навъи фарёд устина.

Мазкур байтда қўлланган *гул, булбул, наво* сўзлари психологик нуқтаи назардан ассоциатив тушунчаларни билдирувчи сўзлар бўлиб, уларнинг шеърий матн таркибида кетма-кет келиши таносуб санъатини юзага келтирган.

Фалсафа ва когнитив психологияда ассоциатив тафаккур ҳақидаги мавжуд бўлган назарий қарашлар тилшуносликка ҳам ўз таъсирини ўтказди. Когнитив психологияда тушунчаларни категориялаштириш ҳаракатини биринчилардан бўлиб бошлаб берган Элеонора Рош "Прототиплар назарияси" деб номланувчи назарияни яратди. Унинг нуқтаи назарига кўра прототип муайян категориянинг шундай аъзоси ҳисобланадики, у мазкур категориядаги бошқа аъзолар билан максимум тарзда, бошқа категориядаги аъзолар билан эса минимум тарзда умумий хусусиятларга эга бўлади[1].

Когнитив психологияга оид бу қарашни дастлаб когнитив тилшуносликнинг йирик намояндаларидан бўлган Ж.Лакофф ҳамда поляк тилшуноси А.Вежбицкаялар тилшуносликка татбиқ этдилар. Прототиплар назарияси тилнинг белги сифатидаги мақомига янгича нуқтаи назар билан қарашни тақозо этувчи йўналиш сифатида жаҳон тилшунослигида муҳим ўрин тутади. Сўз тушунчани ифодаловчи оддий белгигина эмас, ўзида муайян этноснинг миллий-маданий хусусиятларини ҳам акс эттирувчи бирлик эканлиги ушбу қарашнинг асосий тамойилларидан биридир.

Сўз семантикасига оид ушбу қарашлар асосида рус тилшунослигида "семантик гештальтлар" деб номланувчи назария юзага келди. Унинг асосчиларидан бири Ю.Н.Караулов фикрича, "семантик

[1] Тамберг Ю. Учись соображать. – Екатеринбург: У-фактория, 2007. – С.27.

www.ziyouz.com kutubxonasi

гештальтлар она тилида мухрланган миллий-маданий воқелик образлари ҳамда реал воқеликни акс эттириш билан боғлиқ бўлган лисоний онг аспектидир"[1].

Психологияга доир адабиётларда ассоциатив тафаккурнинг қуйидаги тўрт тури фарқланади:

1) жойлашиш ўрнига асосланган ассоциация

2) ўхшатишга асосланган ассоциация

3) зидликка асосланган ассоциация[2].

Шунингдек, илмий адабиётларда барқарор ва барқарор бўлмаган ассоциациялар ҳам фарқланади. Барқарор ассоциациялар сўз денотатлари ўртасидаги барқарор алоқадорликка асосланади. Тил эгалари томонидан икки тушунчанинг мунтазам алоқадорликда қабул қилиниши лисоний хотирада стереотипларни ҳосил қилади. Бу эса, ўз навбатида, тилда ҳам қолиплашган барқарор бирликларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бунинг ёркин мисоли сифатида ўхшатиш қурилмаларини келтириш мумкин. Профессор Н.Маҳмудов бу ҳақда шундай ёзади: "Турғун ўхшатишларнинг моҳияти шундан иборатки, уларда ўхшатиш эталонида ифодаланган образ барқарорлашган бўлади, бундай ўхшатишлар, гарчи муайян шахс ёки ижодкор томонидан қўлланган бўлса-да, вақтлар ўтиши билан тил жамоасида урфга кириб, доимий ифодалар сифатида турғунлашган, умумхалқ тили лексиконидан жой олиб улгурган бўлади"[3].

Жумладан, *пахтадай оқ, тошдай қаттиқ, тандирдек қизимоқ* каби стереотип бирликлар ҳам ўхшатиш эталони ва ўхшатиш асоси сифатида қўлланган сўзларнинг ассоциатив алоқаси натижасидир.

Ўзбек тилидаги айрим сифатловчили бирикмалар ҳам барқарорлашган бўлиб[4], бунга ҳам икки тушунча ўртасидаги доимий ассоциативлик сабаб бўлади. *Мовий осмон, баланд тоғлар, зилол сувлар, меҳрибон она, қадрли устозлар, азиз меҳмонлар, қаҳратон қиш, жазирама ёз, олтин куз, зумрад баҳор* каби бирикмалар ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг лисоний хотирасида клишеланган ҳолатда мавжуддир.

Ўзбек тилидаги синонимик, омонимик, антонимик қаторларни

---

[1] Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М., 2001. – С. 43.

[2] Мартинович Т.А. Типы вербальных связей и отношений в ассоциативном поле // Вопросы психологии. – Москва, 1998. – № 2. – С. 143.

[3] Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 23.

[4] Маҳмудов Н. Кўрсатилган мақола.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташкил қилган сўзлар ҳам юқоридаги каби ассоциатив муносабатни намоён қилади. Масалан, *оқ* сўзи сўзловчи хотирасида *қора* сўзини, *юз* сўзи *чеҳра* сўзини, шунингдек, *оқибат* (инсоний фазилат) сўзи бошқа бир *оқибат* (сабаб-натижа) сўзини пайдо қилади.

Таъкидлаш лозимки, ассоциатив тафаккур тилнинг лексик сатҳидагина амал қилмайди: уни бошқа сатҳларда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, *совуқ, илиқ, тарқоқ, сайлов* каби ясама от ва сифатларни эслаганимизда, уларнинг ясалиш асоси бўлган феъллар ҳам хотирамизга келади: *совуқ – совимоқ, илиқ – илимоқ, сайлов – сайламоқ, тарқоқ – тарқамоқ* каби.

Ҳозирги вақтда турли тилшуносликларда муайян тил эгаларининг лисоний онги хусусиятини кўрсатувчи ассоциатив луғатлар яратилган. Маълумки, ассоциатив луғатлар идеографик (тезаурус) луғатларнинг бир тури ҳисобланади. Бундай луғатлар сўзлигини тузишга тил эгаларидан сўровнома шаклида тўпланган тил материаллари асос бўлади.

Биз ассоциатив луғатларни тузиш учун қўлланган усул асосида кичик бир гуруҳда тажриба ўтказдик. Гуруҳ аъзолари 20 кишидан иборат бўлиб, уларга предметни ҳамда белги-хусусиятни билдирувчи 25 та сўз ёздирилди ва ушбу сўзни ёзиш давомида биринчи бўлиб хотирага келган сўзни ҳам ёзиш сўралди. Қуйидаги жадвалда биринчи устунда айтилган сўз (стимул), иккинчи устунда эса гуруҳ аъзолари томонидан бу сўзга реакция сифатида энг кўп қайд этилган сўз (прототип) берилган.

Ассоциатив фикрлаш бўйича ўтказилган сўровнома жадвали

1-жадвал

дарахт	терак
гул	атиргул
ранг	оқ/қора
таом	палов
миллий кийим	атлас/тўн
бош кийим	дўппи
мева	олма
йиртқич ҳайвон	шер
уй ҳайвони	сигир/қўй
транспорт	автобус
спорт тури	футбол
мебель	шкаф/стол
тўй	келин-куёв

www.ziyouz.com kutubxonasi

1-жадвалнинг давоми

планета	Марс
ота	она
ака	ука
қиш	қор
қизил	қон
оқ	пахта/қор
аччиқ	қалампир
ширин	асал
нордон	лимон
қора	соч
иссиқ	ёз
муздек	сув

Кўринадики, *таом – палов, миллий кийим – атлас/тўн, бош кийим – дўппи* жуфтликларида ассоциатив фикрлашнинг миллий, *йиртқич ҳайвон – шер, планета – Марс, иссиқ – ёз* каби жуфтликларда ассоциатив фикрлашнинг умумий семантик хусусиятлари намоён бўлган.

Ассоциатив фикрлаш ўзида имплицитликни намоён этувчи бадиий матнни тушунишда муҳим восита ҳисобланади. Хусусан, метафорик мазмунли матнларни идрок этишда ассоциатив тафаккур зарурий омил сифатида намоён бўлади. Метафорик мазмунли матнлар матн референцияси, шунингдек, реципиент лингвокогнитив фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида муҳим маълумотларни аниқлаш имкониятини беради. Бу каби матнлар мутолаасида "матн ичидаги матн", яъни яширин пропозитив структуралар муносабатидан келиб чиқувчи глобал мазмун ўқувчи томонидан тикланиши лозим. Табиийки, метафорик мазмунли матнлар ўқувчи шахсининг дискурсив қобилиятига кўра турли даражаларда тушунилади.

Дискурсив таҳлилга оид адабиётларда яхлит нутқий тузилмани тушуниш – ўқувчининг муаллиф матни асосида "ўз матни"ни яратиши сифатида изоҳланиб, бунда нутқий тузилма яратиш кодлаштириш жараёни, уни тушуниш эса кодларни тушуниш жараёни ҳисобланади. Муаллиф матни асосида ўқувчи лисоний тафаккурида қайта яратилган матн макропропозиция қонунларига кўра юзага келтирилади, яъни ўқувчи матн қисмлари мазмунини алоҳида-алоҳида эмас, умумий, яхлит тарзда қабул қилади. Ван Дейк Т.А. терминлари билан айтганда, ўқувчи онгида матн қисмларининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

локал мазмуни эмас, глобал мазмуни қайта тикланади[1]. Тушуниш стратегиясининг бу муҳим қонунияти метафорик мазмунли матнларда ўзгачароқ тарзда кечади. Боиси – оддий баён тарзида ёзилган матнларда тил белгиси ва референтлар ўртасида мувофиқлик мавжуд бўлса, метафорик мазмунли матнларда кўп ҳолларда бунга амал қилинмайди.

Метафорик мазмунли матнларда ифодаланган референция зоҳиран объектив воқелик ҳақидаги ҳукмни ифодалаётгандек кўринса-да, матннинг ички тузилишида иккинчи, асосий ҳукмни ифодаловчи референция ҳам мавжудлиги англашилиб туради. Шу боисдан ҳам бу каби матнларни тушунишда ассоциатив фикрлаш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Қуйидаги матнга эътибор беринг: *Менинг кўп гулларим очилмай хазон бўлди, ҳазратим. Менинг бир қанотим Аҳмад Танбалнинг оловида куйди-ю, иккинчи қанотимни Шайбонийхон куйдирди. Илоҳим, энди сиз шу машъум оловларнинг орасида қолманг!* (П.Қодиров. "Юлдузли тунлар" романи)

Келтирилган матнда 4 та гап мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси метафорик мазмунга эга. Ўқувчи уларда ифодаланган имплицит мазмунни тушуниши учун гапларнинг ташқи тузилишида ифодаланган вазиятни матн муаллифи назарда тутган вазият билан ассоциацияга киритган ҳолда англаб етиши лозим бўлади. Ўқувчининг метафорик мазмунни тушунишида ўзбек тилида мавжуд бўлган *хазон бўлмоқ, куймоқ, ёнмоқ* (ушбу матнда: *оловлар орасида қолмоқ*) ифодали анъанавий метафоралар ҳам муайян аҳамият касб этади.

[1] Қаранг: Ван Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1988.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4-БОБ

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

4.1. Прецедент бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни

Прецедент бирликлар тил тизимини тадқиқ этишнинг етакчи йўналишларидан бири бўлган лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш объектларидан бири ҳисобланади. Мазкур бирликларга бағишланган тадқиқотларда қайд этилишича, *прецедент* термини тилшуносликда биринчи марта Ю.Н.Караулов томонидан рус тилида эълон қилинган "Роль прецедентных текстов в структуре и функционировании языковой личности" номли мақолада қўлланган[1].

Рус тилшунослигида муайян тил эгаларига яхши таниш бўлган ва уларнинг лисоний хотирасида сақланадиган, нутқий фаолиятда қайта-қайта мурожаат қилинадиган шахс номлари, барқарор сўз бирикмалари, жумлалар ҳамда матнлар прецедент бирликлар сифатида қайд этилади[2].

Прецедент бирликлар ҳақидаги назария тилшуносликда прецедент ҳодисалар тушунчасининг пайдо бўлишига сабаб бўлган. "Прецедент ҳодисалар миллий маркерланган ҳодисалар ҳисобланади: бундай ҳодисалар ортида турувчи концептлар лингвомаданий ҳамжамиятнинг барча вакилларига уларни прецедент сифатида англаш имкониятини беради. Бунда маънонинг марказий унсурлари барча тил эгалари учун умумий характер касб этади"[3].

---

[1] Қаранг: Гунько Ю.А. Особенности функционирования прецедентных высказываний в разговорной речи носителей русского языка: Дисс. .. канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2002.

[2] Қаранг: Красных В.В., Гудков Д.Б., Захаренко И.В., Багаева Д.В. Прецедентные феномены в лингвистике // Вестник Московского университета. Серия 9. Филология; Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987; Маслова В . Лингвокультурология. Учеб. пособие. – М.: Academia, 2001.

[3] Банникова С.В. Прецедентность как лингвокультурный феномен (на материале английских и русских текстов): Дисс. … канд. филол. наук. – Тамбов, 2004..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Е.А.Нахимова прецедент ҳодисаларни халқнинг миллий онгида сақланувчи тизим сифатида баҳолайди[1]. Прецедент ҳодисалар ҳақидаги назария асосчиларидан бири Д.Б.Гудков эса тилни ўзлаштиришнинг миллий-маданий ва қомусий даражаси билан боғлиқ бўлган айрим воқеа, факт, ном, матнларни прецедент ҳодисалар сифатида баҳолаб, уларнинг линовомаданий ҳамжамиятнинг аксар вакилларига таниш бўлишини, уларнинг хотирасида сақланиб туришини таъкидлайди ҳамда бундай бирликларнинг нутқда актуаллашган кўринишларини прецедент бирликлар деб ҳисоблайди[2].

Тақиқотчи инвариантлик, эталонлик, қайта тикланиш, қолиплашиш ва баҳолаш хусусиятлари прецедент ҳодисаларга хос хусусиятлар эканини алоҳида таъкидлаб ўтади[3].

Рус тилшунослигидаги прецедент бирликлар тадқиқ этилган ишларда Инжил матнлари, мифлар, халқ қўшиқлари, эртаклар, латифалар, мақол, турғун ўхшатишлар, фразеологизм ҳамда машҳур шахслар номи прецедент бирлик сифатида қайд этилади. Шунга кўра бундай бирликларнинг прецедент номлар, прецедент жумлалар, прецедент матнлар каби турлари ажратилади.

В.А.Маслованинг фикрига кўра, муайян миллат вакилларига яхши таниш бўлган матнлар ёки воқеалар билан боғлиқ бўлган шахс номлари прецедент номлар бўла олади. Масалан: *Обломов, Тарас Бульба* каби[4].

Пьего-Гро Н. интертекстуалликка бағишланган тадқиқотида прецедент бирликларни тўртга бўлади: 1. Цитата; 2. Референция. 3. Қўштирноқсиз кўчирма. 4. Аллюзия[5].

Ю.Н.Караулов эса прецедент матнларга шундай таъриф беради: "Бирдан ортиқ шахсга тегишли бўлган, уларнинг билиш ва ҳиссий муносабатларида у ёки бу шахс учун аҳамиятли бўлган, яъни мазкур шахс билан алоқадор одамларга жуда яхши таниш бўлган ва, ниҳоят, тил эгалари дискурсида қайта-қайта мурожаат қилинадиган матнлар"[6] прецедент матнлардир.

В.В.Красних эса прецедент матнларни ижтимоий, миллий

---

1 Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации // http www philology / ru/ linguistics 2 / narhimova 07 htm.

2 Қаранг: Гудков Д.Б. Прецедентные феномены в языковом сознании и межкультурной коммуникации: Дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 1999.

3 Гудков Д.Б. Кўрсатилган диссертация. – Б. 141.

4 Маслова В.А. Лингвокультурология. –М.: Academia, 2001. – С. 53.

5 Пьего-Гро Н. Введение в теорию интертекстуальности. – М.: ЛКЦ, 2008.

6 Караулов Ю.Н. Язык и личность. – М., 1989. –С. 216.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамда универсал прецедент матн турларига ажратиш фикрини илгари суради[1].

Прецедентлик интертекстуаллик тушунчаси билан боғлиқ, аниқроғи, унинг ичига кирувчи ҳодисадир. Бадиий матннинг лингвопоэтик хусусиятларини тадқиқ этган М.Йўлдошев интертекстуалликни шундай таърифлайди: "Муайян бадиий матн таркибида ўзга матнларга дахлдор унсурларнинг мавжудлиги шу матннинг интертекстуаллигидир"[2].

Айрим тадқиқотларда прецедентлик интертекстуалликнинг бир тури сифатида қайд этилган[3]. Биз ҳам ушбу фикрни маъқуллаймиз. Прецедентлик интертекстуалликнинг намоён бўлиш шаклларидан бири бўлиб, тил эгаларининг асосий қатламига яхши таниш эканлиги, нутқда қайта-қайта қўлланиши билан характерланади. Қуйидаги матнларга эътибор беринг:

Ҳаво майин, мулойим, шоир айтганидек – "у энди ёндирмас, ялтирар фақат". (Эркин Аъзам. "Ёзувчи" ҳикояси)

Энг муҳими – натижа, байроқ – голибники. Шу байроқ остида нималар ваъда қилинмайди дейсиз. Олисдан олис тоғ қишлоғига газ олиб борилади, ўру қирлар оша теп-текис асфаль йўл ўтказилади, муаллиму врачларнинг маоши бир неча баробар оширилади... Хуллас, машҳур интермедияда кулги қилинганидек, келиннинг онасига – конфет фабрикаси, тоғасига – ароқ заводи, ўлган бувига янги кафан... Шундай мўъжизакор, хотамтой валломатни сайламай бўладими, айтинг?! (Эркин Аъзам, "Мени сайланг, мени сайланг..." Публицистик миниатюра)

Берилган матнларнинг биринчисида, *у энди ёндирмас, ялтирар фақат* кўчирмаси интертекстуалликни ҳосил қилган. Бу кўчирманинг мазмуни, умуман, ўқувчига тушунарли. Лекин ўқувчи ушбу кўчирма олинган шеър матни билан ҳам таниш бўлса, унинг мазмунини янада чуқурроқ англаши мумкин, чунки шеър муаллифи –А.Ориповнинг ўз мисраларида табиат тасвири орқали олисда қолган ёшликдаги туйғуларига ишора қилганлиги яққол сезилади:

Қуёш ҳам фалакда бамисли рўё,
У энди ёндирмас, ялтирар фақат.

---

[1] Красных В.В. Виртуальная реальность или реальная виртуальность. – М., 1998. – С. 19.

[2] Юлдашев М.М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 2009.

[3] Қаранг: Орлова Н.М. Библейский текст – как прецедентный феномен: Дисс. ... д-ра филол. наук. – Саратов, 2010.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дўстлар, у ҳам энди қуёшмас асло,
У олис ёшликда қолган муҳаббат.
("Куз манзаралари")

Кўринадики, шеър билан таниш бўлмаган ўқувчида матнга киритилган мисра куз ҳавосининг тасвири каби таассурот қолдиради. Шеър билан таниш бўлган ўқувчи эса ушбу мисралар орқали умрига куз фасли кириб келган ҳикоя қаҳрамонининг руҳий ҳолатига нозик ишора борлигини ҳис қилади. Зотан, бундан аввалги матнда ёзувчининг (ҳикоя қаҳрамонининг) "дардманд кунларида кўнглида туғилган китобини ёзишга киришган"лиги ҳақида ёзилган эди.

Демак, Э.Аъзамов томонидан қўлланган "У энди ёндирмас, ялтирар фақат" матни интертекстуалликни ҳосил қилган бўлса-да, А.Орипов шеърияти билан яхши таниш бўлган ўқувчиларгина бу матн ёзувчи томонидан нима мақсадда қўлланганини фаҳмлай оладилар.

Кейинги матнда келтирилган *келиннинг онасига – конфет фабрикаси, тогасига – арақ заводи, ўлган бувисига – янги кафан* кўчирмаси эса ўзбек тилида сўзлашувчи тил эгаларининг асосий вакилларига "Учрашув" номли телефильм орқали жуда яхши таниш. (Бу сўзлар машҳур актёр Эргаш Каримов томонидан айтилади) Шу сабабли мазкур матн мазмунини тушуниш учун махсус билим талаб этилмайди. Бинобарин, бу матн кўпчиликка таниш эканлиги ва шу боисдан қайта тикланиш хусусиятига эгалиги билан прецедент матнга мисол бўла олади. Умуман, ўзбек тилидаги машҳур шеър ва қўшиқлардан, Қуръон ва Ҳадислар, латифалар, эртак, ривоят, кинофильмлардан олинган матнларни прецедент матнлар сирасига киритиш мумкин. Улар матн таркибида айнан ёки ўзгартирилган ҳолатда қўлланиши мумкин.

Прецедент бирликлар ичида прецедент номлар алоҳида ўрин тутади. Айтиш жоизки, бу ҳодиса мумтоз адабиётимиздаги талмеҳ санъати – машҳур шахслар номини келтириш орқали бирор воқеага ишора қилиш ҳодисасига жуда ўхшайди. Масалан, Лутфийнинг *Яъқуб бикин кўп йигидин қолмади сенсиз Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма* байтида Ислом дини тарихидан маълум бўлган Яъқуб пайғамбарнинг ўз ўғли Юсуфдан айрилгач, йиғлайвериб кўзлари кўр бўлиб қолишига ишора бор.

Қуйидаги прецедент матнда ҳам юқоридаги каби ҳодисани кузатиш мумкин: *Асар, айниқса катта полотно яратаётган адиб нотаниш оролга бориб қолган сайёҳга ўхшайди. Рўпарасидаги бир варақ оқ қоғоз – нотаниш орол. Бу оролга у Робинзон Крузога ўхшаб,*

www.ziyouz.com kutubxonasi

адашиб эмас, ўз ихтиёри билан боради. У оролни обод қилади, боғ-бўстон яратади... Энг муҳими, ёзувчи нотаниш оролда аҳоли яратади. Яъни асар қаҳрамонларига жон ато этади. Зеро, ижод дегани йўқ жойдан бор қилиш демакдир... (Ў.Ҳошимов. "Дафтар ҳошиясидаги битиклар"). Кўринадики, бунда Д.Дефонинг "Робинзон Крузо" асаридаги Робинзоннинг нотаниш оролга бориб қолиш воқеасига ишора бор.

Прецедент номлар бадиий асарда турли прагматик мақсадларда қўлланади. Уларнинг яна шундай вазифаси борки, бу – микроматн субъекти сифатида матн яратилишида иштирок этишидир. Ёзувчи биргина прецедент ном воситасида матн ҳосил қилиши мумкин. Масалан: *Дарвоқе, даставвал бу ерларда* ***Ёрмат*** *пайдо бўлди. (Аслида унинг исми бошқа; маҳаллага ихтиёрий равишда кайвони бўлиб олган Саиджалол "Акахоннинг гумаштаси, ишбоши" деганидан кейин, "Қутлуг қон"даги бойнинг гумаштаси хаёлига келиб, домла уни ўзича Ёрмат деб атай бошлади.) Бўйи Обид Асомдан сал тикрогу, ваҳимасиёсати уникидан ўн чандон зўр. Акахоннинг ўзи шу орада ё икки, ё уч марта кўринди, холос – ҳамма ишни мана шу шоввоз битирди! Қўлида "сотка", тагида "Дамас", бир зум тинмайди. Кечаю кундуз йигирма-ўттизлаб мардикору ҳар рақам уста, ваҳимали бўкиргувчи "МАЗ"у "КРАЗ"ларга шу биргина жон – бош! Ёқа ушламай, офарин демай иложингиз йўқ.* (Эркин Аъзам. "Ёзувчи" ҳикояси).

Шуни айтиш жоизки, прецедент номлар юзага келиш мотивига кўра турлича бўлади. Улар бадиий матнлар, диний матнлар, машҳур ва қизиқ воқеалар, афсона, ривоят, эртак, латифа, кинофильмлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан: Лайли, Мажнун, Хизр, Насриддин Афанди, Шум бола, Қоработир, Тоҳир-Зуҳра, Сотти каби номлар машҳур номлар ҳисобланади. Ў.Ҳошимовнинг "Итбозга эҳтиром" номли асарида *Духновский* фамилиясининг ўзбеклар орасида қандай машҳур бўлганлиги (прецедент бирликка айланганлиги) ҳақида ёзилган. Унда айтилишича, ўтган асрнинг 80-йилларида ёзувчи қўлига ДОСААФ нашриётида 1979 йилда босилган итлар ҳақидаги китоб тушиб қолади. Унда И.Духновскийнинг "Итларга қандай лақаб қўйиш керак" номли мақоласи ҳам бўлиб, мақола муаллифи Алишер, Нодира, Умар каби бир қанча номларни итларнинг лақаби сифатида келтиради. Ў.Ҳошимов бунга жавобан "Дўстлик ҳурматдан бошланади" номли мақола ёзади ва унинг бир нусхасини ДОСААФ нашриётига юборади. У ердан ҳеч қандай жавоб келмайди. Мақола эса республикамиз газетасида нашр қилинади, ёзувчи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг китобига киритилади. Орадан бир неча йил ўтгач, ёзувчи бир қишлоққа меҳмонга бориб, қуйидаги воқеага гувоҳ бўлади: *"Турфа хил мевалар гарқ пишиб ётган кенг саҳнли ҳовлига киришимиз билан этак томондаги молхона девори тагида ётган, қулоқ-думи кесилган ит важоҳатли акиллаб қолди. Мезбон итга ҳайқирди: "Ёт, Духновский! Ўчир овозингни, Духновский!" Ит норози алфозда гингшиб, нари кетди.*

Беихтиёр кулиб юбордим... "Бунақа лақабни қаердан олдингиз?" десам, "сизнинг китобингиздан", деди. Мезбоннинг айтишича, шу қишлоқнинг ўзида олтита "Духновский" бор экан!

Итбозга кўрсатилган "эҳтиром"дан хурсанд бўлдим...". (Ў.Ҳошимов. "Итбозга "эҳтиром")

Шуни таъкидлаш лозимки, прецедент номлар муайян миллат вакилларининг миллий менталитети билан боғлиқ бўлиши билан бирга универсал характерда ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, ўзбек ўқувчиси Напалеон, Буратино, Чарли Чаплин, Отелло, Юрий Гагарин, Колумб, Дон Жуан, Робинзон Крузо каби номлар иштирок этган матнлар мазмунини ҳеч бир қийинчиликсиз қабул қилаверади.

Прецедент номларнинг бадиий матндаги муҳим психолингвистик хусусияти шундан иборатки, улар матн ўқувчиси онгида номатний маъно, яъни матнга доир, лекин унинг вербал тузилишига кирмаган қўшимча маълумотлар[1] актуаллашувини тақозо этади. Ўқувчи бунда номатний маънонинг матннинг прагматик тузилишидаги аҳамиятини ҳам билиши муҳимдир.

Прецедент бирликлар ҳисобланувчи прецедент жумлалар ҳам тил эгалари лисоний хотирасида сақланувчи бирликлар бўлиб, уларга барқарор бирикмалар (фразеологизм, турғун ўхшатиш ва метафоралар, нутқий этикетлар, қарғиш ва дуолар) киради. Айрим ишларда прецедент жумлалар қанотли сўзлар, логоэпистемалар деб ҳам юритилган[2].

Кузатишларимизга кўра, прецедент жумлалар айниқса сўзлашув услубида жуда кўп қўлланилади. Хусусан, кинофильм қаҳрамонлари тилидан айтилган айрим гаплар ёки қўшиқ сатрлари кишилар ўртасида тез машҳур бўлиб кетади. Бундай жумлаларни

---

[1] Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Фарғона, 2004.

[2] Арбузова В.Ю. Прецедентность в русском языке как лингвистический и культурный феномен на материале научных и эпистолярных текстов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Елец, 2007. – С. 8; Канаева Е.Н. Текстовые функции логоэпистемы: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2007. – С. 4.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тил эгалари ўз нутқий вазиятига мослаган ҳолда ишлатади. Сўров натижасида қуйидаги прецедент жумлалар бугунги кунда кўп қўлланиши аниқланди: *Онамдан қолган тошойна қани?*! ("Учрашув" фильмидан); *Ўнта қўй нима бўлади?* ("Маҳаллада дув-дув гап" фильмидан); *Отамни уйлантираман деяпти* ("Чинор остидаги дуэль" фильмидан); *Сиз ўшами?* ("Ўтган кунлар" фильмидан), *Шпионлар ҳақида суҳбатлашяпмиз* ("Келинлар қўзғолони" фильмидан).

Маълумки, ўзбекларда дафндан сўнг "Марҳум қандай одам эди? деб сўраш одат тусига кирган. Ў.Ҳошимов ушбу прецедент жумла асосида қуйидаги матнни яратган:

Умрида бировга яхшилик қилмаган, аксинча, ҳамманинг дилини огритган баттол бир одам бандаликни бажо келтирибди.

Одатдаги савол ўртага тушибди.

– Фалончи қандай одам эди?

Ҳеч кимдан садо чиқмабди. Савол тагин такрорланибди:

– Бародарлар, фалончи қанақа одам эди?

Яна узоқ сукунат чўкибди. Ниҳоят, шу маҳаллада яшайдиган тиш дўхтири ўртага чиқибди.

– Ҳамма тишлари бутун эди, – дебди... Ўзбекнинг галати донишмандлиги бор (Ў.Ҳошимов. "Таомил").

Матндан кўринадики, "Яхши одам эди" ўрнида қўлланган "Ҳамма тишлари бутун эди" жумласи орқали ёзувчи ўзбек менталитетининг бир қиррасини очиб бера олган.

Келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, ўзбек тили эгалари лисоний онгида мавжуд бўлган прецедент бирликлар тил тизимида ҳам ўзига хос микротизимни юзага келтирган. Миллий онг, миллий менталитет ва ўзбек лисоний онги билан боғлиқ ушбу бирликлар янги тадқиқотлар учун қизиқарли ва бой материаллар бериши шубҳасиздир.

4.2. Лингвомаданий бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни

4.2.1. Ўхшатиш мазмунли матнлар

Замонавий тадқиқотларда ўхшатишларнинг лингвокультурологик ҳамда этнолингвистик жиҳатларига катта эътибор берилмоқда. "Лингвокультурология" китобининг муаллифи В.А.Маслова ўхшатишларда муайян халқнинг миллий дунёқараши акс этишини

www.ziyouz.com kutubxonasi

таъкидлаб, бу фикрини рус, белорус ва қирғиз тилида қўлланувчи ўхшатиш қурилмалари таҳлили асосида далиллайди. Унинг фикрига кўра, *глаза блестящие, как Иссык-Куль, стройный, как марал, сильный, как Манас* каби қурилмалар қирғиз халқининг миллий дунёқарашини акс эттиради[1].

В.А.Маслова, шунингдек, муайян халқнинг образли тафаккур тарзи хусусан ўша халқ тилида қўлланувчи ўхшатишларда ҳам яққол намоён бўлишини таъкидлайди[2]. Олиманинг бу фикрини ўзбек тилидаги турғун ўхшатишлар ҳам тасдиқлайди. "Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати" учун йиғилган материаллар шундан далолат берадики, халқнинг муайян предмет, белги, ҳаракат-ҳолатга муносабати, ассоциатив фикрлаш тарзи ўхшатишларда ҳам намоён бўлади.

Жумладан, буни ўзбек тилидаги инсон ҳақидаги ўхшатишларда ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбек тилидаги инсон ҳақидаги турғун ўхшатишларни қуйидаги маъновий гуруҳларга тасниф қилиш мумкин.

1. Инсон аъзолари билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар: алифдек / сарвдек / самбитдек / шамшоддек тик қомат, ангишвонадек кичкина оғиз, анордай қизил юз, бургутникидай ўткир кўз, гилосдай қизил лаб, гуручдай оппоқ, майда тиш, зулукдек қора қош, ипдай ингичка қош, кулчадек юмалоқ юз, тундай қора соч, чўмичдай катта бурун.

2. Инсоннинг ташқи кўриниши билан боғлиқ ўхшатишлар: азроилдай хунук, бўрдоқидай / мешдай семиз, девдай баҳайбат, занжидек қоп-қора, ниҳолдай нозик, ойдай гўзал, суқсурдай чиройли, теракдай новча, чигирткадай / арвоҳдай / косовдай / чўпдай озғин.

3. Инсоннинг жисмоний хусусияти билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар: аждарҳодай кучли, айиқдай бақувват, алпдай паҳлавон, гулдай нафис.

4. Инсоннинг овози билан боғлиқ ўхшатишлар: айиқдай / шердай / арслондай / туядай бўкирмоқ, наъра тортмоқ, бўридай увулламоқ, момақалдироқдай гумбурламоқ, қўнғироқдай жарангдор.

5. Инсон нутқи билан боғлиқ ўхшатишлар: автоматдай гапирмоқ, беданадай сайрамоқ, булбулдай сайрамоқ, итдай қопмоқ, итдай ирилламоқ, чумчуқдек чирқилламоқ.

6. Инсоннинг характери билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар: бир қоп ёнғоқдай шалдир-шулдир, авлиёдай бегуноҳ, аммамнинг

---

[1] Маслова В.А. Человек в зеркале сравнения // htti:/ www gumer. Info / biblioter – Burs / Linguist / maslova / 06 / php.

[2] Маслова В.А. Кўрсатилган асар. – Б,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бузоғидек бўш, ипакдай мулойим, итдай садоқатли, молдай бефаҳм, мусичадай беозор, сутдай оқ, таёқдай тўғри, тулкидай айёр, эшакдай қайсар, қўйдай ювош.

7. Инсоннинг ҳолати билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар: бақадай / шамдай / ҳайкалдай / тошдай қотмоқ, безгак тутгандай қалтирамоқ, ёш боладай қувонмоқ, докадай / девордай / бўздай оқармоқ, тилла топган гадойдай севинмоқ, тўрвасини йўқотган гадойдай талмовсирамоқ, етимчадек мунғаймоқ, ёғдай эримоқ, игна устида ўтиргандай бетоқат, илондай тўлғанмоқ, куйдирган каллдай тиржаймоқ, лавлагидай / шолғомдай қизармоқ, сувга тушган бўлка нондек бўшашмоқ.

8. Инсоннинг хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар: елимдай ёпишмоқ, еб қўйгудай қарамоқ, ёв қувгандай югурмоқ, итдай / девдай / эшакдай / молдай / қулдай ишламоқ, оч калхатдай ёпирилмоқ, кўз қорачиғидай асрамоқ, маймундай / эчкидай сакрамоқ, молдай / итдай / чўчқадай / ҳўкиздай ичмоқ, тошбақадай судралмоқ, ўқдек отилиб чиқмоқ

Ўзбек тилидаги инсон билан боғлиқ ўхшатишлар шуни кўрсатадики, уларда инсоннинг ҳолати ва ҳаракатини ифодаловчи ўхшатишлар миқдори бошқа маъновий гуруҳдаги ўхшатишларга нисбатан кўп. Кейинги ўринда эса инсон аъзоларини ифодаловчи ўхшатишлар туради. Демак, бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ўзбек тилида сўзлашувчи тил эгалари кўпроқ инсоннинг ҳаракат-ҳолатини образли тарзда ифодалайди.

Ўхшатиш учун эталон сифатида танланган сўзлар ҳам ўзбек тилининг лингвокультурологик хусусиятларини кўрсатувчи тил бирлигидир.

Инсоннинг характери ва хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлган ўхшатишларда ўзбек тилида сўзлашувчи тил эгаларининг эталон сифатида турли ҳайвон ва жониворларни билдирувчи сўзлардан кўпроқ фойдаланганлиги маълум бўлади. Масалан: итдай садоқатли, молдай бефаҳм, мусичадай беозор, эшакдай қайсар, қўйдай ювош (характер билан боғлиқ ўхшатишлар); итдай ишламоқ, эчкидай сакрамоқ, тошбақадай судралмоқ, илондай чақмоқ, булбулдай сайрамоқ (ҳаракат билан боғлиқ ўхшатишлар). Ўзбек тилида ўсимлик ва мева номларининг ўхшатиш эталони сифатида қўлланиши ҳам кўп учрайди. Бундай ўхшатиш эталонларига *самбит, шамшод, сарв, терак, лавлаги, шолғом, гилос, олма, ёнғоқ* каби сўзларни мисол сифатида келтириш мумкин. Ҳайвонни бил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дирувчи сўзларнинг ўхшатиш эталони сифатида қўлланиши шахснинг субъектив муносабатини билдириш ҳаракати билан боғлиқ эканлиги яққол сезилади. Масалан, *ит* сўзи эталон бўлиб келган ўхшатишлар сони ўндан ортиқ бўлиб, уларнинг барчаси инсонга нисбатан қўлланган. *Илон* эталони ҳам шундай хусусиятга эга.

В.Маслова ўхшатишларнинг антропоцентрик жиҳатларига алоҳида эътибор бериб шундай деб ёзган эди: "Ўхшатилаётган объектларнинг бир-биридан узоқ бўлган турли доираларга мансуб эканлиги ўзида бир-бирини тақозо этувчи қўшимча ассоциацияларнинг бутун бошли занжирини намоён этади, улар ахборотнинг тўлақонли бўлишини таъминлаши билан бирга таъсирчанликни ҳам кучайтиради; ўзаро ўхшатилаётган объектлар воқеликда бир-биридан қанча узоқ бўлса, улардаги таъсирчанлик шунча ёркинлаша боради. Ўхшатишларнинг эвристик вазифаси яна шунда кўринадики, улар дунё реалияларини чуқурроқ ва кенгроқ билиб олишга, уларнинг турли ва кўпинча кутилмаган қирраларини англаб олишга имкон беради"[1].

Умуман, ўхшатишлар лингвокультурологияга оид адабиётларда метафора, метонимия, мақол ва иборалар каби тилнинг лингвомаданий бойлиги сифатида эътироф этилади[2]. Бу каби маданий бирликлар ўзида бирор этносга хос менталликни, шунингдек реал воқеликни лисон воситасида ифодалаш даражасини кўрсатувчи далил ҳамдир. Улар ўзида халқнинг ижтимоий, маънавий жиҳатдан ривожланишини ҳам кўрсатади.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида ўхшатишнинг семантик-синтактик, прагматик ва услубий жиҳатлари бир қатор ишларнинг тадқиқ объекти бўлган[3]. Уларда асосан бирикма ёки гап шаклидаги ўхшатиш қурилмалари тадқиқ этилган.

---

[1] Маслова В.А. Человек в зеркале сравнения // htti:/ www gumer. Info / biblioter – Burs / Linguist / maslova / 06 / php.

[2] Қаранг: Воробьев В.В. Лингвокультурология: теория и методы. – М., 1997; Маслова В.А. Лингвокультурология. –М.: Academia, 2001; Красных В.В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология. – М., 2002; Иванова С.В. Лингвокультурологический аспект исследования языковых единиц: Дисс. ... д-ра филол. наук. – Уфа, 2003.

[3] Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент, 1978; Махмудов Н.М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1984. – 259 с.; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – 3-сон. – Б. 23; Худайберганова Д. Семантический и стилистический анализ конструкций уподобления в узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1989.; Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 26.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўхшатиш қурилмаларининг матн яратилишидаги ўрни, унинг мазмуний таркибига таъсири, прагматик хусусиятлари эса шу вақтга қадар алоҳида ўрганилган эмас. Ўхшатиш мазмуни ифодаланган матнларни таҳлил этиш натижасида айтиш мумкинки, уларни ўхшатишнинг матн референциясига муносабатига кўра қуйидаги икки турга ажратиш ўринлидир: 1. Таркибидаги жумларда ўхшатиш қурилмаси мавжуд бўлган матнлар. 2. Матн мазмунидан ўхшатиш муносабати англашилувчи матнлар.

Биринчи турдаги матнларда ўхшатиш мазмуни фақат матн таркибидаги муайян гап семантикасидан англашилиб, бу мазкур гапдан аввал ёки кейин жойлашган жумлалар семантикасига таъсир этмайди. Мисол сифатида О.Ёқубовнинг "Кўҳна дунё" романидан олинган қуйидаги микроматнни келтирамиз: *"Бўй-басти келишган, мўйлови эндигина сабза ура бошлаган,* ***тол чивиқдай нозик*** *бу* ***йигитчада*** *ўз элининг ҳамма фазилатлари – мулойимлиги, меҳнатсеварлиги, камтарлиги юз фоиз мужассам. Беруний у билан бир лаҳза суҳбат қурса гўё Ҳиндистонга қайтиб боргандай, босиб ўтган йўлларию кезган шаҳарларида қайта кезиб юргандай бўлади. Шунда юрагининг бир бурдаси ўша улуг маконда қолганини, бу маконнинг заҳматкаш, мўмин-мулойим халқи эса худди ўз элдошларидай қадрдон бўлиб қолганини сезади".*

Кўринадики, ушбу матнни ташкил этган гаплар дейктик бирлик бўлган *у* олмоши орқали когерентликка эга бўлган, лекин матннинг биринчи жумласида қўлланган *тол чивиқдай нозик йигит* ўхшатиш қурилмаси матннинг умумий семантикасига жиддий таъсир этмаган.

Маълумки, ўхшатиш мазмуни матн таркибида гаплар орқали ҳам ифодаланиши мумкин: *Саҳронинг багри ёмгирга ташна бўлганидек, - деди Султонмурод қўлларини ҳаракатга солиб, – кўҳна Хуросоннинг эли адолат ва фазилат қуёшига ташнадир.* (Ойбек. "Навоий" романи)

Ўхшатишга асосланган матнларда эса микроматн макропропозицияси мотивацион жиҳатдан ўхшатишга асосланган бўлиб, ўхшатиш мазмуни матн ҳудуди бўйлаб тарқалган бўлади. Маълумки, ўхшатиш қурилмалари тўрт компонентдан: ўхшатиш субъекти, ўхшатиш эталони, ўхшатиш асоси ва ўхшатиш воситасидан ташкил топади. Ўхшатишга асосланган матнларда ҳам мана шу компонентлар мавжуд бўлади. Лекин уларнинг ўхшатиш қурилмасидан фарқи шундаки, ўхшатиш асоси, яъни икки объектни ўзаро ўхшатиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун асос бўлган референт бундай матнларда сўз орқали эмас, балки жумлалар орқали воқе бўлади. Масалан: *Кимдир каттароқ асарни ёзиб тугатган адибни ели чиқиб кетган пуфакка ўхшатган экан. Ҳақиқатан, йигилган ҳаётий материал, кўрган-кечирганлар, ўйлаган ўйлар – ҳаммаси шу катта асарга сарф бўлади-ю, қалби бўм-бўш бўлиб қолади киши.* (О.Ёқубов. "Фарзандлар бурчи" этюди)

Ўхшатиш мазмуни ифодаланган матнларни яратишда матн тузувчи турли коммуникатив стратегияларни қўллаши мумкин. Тадқиқ жараёнида бундай матнларнинг қуйидаги турлари ўзбек насрида энг кўп қўлланиши аниқланди.

1. Матн тузувчи матн референтини бирор нарсага ўхшатади, сўнг ўхшаётган нарсага хос белгиларни ифодалайди. Матн охирида эса мазкур белги натижасида содир бўлувчи воқеа-ҳодисани ифодаловчи пропозиция ифодаси келтирилади. Масалан: *Илк муҳаббат баҳор осмонидаги булутга ўхшайди. Оппоқ. Покиза. Шаффоф... На қўлингиз билан тутасиз. На ортидан югуриб етасиз... Шамол уни қаёққа олиб кетишини ҳам билмайсиз... Биринчи муҳаббатнинг кўпинча натижасиз тугаши балки шундандир...* (Ў.Ҳошимов. "Дафтар ҳошиясидаги битиклар")

Бу каби матнлар перцепцияси ўқувчидан ўхшатишга асос бўлган белгиларни ҳам ўхшатилаётган, ҳам ўхшаётган референтга хос белги сифатида идрок этишни тақозо қилади. Қуйидаги матнга эътибор беринг: *Ҳақиқат ҳавога ўхшайди. Рангини кўрмайсиз. Овозини эшитмайсиз. Ҳидини билмайсиз... Аммо бир лаҳза ҳавосиз қолсангиз, бўгилиб кетасиз. Китоб ҳам шундай. Ёлғонга дуч келган китобхон бўгилиб кетади* (Ў.Ҳошимов. "Дафтар ҳошиясидаги битиклар")

Ушбу матн таркибидаги *рангини кўрмайсиз, овозини эшитмайсиз, ҳидини билмайсиз* пропозициялари бир вақтнинг ўзида ҳам *ҳақиқат*, ҳам *ҳаво* референтларининг белгиси сифатида қабул қилинади.

2. Матн тузувчи икки предмет ёки воқеа-ҳодисани ўзаро ўхшатади, матннинг кейинги жумлаларида биринчи жумлада қўлланган референтлардан бирини матн фокусига айлантиради: *Ҳақгўй қоронгида чироқ кўтариб бораётган одамга ўхшайди. Унинг чироғи оламни мунаввар қилмаслиги мумкин. Бироқ дилларга далда беради, умид уйғотади... Ҳақгўй олис – яқиндан кўриниб туриши – шундан.*

Афсуски, чироқ кўтарган одам кўп қоқилади... (Ў.Ҳошимов. "Дафтар ҳошиясидаги битиклар")

www.ziyouz.com kutubxonasi

Келтирилган микроматннинг биринчи жумласида қўлланган *чироқ* сўзи матннинг кейинги жумлаларини мазмуний томондан боғловчи компонент вазифасини бажарган. Бунда матн тузувчи *чироқ* сўзи орқали *ҳақиқат* референтига ишора қилиб, 2- ва 3-жумлаларга импликатив ахборотни жойлаштирган.

3. Ўхшатиш мазмуни ифодаланган матнларга хос бир жиҳат шундаки, уларнинг таркибида қўлланган ўхшатиш қурилмаси матннинг метафорик мазмун касб этишига олиб келади. Бунга матн тузувчининг ўхшатиш учун асос бўлган бирликни дастлаб ўз маъносида, кейин эса кўчма маънода қўллаши сабаб бўлади. Қуйидаги матнларга эътибор беринг: *Келинчак ўз эрини мураккаб ва сийқа бир китобни ўқиётгандай машаққат билан баъзан адашиб, гумонсираб, рашк қилиб* ***ўқирди****. Бироқ охир-оқибатда ҳаммасига қўл силтаб лоқайд ва бепарво бўлиб қоларди: эрини энди истамай, безиллаб, бундан ҳам бешбаттар юраги совиб кетишидан қўрқиб, хижил ва ланжлик билан* ***ўқирди*** (Н.Эшонқул. "Очилмаган эшик" ҳикояси)

"Инсон ҳаёти шатранж тахтасидаги пиёданинг юришига ўхшайди... Гоҳ ***оқ катакдан*** *ўтади, гоҳ* ***қора катакдан****... Фарқи шуки, бировнинг қисматида* ***оқ катаклар*** *кўпроқ бўлади, бировникида –* ***қора катаклар****...* (Ў.Ҳошимов. "Дафтар ҳошиясидаги битиклар")

Кўринадики, 1-микроматндаги *ўқимоқ*, 2-микроматндаги *оқ катаклар, қора катаклар* ифодали бирликларнинг матн ниҳоясида метафорик маъно касб этиши матнда эмотив модалликнинг юзага келишини таъминлаган. Лисоний воситаларнинг бу тахлит "ҳамкорлиги" ҳақида С.Боймирзаева шундай деб ёзади: "Дарҳақиқат, матнда тавсифий бирликлар (эпитет, ўхшатиш) ягона бир майдонга бирикиб, етакчи (доминант) маъно касб этади ва шу йўсинда эмотив модаллик мазмуни ифодаланади"[1].

4. Ўхшатиш мазмунли матнларнинг навбатдаги турида ўхшатиш қурилмаси семантикаси метафорик маъно турларидан бири бўлган персонификацияга асосланади. Профессор М.Миртожиев: "Метафоранинг бу кўринишида ҳам сўзнинг лексик маъно референти ҳосила маъно референти билан сиртқи белги, ҳаракат ёки ҳолат хусусияти вазифаси кабилар доирасида ўхшаш бўлаверади. Аммо бу ўхшашлик ҳосила маъно референтига жонли ҳолат бахш этиш орқали юзага чиқади", – деб таъкидлаган эди[2]. М.Миртожиевнинг

[1] Боймирзаева С. Матн модаллиги. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 96.

[2] Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б. 98.

www.ziyouz.com kutubxonasi

мазкур фикри сўз-метафораларга оиддир. Матн-метафораларга нисбатан "ҳосила маъно референти" ифодасини қўллаш ножоиз: матн-метафораларда ҳосила маъно референти ҳақида эмас, балки ўхшатиш семантикаси таъсирида юзага келган метафорик мазмун ҳақида гапириш ўринлидир. Қуйидаги микроматн яратилишида айни шу жараён рўй берганини билиш мумкин:

Султон ўрнидан туриб, сувсар мўйнали оқ пўстинни ўз қўли билан сайёҳга кийгизди.

Ҳар томондан ҳар хил ***овозлар қушлардай учиб келдилар:***

– Қуллуқ бўлсин!

– Буюрсин!

– Султонимизга офарин!

– Қуллуқ султонимизга, қуллуқ!

Султон қўли билан ишора қилиб, гала-гала овозларни ортларига қайтариб юборди. Улар учишга пайт пойлаб, инларига қайта қўнишди. (Ш.Бўтаев. "Ҳисомиддин ал-Ёғий" ҳикояси)

Кўринадики, ушбу микроматн яратилишига ОВОЗЛАР БУ – ҚУШЛАР когнитив метафораси асос бўлган, яъни ҳар томондан эшитилган овозлар ҳар тарафдан бирма-бир учиб келиб, бир манзилга қўнаётган қушларга ўхшатилган. Бу эса матн референтларига жонли ҳолат бахш этиб, тасвирийликнинг юзага келишини таъминлаган.

Қуйидаги матнда ҳам "сарғая бошлаган ғўзалар"нинг "титраб турган келинчак"ка ўхшатилиши персонификация ҳодисасининг матн даражасида намоён бўлишига сабаб бўлган: *Аламли, шапалоқдай-шапалоқдай юзлари сарғая бошлаган,* ***маҳзун туришлари*** *ва* ***мунгли қарашлари*** *билан шарқ аёлларига ўхшаб кетадиган, келинчакдек титраб турган бу ғўзалар* ***нелар демоқда****?! Нега улар бунчалик* ***безовта****, бунчалик* ***руҳсиз****, бунчалик* ***сўлгин?*** (Н.Эшонқул. "Момоқўшиқ" қиссаси)

5. Ўхшатиш мазмунли матнларнинг навбатдаги турида персонификация ҳодисасининг аксини кўриш мумкин. Масалан, Н.Эшонқулнинг "Момоқўшиқ" қиссасидан олинган қуйидаги микроматнда аёл ҳақида *дилбар бир шеърнинг гўзал сатрига ўхшайди* деб ёзилади. Матн ниҳоясида эса *гўзал сатр* бирикмаси, *аёл* референти ўрнида қўлланиб, мажозий маънога эга бўлган:

"Йўқ, бу аёл ҳаммасидан ҳам дилбар бир шеърнинг гўзал сатрига ўхшайди – бу ерлардан қачонлардир қандайдир даҳо шоир ўтгану, уни мулку фалак билан боғлаб турадиган учқур хаёллари ва мўъжизалар

www.ziyouz.com kutubxonasi

яратувчи тилидан тупроғи жизғинак бўлиб ётган саҳрои-биёбонга ***бу гўзал сатр*** *бир томчи кўзёш янглиг сиргалиб тушиб қолган. Ой эса шу гўзал сатрни излаб юрган ул шоирнинг ёниқ хотирасидир.* (Н.Эшонқул. "Момоқўшиқ" қиссаси)

Кузатишлар натижасида айтиш мумкинки, ўхшатиш мазмунини ифодаловчи бу каби матнлар ўз композицион тузилишига кўра бадиий услубда яратилувчи матнларнинг типик кўринишларига айланган. Буни бир турдаги матнларнинг кўплаб насрнавислар ижодида қўлланганлиги кўрсатиб турибди.

Ўхшатиш мазмуни ифодаланган матнлар ўзбек тилида сўзлашувчи тил эгаларининг ижодий тафаккури, фикрлаш тарзи ва миллий менталитетининг ўзига хослигини, шунингдек, тилнинг яратувчанлик имкониятини кўрсатувчи лингвомаданий бирлик сифатида намоён бўлади. Шунингдек, бу каби матнлар семантикаси ўхшатиш муносабати нафақат сўз бирикмалари ёки гаплар, балки микроматнлар орқали ҳам воқе бўлишини кўрсатади. Бу эса айни ҳодисани кенгроқ тушуниш ва янада чуқур таҳлил қилишни тақозо этади.

4.2.2. Метафораларнинг матн яратилишидаги роли

Лингвокультурологияга оид адабиётларда метафоралар тилнинг асосий лингвомаданий бирликлари ҳисобланган мақоллар, иборалар, ўхшатишлар билан бир қаторга қўйилади[1]. Лингвокультурология ҳамда когнитив тилшунослик бўйича тадқиқотлар олиб борган В.А.Маслованинг фикрича, метафора ўзида "... фундаментал маданий қадриятларни акс эттиради, зеро, у миллий-маданий дунёқарашга асосланган дир"[2].

Ўзбек ёзувчилари томонидан яратилган насрий асарларда қўлланган бадиий метафораларни кузатиш асосида шуни айтиш мумкинки, улар муайян ижодкорнинг индивидуал нутқий услубига хос жиҳатларни кўрсатиши билан бирга ўзбек миллатига мансуб тил эгаларининг бадиий тафаккури, тил бирликларига бўлган муносабатини ҳам намоён этади. Ўзбек адабий тилида қўлланиб келган кўплаб метафоралар лисоний бойлигимизга айланган. Уларни тўплаб, лексикографик жиҳатдан тавсиф этиш тилшунослигимизнинг навбатдаги вазифаларидан биридир. Метафора тадқиқига оид

---

[1] Қаранг: Маслова В.А. Лингвокультурология. Учеб. пособие. – М.: Academia, 2001.

[2] Маслова В.А. Кўрсатилган асар. – Б. 91.

www.ziyouz.com kutubxonasi

яна бир масала борки, у ҳам бўлса бу ҳодисанинг матн билан боғлиқ жиҳатларини ўрганишдир.

Метафоранинг матнда воқеланишига турли жиҳатлардан ёндашиш мумкин. Ўзбек тилшунослигида метафоралар назарий ҳамда лингвопоэтиик жиҳатдан тадқиқ этилган ишлар мавжуд[1]. Уларда тадқиқотчилар асосан сўз-метафоралар ҳақида фикр юритганлар. Метафора қўлланган матнлар шуни кўрсатадики, уларда нафақат тушунча, балки муайян вазият ифодаси ҳам метафорага асосланиши мумкин. Шу боисдан метафораларни сўз, сўз бирикмаси, гап, матн шаклидаги метафоралар сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнингча, бу ҳодисани тадқиқ этишда аввало когнитив (концептуал) ҳамда лингвистик метафораларни фарқлаш лозим. Когнитив метафораларни ўрганиш унга семантик ёндашувни тақозо этса, лингвистик метафоралар тадқиқи лисоний материалга лингвокультурология ва функционализм нуқтаи назари билан ёндашишни талаб этади.

Маълумки, тил ташқи оламга маъно орқали боғланади. Тил белгилари ортида турувчи ҳодисаларни ўрганиш инсон когнитив фаолияти ва нутқий фаолият алоқасини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўхшатиш ва қиёс, кўплаб тадқиқотчилар эътироф этганидек, инсон тафаккурида энг кўп қўлланувчи усуллардан бўлиб, унинг вербал ифодаси тил номинациясининг серқирра ҳодиса эканлигини кўрсатади. Хусусан, концептуал метафоранинг вербал босқичга ўтиши ўзида мураккаб когнитив-семантик жараённи намоён этади. "Метафорада ёлғон ва ҳақиқат ўзаро бирлашади... Метафора нафақат қисқарган ўхшатиш, шу билан бирга қисқарган қарама-қаршилик ҳамдир", – деб ёзади Н.Д.Арутюнова[2].

Дарҳақиқат, метафорик маънода қўлланган сўз ўзида икки хил тушунчанинг қиёси билан бирга уларнинг ўзаро қарама-қаршилигини ҳам намоён этади.

Метафораларнинг матн яратилишидаги ўрнини тадқиқ этишда, бизнингча, аввало метафорик маъноли сўз ёки жумланинг микроматн референциясига муносабатини ўрганиш лозим. Бундай матнларни тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, метафорик маъноли бирлик матн таркибида асосан қуйидаги ҳолатларда воқе бўлади:

---

[1] Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент, 2010. – Б. 94–100; 144-151.

[2] Қаранг: Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс / Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С. 5–32.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1) тушунча ифодаси сифатида;
2) вазият ифодаси сифатида;
3) вазиятлар йиғиндиси ифодаси сифатида.

Метафора тушунчани ифодалаб келганида матн таркибида сўз ёки сўз бирикмаси сифатида реаллашади. Маълумки, сўз-метафора матнда қўлланган бирор жумла таркибидаги предмет, белги ёки ҳаракат-ҳолат денотатининг бошқа бир предмет, белги ёки ҳаракат-ҳолат денотати билан қиёсий муносабатини имплицит тарзда ифодалайди. Шу боисдан сўз-метафораларнинг аксарияти ўхшатиш қурилмасининг қисқарган шакли эканлиги кўплаб тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Сўз-метафоралар ўзи иштирок этган гапда образлиликни юзага келтирса-да, матннинг умумий семантикасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмайди.

Сўз шаклидаги метафораларнинг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятлари тилшунослигимизда етарли даражада ўрганилган, дейиш мумкин. Уларнинг психолингвистик ва когнитив жиҳатлари эса ўз тадқиқини кутмоқда. Сўз – метафоралар асосан ҳаракат ва белги билдирувчи сўзлар семантикасидан англашилиб, ўзида қиёсланаётган предмет, ҳодиса ҳақидаги тушунчани имплицит тарзда ифодалайди. Масалан: *Гапи узилиб қолди; Гапи чўзилиб кетди; Гапни улаб юборди* каби жумлалардаги кўчма маънода қўлланган феъл ўз семантикасида матн тузувчининг гапни ип, арқон каби предметларга ўхшатганлигини намоён қилади. Қуйида шу каби сўз-метафораларга мисоллар келтирамиз.

ҲИССИЁТ БУ – РАҚИБ

У бирдан ***ёпирилиб келган*** *бу туйгуни зўрга* ***енгиб****, саройбонга "дарвозани қоқ",деб имо қилди* (О.Ёқубов. "Улуғбек хазинаси" романи). *У бир дақиқагина иккиланди, кўнглидаги галаён билан бир сониягина* ***олишди*** (О.Ёқубов. "Улуғбек хазинаси" романи). *Тўсатдан вужудини қамраган оналик меҳри* ***голиб келиб****, тортган азоби ҳам эсидан чиқди* (П.Турсун. "Ўқитувчи" романи).

Мисоллардан кўринадики, матнларда метафорик маънода қўлланган сўзлар матн яратувчининг ҳиссиётни рақиб сифатида тасаввур қилганлигидан далолат беради. Ўзбек тилида ҳиссиёт тушунчасининг шам, чўғ, олов каби ёнувчи нарсаларга ҳам қиёсланиши қуйидаги метафораларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

ҲИССИЁТ БУ – ЁНУВЧИ НАРСА

Қаландар эса... кўнглида Мирзо Улуғбек ҳазратларига ҳеч бир гина-кудурати йўқ. Бильакс, юрагининг бир четида ҳамон илиқ ҳислар

www.ziyouz.com kutubxonasi

милтираб туради (О.Ёқубов. "Улуғбек хазинаси" романи). *Ўзбек ойимнинг газаби тагин ҳам* ***аланга олди:*** *сўзимни эшитасанми, кар?* (А.Қодирий. "Ўтган кунлар" романи). *Юракдаги исёнкор туйғулар аста-секин* ***сўниб,*** *хаёлини аллақандай маъюс ўйлар банд этди* (О.Ёқубов. "Эр бошига иш тушса" романи).

Сўз бирикмаси шаклида воқеланган метафоралар насрий асарларда кўп қўлланилади. Бундай метафоралар микроматн таркибида асосан матн референтларини ифодалайди. Улар кўп ҳолларда қаратқичли бирикма сифатида реаллашади: *умр баҳори, бахт остонаси, ҳаёт шароби, бахт қуши* каби. Бу каби бирикмалар бир хил грамматик шаклга эга бўлса-да, уларни ташкил этган элементлар ўртасида икки хил мазмуний муносабатни кузатиш мумкин: 1) метафорик мазмунли бирикма элементлари ўзаро ўхшатиш муносабатида бўлади. Лекин бундай ўхшатиш имплицит характерда бўлиб, бирикманинг ички семантикасига хосдир. Масалан, Н.Эшонқулнинг "Тун панжаралари" номли қиссасидан олинган қуйидаги микроматнда қўлланган метафорик бирикмалар айнан шу ҳодисага мисол бўлади: *"... Сен нега мени бу хилватга, бу зулматга ташлаб кетдинг? Нега қалбимдаги* ***имон чироқларини*** *ўчирдинг? Ахир сендан буни кутмагандим-ку? Мана шу кичкина кўримсиз юрагимда* ***муҳаббатинг кемалари*** *сузиб юрарди-ку? Сен нега мени* ***ёлғизликнинг йиртқич қузгунларига*** *ташлаб кетдинг? <... > Нега мени* ***умидсизликнинг оқ айиқларига*** *ем қилиб ташлаб кетдинг?*

Бу тарздаги бирикмалар асосан нутқий характерда бўлиб, боғли маъно асосида юзага келади. Матн тузувчи улардан мавҳум тушунчаларни предметлаштириш, жонлантириш, тасвирий ифодани юзага келтириш мақсадида фойдаланади;

2) бирикма-метафораларнинг яна бир турида сўз бирикмасининг ҳар иккала элементи алоҳида денотатлар ифодаси сифатида воқеланади. Масалан, *имон чироқлари, муҳаббат кемаси, ёлғизлик қузгунлари* каби бирикмалар мантиқан бир тушунчани ифодаласа, *умр баҳори, ҳаёт шароби, илм-фан чўққилари* каби бирикмалардаги ҳар бир элемент муайян денотатнинг номи бўлиб келган.

Бирикма-метафоралар матн таркибида икки хил вазифани бажариб келади: 1. Матн референтларини прагматик мақсадга кўра қайта номлайди. 2. Матн макропропозицияси шаклланиши учун асос бўлади.

Биринчи ҳолатда бирикма-метафора матн таркибидаги бирор жумла таркибида келади. Бунда матн референтининг кўчим асосида

www.ziyouz.com kutubxonasi

ифодаланиши гап пропозициясининг ҳам метафорик характер касб этишига сабаб бўлади: *Ҳиммат ва гайратни асло қўлдан берманг, - деди Навоий суюниб. -- Эл, улус сиздек зотларга гоят муҳтождир.* ***Илм дарахтини*** *яхши* ***парвариш этиб,*** *юрт тупрогига чуқур* ***томир ёйдирмогимиз*** *ва ундан* ***мўл ҳосил олмогимиз*** *керак* (Ойбек. "Навоий" романи). Микроматндан кўринадики, илмнинг дарахтга қиёсланиши жумла таркибидаги предикатларнинг ҳам кўчма маъноли сўзлар воситасида ифодаланишини тақозо этган, бу эса унда ифодаланган пропозицияларнинг образлилик касб этишига олиб келган.

Иккинчи ҳолатда эса матн субъектининг кўчим асосида ифодаланиши матн семантикасиининг шаклланишида асос бўлади. Қуйидаги матнга эътибор беринг: *"О, ўлмас* ***қўшиқ кемаси****! Суз, сузавер! Ул олис диёрлардан менга томон сузиб кел, менинг юрагимга лангар ташла! Мен сени асрлар, йиллар оша кутдим. Ул момо юртлардан мени излаб келишингни билардим. О, умид кемаси! Суз, сузавер! Бу саҳро узра улугвор елканларингни ёзиб ўт! Сени кўриб одамлар ҳали дунёда гўзаллик ва қўшиқ мавжуд эканлигига ишонсинлар, сени кутиб олиш учун юракларининг қиргоқларига чиқсинлар...* (Н.Эшонқул. "Момоқўшиқ" қиссаси).

Сўз бирикмаси шаклидаги метафоралар матн референтлари ва лисоний белги ўртасида мазмуний шартланганлик вазиятини юзага келтиради. Масалан: *Акбар Салим отанинг нима демоқчилигини фаҳмлаб, юзи хижолатдан бир қизарди. Лекин дилига қадалиб турган* ***заҳарли тиканларни*** *Салим ота бехато топгани уни қойил қилди. Бу тиканларга биров тегинса дили огринади, аммо уларни* ***сугуриб олиб ташламагунча*** *вужудидаги карахтлик, руҳидаги сўниклик йўқолмайди* (П.Қодиров. "Ҳумоюн ва Акбар" романи).

Бу ўринда бирикма шаклидаги метафораларнинг бир хусусиятига тўхталиб ўтишни жоиз деб биламиз. Гап шундаки, матн бошланмасида кўчма маънода қўлланган сўз бирикмаси матннинг кейинги жумлалари семантикасига ҳам ўз таъсирини ўтказади, яъни когерентлик талаби билан такрорланган кўчма маъноли бирикмалар навбатдаги жумлаларга ҳам метафорик мазмунни олиб ўтади. Биз ушбу ҳодисани – метафорик мазмунда қўлланган бирликларнинг кейинги жумлаларга мазмуний таъсирини "семантик инерция" термини билан номлашни маъқул, деб ўйлаймиз. Юқорида келтирилган *заҳарли тиканлар (изтироблар)* референтининг кейинги жумлада *сугуриб олиб ташламоқ (йўқотмоқ; барҳам бермоқ)* бирикмасини тақозо қилиши семантик инерция натижасидир. Семантик инерция

www.ziyouz.com kutubxonasi

метафорик мазмуннинг матн бўйлаб ёйилишини, образли ифоданинг бир маромда сақланиб туришини таъминлашга хизмат қилади.

Қуйидаги микроматнлар ҳам семантик инерция ҳодисасига мисол бўла олади: *Шоҳлар билан бизнинг орамизда* ***чуқур жарлар*** *бор. Мен бу жарга бир марта* ***қулаб,*** *ўлишимга сал қолди* (П.Қодиров. "Ҳумоюн ва Акбар" романи); *Адҳамхонга менинг қилча ҳам кудуратим йўқ. Фақат унинг ўзи* ***амалпарастлик кўчасидан*** *чиқмоги керак. Бу кўча не-не одамларни* ***адаштириб,*** *маҳв қилиб юборганини ўзингиз билурсиз* (П.Қодиров. "Ҳумоюн ва Акбар" романи).

Бу каби метафорик мазмунли матнлар ўзбек ёзувчилари томонидан воқеликни образли тасвирлаш мақсадида қўлланиб, бадиий концепт яратишнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади.

Гап шаклидаги метафоралар, яъни ўзида бошқа бир нутқий вазият ифодасини имплицит тарзда намоён этувчи гаплар ҳам бадиий матнга хос хусусиятлардан биридир. *Бош омон бўлса, дўппи топилади; Санамай саккиз дема; Осмон йироқ, ер қаттиқ* каби халқ мақолларини метафорик мазмунли гапларнинг типик намуналари деб ҳисоблаш мумкин. Метафора асосида маъноси кўчган сўз бошқа бир денотатнинг номи бўлиб келгани каби, юқоридаги жумлалар ҳам ўз ташқи тузилишида ифодаланган пропозициядан тамомила фарқланувчи бошқа бир пропозициянинг номи бўлиб келади. Муайян тил эгаларининг лисоний хотирасида барқарор ҳолатда сақланувчи бу каби бирликлар конвенционаллик хусусиятига эга бўлиб, уларни лингвистик ва экстралингвистик омилларнинг диалектик бирлиги бўлган[1] лингвомаданий бирликлар[2] сифатида тадқиқ этиш ўзбек тилида сўзлашувчи тил эгаларининг лисоний онг даражасини белгилашда муҳим омиллардан бири бўла олади.

Метафорик мазмун касб этган юқоридаги каби бирликлар узуал характерга эга бўлиб[3], матн яратувчи улардан тайёр ҳолда фойдаланади. Бадиий матн таркибида нутқий характерга эга бўлган метафорик мазмунли гаплар ҳам қўлланади. Масалан: *Руҳидаги карахтлик тарқаб кетган, олам кўзига болаликдагидай жозибали кўринар,* ***дилида сўниб қолган чироқлар парпираб ёниб кетган,*** *истиқболга ишонч, яхши ишлар қилиш иштиёқи яна уйғонган эди* (П.Қодиров. "Ҳумоюн ва Акбар" романи).

---

[1] Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). – М., 2008. – С.45.

[2] *Лингвокультурема* терминини шу тарзда қўллаш маъқул, деб ўйлаймиз.

[3] Маҳмудов Н.Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – 3-сон. – Б. 23.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тадқиқотчи А.Т.Рябов бу каби жумлаларни муайян тил бирликлари воситасида ифодаланувчи фреймнинг бошқа бир жумла мазмунида ифодаланган фреймга жойлаштирилиши тарзида изоҳлайди[1].

Сўз-метафораларни когнитив нуқтаи назардан икки тушунчанинг шахс онгидаги ўзаро қиёсий муносабати сифатида изоҳлаш мумкин, аммо метафорик мазмунли гапларга бу тарзда ёндашиб бўлмайди.

Метафорик мазмунли гаплар (ёки гап-метафоралар) бир вазият белгилари асосида иккинчи вазият белгилари ҳақидаги ҳукмга асосланади. Бундай гаплар икки қатламли семантик тузилишга эга бўлади: ташқи мазмун ва ички мазмун. Масалан: *Байрамхон Акбарга ёзган жавобида: "**Сиз менга қарши турган тўғонларни очиб юбордингиз, энди бу тошқинни ўзингиз ҳам идора этолмагайсиз**", – деди* (П.Қодиров. "Ҳумоюн ва Акбар" романи) микроматнидаги Байрамхон томонидан айтилган гап *"Сиз менга қарши бўлган душманларга имкон яратдингиз, энди уларнинг хатти-ҳаракатларини тўхтата олмайсиз"* шаклидаги ички мазмунга ишора қилади.

Бу тарздаги гаплар мазмуний перцепциясида концептуаллаштирилган семантик структура ўқувчи тезаурусидаги муайян когнитив тузилмалар – фреймлар билан ассоциацияга киришувчи бошқа турдаги фреймларнинг фаоллашувига асосланади.

Метафорик мазмун ўзбек тилида гаплар орқали ифодаланганда матн тузувчи муайян вазият ифодаси орқали бошқа бир вазият ифодасига ишора қилади. Масалан, Ойбекнинг "Навоий" романида қуйидагича эпизод бор: Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийга ўзининг янги ёзган ғазалини ўқиб беради ва уни жамики шоирларга татаббу учун бериб, улардан бунга жавоб ёзишларини сўрамоқчи эканлигини айтади. Навоий бунга ўз муносабатини шундай ифодалайди: *"... газални юз шоир татаббу этиб, қалам сурсалар, юз газал вужудга келади. **Бир туп гул юз гунча очади**!"*.

Мисол сифатида келтирилган микроматндан аён бўладики, айнан бир пропозиция матн таркибида икки марта ва икки хил тарзда ифодаланган: биринчи жумла реал воқелик билан тўғридан-тўғри боғланса, иккинчи жумлада бунинг аксини кўриш мумкин.

Бу усулда яратилган матнларни бошқа ёзувчилар ижодида ҳам учратиш мумкин:

---

[1] Рябов А.Т. Метафоры в свете когнитивной теории // jurnal. /articles/ 2009 / FMI 45. htme.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Эркак билан аёл муносабатида айбни нуқул эркакдан излаш инсофдан эмас. ***Шам ёнмаса, парвона яқин келмайди...*** (Ў.Ҳошимов. "Шам ёнмаса...").

"Йўқ, бугун топган ихтироси ҳали-ҳозир фақат калласида. Бу ихтирони ҳали ниҳоясига етказиш керак, ***кўнглида энди униб чиққан бу ниҳолни парвариш қилиб, ундан ҳосил олиши керак ҳали!*** (О.Ёқубов. "Кўҳна дунё" романи")

Кўринадики, гап-метафора ҳукмни тўғридан-тўғри ифодаловчи гаплар билан синонимик муносабатга киришади. Шу ўринда айтиш жоизки, ўзбек тилшунослигида бир объектив мазмуннинг турли синтактик шаклларда ифодаланишига бағишланган ишлар мавжуд[1]. Аммо бир пропозиция ифодасининг прагматик ёндашув асосида турлича номинацияга эга бўлиши (Қиёсланг: *Қуёш ботди. Қуёш уфққа бош қўйди. Қуёш уфқ ортига думалаб кетди. Қуёш ўз ётоғига йўл олди* каби) ўзбек тилшунослигида махсус ўрганилган эмас.

Ўзбек тилида яратилган насрий асарларда ассоциатив тафаккурга асосланган **матн-метафоралар** ҳам учрайди. Бу каби матнларда унинг ички семантикаси орқали бошқа бир мазмунга ишора қилинади. Ў.Ҳошимовнинг "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" китобидан олинган қуйидаги микроматнларда айнан шу жараённи кузатиш мумкин:

ТОВУҚ

Жўжаси чийиллаб, безор қилмаслиги учун тухумини инкубаторга топширди. Энди бошқа Хўроз билан дон олиши-и-и-б юрипти...

МАЖНУНТОЛ ВА ҚАМИШ

Мажнунтолнинг бош эгиб сукут сақлаши донолиги ва чайирлигидан. Қамишнинг гоз туриб шовуллаши нодонлиги ва мўртлигидан... Қизиқ, иккаласи кўпинча ёнма-ён ўсади...

Матн – метафораларда матнларда ифодаланган мазмун глобал характерга эга бўлиб, ўзаро алоқадорликда бўлган воқеа-ҳодисаларнинг иккиламчи номинацияси сифатида амал қилади. Матн-метафораларга хос бўлган характерли хусусият шундаки, унда матн субъектининг метафорик маънода қабул қилиниши матндан англашилган макропропозициянинг ҳам ўқувчи онгида метафорик характер касб этишига олиб келади. Масалан, қуйидаги микроматн ҲОКИМИЯТ – МИНГ ҒИЛДИРАКЛИ АРАВА тар-

[1] Қаранг: Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 159–162.

www.ziyouz.com kutubxonasi

зидаги концептуал метафорага асосланган бўлиб, унинг субъекти *ҳокимият* сўзидир. *Ҳокимият* сўзининг кўчим асосида ифодаланиши микроматнда ифодаланган ҳукмнинг ҳам метафорик мазмунда қабул қилинишига сабаб бўлади:

Аравани ҳайдайдиган одам унинг устида ўлтирса ҳам, "аравакаш", яъни аравани тортиб борувчи ҳисобланадур. Кечаю кундуз шу минг гилдиракли аравани ўзингиз тортиб бораётгандек меҳнат қилмасангиз муродга етолмагайсиз. Ҳамма ишда танаффус бўлмоги мумкин, аммо бу ҳокимият араваси кечаю кундуз тинимсиз юргай (П.Қодиров. "Ҳумоюн ва Акбар" романи).

Метафорага бағишланган илмий адабиётларда конкрет, тўғри маъно билдирувчи сўзнинг кўчма маънога қараб "ҳаракатланиши" метафорик образ яратишнинг кенг тарқалган усулларидан бири сифатида эътироф этилади[1]. Бу фикрга қўшимча сифатида шуни айтиш мумкинки, матн таркибидаги тўғри маъноли сўзнинг кўчма маъноли сўзга айланишини матн қисмларини боғловчи восита сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Буни қуйидаги микроматн мисолида кўришимиз мумкин: *Темурийлар шажараси асрдан-асрга ўтиб келаётган азим бир* ***дарахтдир****. Бу* ***дарахтнинг*** *қуриган шохларини олиб ташласалар майли. Аммо* ***дарахтни*** *гўзага ўхшатиб яганалаш – унинг тирик шохларига, илдизига болта уриш билан баробардар* (П.Қодиров. "Шоҳруҳ ва Гавҳаршод" романи).

Кўринадики, *дарахт* сўзи бу ерда матн когерентлигини таъминловчи лексик такрор вазифасини ўтаган. Матнда қўлланган *дарахт* сўзи биринчи жумлада ўз маъносида қўлланган, иккинчи ва учинчи жумлаларда эса у мажозий маъно касб этган. Бу сўзнинг кўчим асосида қўлланиши *унинг тирик шохлари, илдизига болта уриш* бирикмаларининг ҳам кўчма маъно касб этишига олиб келган.

Матн когерентлигини юзага келтирувчи воситанинг метафорик маънода қўлланиши матн макропропозициясида ҳам метафорик мазмун ифодаланишига асос бўлган.

Ўзбек тилида яратилган насрий-бадиий асарларни тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, баъзи матн таркибида реал воқелик билан мувофиқ келувчи жумлалар ортидан кутилмаганда метафорик мазмунли жумлалар келтирилади. Метафорик мазмунли матн яратишнинг бу усули деярли барча насрнависларга хос, дейиш мумкин. П.Қодировнинг "Шоҳруҳ ва Гавҳаршод", Ойбекнинг "Наво-

[1] Қаранг: Валгина Н.С. Теория текста. Типы текстов // http: // evartist. Narol. Ru / text 14 / 16. htm.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ий" романидан олинган қуйидаги микроматнларда мана шу усул қўлланганини кўриш мумкин:

Яна бир қўлдан май ичишгандан кейин Абдулатиф унга дил ёриб деди:

– Барибир эртами, кечми, Самарқанд, бизники бўлгай, Мирзо Абусайид! Билурсизки, ***отнинг жиловини беҳуда тортаверсалар, бир кун эмас бир кун жилов узилиб кетгай!*** (П.Қодиров. "Шоҳруҳ ва Гавҳаршод" романи); *Навоий ҳаркун девонда ва ўзга доираларда душманларнинг янги-янги кирдикорларини мушоҳида қила бошлади. Девонда ва ўзга доираларда унга ҳам унинг ишларига қарши чуқур томир ёйган фитналар кундан-кун равшанроқ сезилди.* ***Ширин сўз, назокат, нозик муомалаларнинг гулдастасидан заҳар анқир эди.*** *Мажиддиддин парвоначининг боши кибр блан кун сайин кўтарилди.* ***Низомулмулк фитна уругини, узоқни мўлжаллаб, жуда махфий сепмоқда.*** *Улар муҳим давлат ишларини Навоий иштирокисиз ҳал этишга тиришадилар* (Ойбек. "Навоий" романи)

Аён бўладики, бу каби матнлардаги пропозициялар тизмаси матнда акс этаётган вазиятларга мантиқан мувофиқ бўлади, аммо матн тузувчининг прагматик мақсадига кўра ушбу пропозицияларнинг айримлари синтактик шакли билан асимметрия ҳосил қилиб, бошқа бир нутқий вазиятнинг коннотатив ифодаси сифатида воқеланади.

Матн таркибида қўлланган метафораларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар матн референцияси шаклланишида ўзига хос ўрин тутади. Ўзбек тилида яратилган насрий асарларда тил метафораларига нисбатан индивидуал-муаллифий метафоралар кўп учрайди.Уларни тадқиқ этиш матн тузувчи ижодкор шахснинг нутқий индивидуаллигини очиб бериш билан бирга метафораларнинг когнитив ҳамда лингвомаданий бирлик сифатидаги ўрнини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

4.2.3. Жонлантириш асосидаги матнларнинг лингвокультурологик хусусиятлари

Ўзбек бадиий коммуникациясида жонлантириш асосида яратилган матнлар тасвирийлик яратишнинг муҳим усулларидан бири сифатида намоён бўлади. Бундай матнлар ҳам тафаккур усулларидан бири бўлган ўхшатиш асосида яратилади. Шу сабабли ҳам жонлантириш асосида яратилган матнлар макропропозициясидан ЖОНСИЗ ПРЕДМЕТ БУ – ЖОНЛИ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПРЕДМЕТ қолипидаги яширин мазмун англашилади. Жумладан, қуйидаги микроматн БАҲОР БУ – ОДАМ когнитив метафораси асосида яратилганини пайқаш қийин эмас: ... *Ниҳоят, қўнгирот элига баҳор кириб келди. У минг хил ноз, минг хил карашма билан уруш заҳматлари эзиб ташлаган уруш одамларининг юрагига яшаш ва яшнаш ишқини солди. Уларни эркалади, сочларини силади, адирларни қип-қизил лолаларга тўлдирди, бутун борлиққа гўзаллик гиламини ёйди. Жанжалкаш, асабий бўлиб қолган одамларнинг димогини эркалади, уларни қирларга етаклаб чиқди, кўзларидан ўпди.* (Н.Эшонқул. "Уруш одамлари" қиссаси)

Жонлантириш асосидаги матнлар тадқиқи шуни кўрсатадики, ўзбек тилида йил фасллари, шамол, момақалдироқ, ёмғир каби табиат ҳодисаларини, денгиз, дарё, тоғ каби табиий объектларни, тонг отиши, тун бошланиши каби табиий жараёнларни, шунингдек, Ер шари, қуёш, ой, гул, ғунча каби предметларни ифодаловчи сўзлар матн референти сифатида қўлланганида, матн тузувчилар одамга хос белгиларни уларга нисбатан қўллаб, персонификация ҳодисасини юзага келтиришлари кўп учрайди.

Худди метафора, ўхшатиш ҳодисалари каби, персонификация ҳам бир гап мазмунини ёки бутун бошли матн мазмунини шакллантиришда қатнашиши мумкин.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, персонификация терминини матнга нисбатан қўллаганда, уни кенгроқ тушуниш ўринлидир. Бирор жонсиз предметга фақат одамга хос хатти-ҳаракатларгина эмас, бошқа жонли мавжудотлар, масалан, турли жонивор, қушларнинг хатти-ҳаракати кўчирилган ҳолатларни ҳам персонификацияга киритиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Қуйидаги матнга эътибор беринг: *Тонг оқара бошлаган эди, шундагина у кўл бўйига бориб, қуёш чиқишини кузатмоқчи бўлганини эслади. Тун қайларгадир учиб кетиш учун далалар устидан аста-секин қанотларини йигиб олаётган эди.* (Н.Эшонқул. "Момоқўшиқ" қиссаси)

Матндан кўринадики, ТУН БУ – ҚУШ когнитив метафораси унинг яратилиши учун когнитив асос бўлган. Матннинги иккинчи жумласи *Кун аста-секин ёришаётган эди* пропозициясининг услубий синоними бўлиб, дискурсда акс этган реалликнинг образли ифодаси сифатида воқелантирилган.

Жонлантириш асосида яратилган матнлар матн тузувчининг прагматик мақсадига кўра асосан икки хил кўринишга эга:

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Тасвирийлик яратиш мақсадида тузилган матнлар.

2. Аксиологик модаллик яратиш мақсадида тузилган матнлар.

Қуйида уларга мисоллар келтирамиз: *Баҳор бегда оғир-оғир хўрсиниб кезиб юрибди. У бир умр яшаган уйини ташлаб кетишга кўзи қиймайдиган кампир каби ҳар бир дов-дарахтнинг олдида видолашаётгандай бир зум тўхтайди, баъзан ёзнинг иссиқ ҳавосини энди тўхтатиб қўйишга кучи етмаслигини сезса ҳам, аламдан осмонни тўлдириб йўталиб-йўталиб қўяди ёки осмону фалакни ёндириб, ёпирилиб келаётган ёз фаслини пуфлаб ўчирмоқчидек елвизак аралаш ҳолсизгина увиллаб юборади.* (Н.Эшонқул. "Тун панжаралари" қиссаси)

...О, сен момоқўшиқ! Қалбимнинг муқаддас қўшиғи.

Сен бу биёбондан, бу мардумлар дилидан нелар излаб юрибсан? Сен бу руҳлар қабристонидан нелар излаяпсан?! Бу одамлар юзларида сен излаётган ул шамлар аллақачон ўчиб бўлган. Бу саҳрода сен уйготадиган нарса қолмаган. О, билдим, сен бу ерларга мени излаб келгансан. Мана мен, қанча сиринг бўлса айт. Кўнглимдаги ул голиб тугларни кўтар. О, мени ўз ўлкангга даъват эт. (Н.Эшонқул. "Момоқўшиқ" қиссаси)

Ҳар икки турдаги матнларнинг бошланғич асоси бир – ўхшатиш амали бўлса-да, улар шахснинг прагматик мақсадига кўра ўзаро фарқ қилиши мумкин. Масалан, Н.Эшонқул томонидан яратилган қўшиқ ҳақидаги микроматнда қўшиқ тинглаётган одамнинг руҳий ҳолати ифодаланган. Тингловчи салобат билан таралаётган қўшиқ садоларини неларнидир излаб юрган одам қиёфасида тасаввур этади. Бу *сен бу ерларга мени излаб келгансан, қанча сиринг бўлса айт, мени ўз ўлкангга даъват эт* жумлаларидан англашилади. Асар қаҳрамонининг фикрига кўра, бу ер *руҳлар қабристони*га айланган, қўшиқ излаб юрган *ул шамлар* аллақачон сўниб, бу саҳрода у *уйготадиган нарса* қолмаган.

Матн таҳлилидан кўринадики, ёзувчининг *қўшиқни* жонлантиришдан асл мақсади қўшиқ тингловчилари ҳақидаги ўз субъектив баҳосини ифодалашдир. Демак, персонификация ушбу матнда аксиологик модалликни актуаллаштирувчи восита сифатида қатнашган.

Н.Эшонқул томонидан баҳор ҳақида яратилган микроматн эса ёзувчининг прагматик мақсади тасвирийликни ҳосил қилишдан иборат бўлганлигини кўрсатади. Ушбу матнда баҳор фасли қадрдон уйи билан видолашаётган одамга қиёсланади, баҳорда содир бўлади-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган табиат ҳодисалари эса одамнинг хатти-ҳаракатлари сифатида тасаввур қилинади: *йўталиб-йўталиб қўяди* (момақалдироқ); *ҳолсизгина увиллаб юборади* (шамол).

4.3. Тасаввур асосидаги матнлар

Илмий адабиётларда тасаввур айни вақтда сезиш аъзоларига таъсир этмаётган предмет ёки ҳодисалар образининг фикран қайта тикланишидан иборат жараён сифатида таърифланади[1].

Тасаввур келиб чиқишига кўра учга бўлинади:

1) қабул қилиш асосидаги тасаввур;

2) тафаккур асосидаги тасаввур;

3) хаёл асосидаги тасаввур. Шунингдек, тадқиқотчилар *тасаввур* термини илмий адабиётларда икки хил талқин қилинишини ҳам таъкидлайдилар. Яъни:

1) аввал ҳис қилинган предмет ёки ҳодиса образларини қайта тиклаш;

2) аввал ҳис қилинмаган предмет ёки ҳодисалар образини қайта тиклаш[2].

Ўзбек ёзувчилари томонидан яратилган насрий асарларда тасаввурга асосланган матнлар ўзига хос ўрин тутади. Тасаввур асосида яратилган матнларга хос хусусият шундан иборатки, уларда тасвирланган воқелик ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмайди. Бу каби матнлар таркибидаги пропозициялар матн тузувчининг тасаввури ва фантазияси асосида яратилган вазиятларни ифодалаб, матн макропропозицияси юзага келишида "муаллиф референцияси" устунлик қилади. Қуйидаги матнларга эътибор беринг: *Олов ўчоқда эмас, ўзининг кўксида ёнаётгандай ва бу қоп-қора, ишлатилавериб хароба бўлиб қолган ўчоқ эмас, ўзининг юрагидай оловга мафтун бўлиб тикилиб турди: орқасидан қайнонасининг вазмин қадам товушларини эшитиб, ўрнидан иргиб турди-да,* ***қайларгадир учишга чоғланган хаёлларини пиёзга қўшиб қозонга ташлади ва шошилиб қовура бошлади. У шундагина кўп йиллардан бери ўзининг хаёллари қозон устида пиёзга қўшиб қовурилганини, аввал ўгай укалари ва меҳмонлар, энди эса эри ва қайнонаси ўзининг бу зерикарли ҳамда серқулфат турмушдан халос бўлиш***

[1] Щербатых Ю.В. Общая психология. – СПб.: Питер, 2008. – С. 48.

[2] Щербатых Ю.В. Кўрсатилган китоб. – Б. 48.

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун озод қуш каби эрк ва ҳурлик истаб юксак-юксакларга учиб жўнайдиган, бироқ охир-оқибатда яна барибир қозонга келиб тиқиладиган хаёлларини еб қўйишганини дафъатан англаб қолди (Н.Эшонқул. "Очилмаган эшик" ҳикояси)

Тасаввурга асосланган матнларнинг мазмуний тузилишини тадқиқ этиш натижасида шуни айтиш мумкинки, ижодкорлар тасаввур асосидаги матнни яратишда асосан қуйидагича коммуникатив стратегияларни қўллайдилар:

1. Матнда бирор воқеа-ҳодисанинг сабаби изоҳланади. Бунда келтирилган изоҳ реал воқеликка эмас, матн тузувчининг истаги (прагматик мақсади)га асосланади. Масалан: *Қор атай мени синамоқ учун ҳам шунча кундан буён тиним билгани йўқ. Мени ҳисобдан адаштирмоқчи у. Мен эса мижжа қоқмадим, кўзим очиқ, қор учқунларини санамоқдаман. Бунинг нима зарурати бор деб эътироф билдирма. Қор ёғишдан чарчаса – чарчар, мен унинг учқунларини, зарраларини санашдан зинҳор чарчамайман, толиқмайман.* ***Чунки укпардек момиқ ва мен суйган оқдек оқ ҳар бир қор учқуни менинг Сенга бўлган муҳаббатим изҳори сифатида ёғмоқда! Бегубор меҳр, самовий севги ёғмоқда самодан! Сенгагина аталган меҳр. Муҳаббат, севги!..*** (Х.Дўстмуҳаммад. "Мен – сенсиз, сен – менсиз" қиссаси)

Қуйидаги матнда ҳам юз берган ҳодисанинг сабаби реал воқеликка эмас, балки матн тузувчи мақсадига кўра изоҳланганини кўриш мумкин:

"Утро дышит у неё на груди...

Бунчалар аниқ, бунчалар дилбар тасвир! Бир аср муқаддам яшаб ўтган шоир қаердан билган Сенинг кўксингда тонглар нафас олишини, тонглар кўксингдан ранг олишини?! Нақ мўъжизанинг ўзи эмасми бу, ягонам?! ***Бу таъриф менинг дилим тўридаги арзандадан – арзанда туйгу, шоир Фет эса ўша туйгу уммонидан олган ранг тимсолида шеърий сурат чизган, холос...***" (Х.Дўстмуҳаммад. "Мен – сенсиз, сен – менсиз" қиссаси)

2. Матн тузувчи муайян руҳий ҳолатни аниқроқ ифодалаш мақсадида тасаввурдан фойдаланади. Масалан, Х.Дўстмуҳаммад муҳаббат туйғуси билан ўртанган, бироқ ўз оиласи олдидаги бурчи туфайли бу туйғуни пинҳон сақлашга мажбур бўлган қаҳрамонининг изтиробли кечинмаларини "Мумкин" ва "Мумкин эмас" номли икки сарҳад орасида яшаётган одамнинг ҳолати сифатида қуйидагича тасвирлайди:

"Мумкин. – Мумкин эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мумкин. – Мумкин эмас.

Бу икки сарҳад орасида яшаш, бу икки сарҳад орасида маъқул йўл топиб яшаш нақадар уқубат! Йўлнинг "Мумкин" деган томонига ўтсанг, "Мумкин эмас" деган садо келади, "Мумкин эмас" деб номланган йўлкасига ўтсанг, "Мумкиин" деган сас чалинади қулоққа. Бошингни қаёнга уришни билмайсан, қалб ва эҳтиросга бўйсунасан, жасорат ва матонат қўлингдан тутади – ахир Сен одамсан! Инсонсан! Бу улуг мартабага содиқлик хиёнат эмас, бундайин бетакрор мартаба ҳар бандага ҳам насиб этавермайди, бу илоҳий мўъжизани асраб-авайламоқ керак! Шарт!

Бироқ, мумкин эмас..." (Х.Дўстмуҳаммад. "Мен – сенсиз, сен – менсиз" қиссаси)

Иқтидорли ёзувчи Назар Эшонқул ўзининг "Тун панжаралари" номли қиссасида бу дунёда яшаб, ўз саволларига жавоб тополмасдан у дунёга рихлат қилган одамларнинг бутун бошли умрларини савол харсанглари билан тўла қип-қизил водий сифатида тасаввур қилади: *Багрингни кўтариб, ҳў-ў, деб қарайсан – сендан токи уфққача қип-қизил водий ястаниб ётибди. Водийда худди ўтиб бўлмас чўққи каби савол аломатлари қад кериб турибди, уларнинг ҳар бирининг тагида биттадан одам бош қўйганча ўлиб ётибди – гўё бутун умрларининг хулосаси шудек, гўё бу ўзлари босиб ўтган йўлнинг рамзидек. Ўнгда ҳам, чапда ҳам шу манзара – савол харсанглари ва уларга бош қўйиб ётган жасадлар билан тўлган қип-қизил водий, гарбдан ҳам, жанубдан ҳам, шарқдан ҳам, шимолдан ҳам одамлар бу ажр водийсига қараб бошларини қуйи солганча секин кириб келяпти. Уларнинг бўйинларига осилган савол қўнғироқлари чор-атрофга мотам бонгидек мудҳиш садо таратиб турибди. Бу нима? Шуми дунё?! Нега у бунчалик тушуниксиз ва аянч?!* (Н.Эшонқул. "Тун панжаралари" қиссаси)

Ойбекнинг "Навоий" романида эса шоирнинг туркий ва форсий тилларда ижод қилиш жараёни қуйидагича тасвирланган: *Шоир дарича ёнида, шамга яқин ўтириб, қаламини қоғозлар бетида қитирлатди. Икки тил – ўзбек ва форси тиллари – икки паҳлавон. Улар гоҳ мантиқнинг гурзисини кўтарадилар, гоҳ ҳусн ва салобатларини намойиш қиладилар, гоҳ қўйинларидан дур ва гавҳарларни ҳовучлаб-ҳовучлаб сочадилар.*

Бу ажойиб, бемисл курашни тамошо қилгали Фирдавсийдан бошлаб мавлоно Жомийга қадар ҳамма улуг форс шоирлари келган эдилар. Ҳарқайсилари ўз обрўларининг юксак поясида ярқираб ўтирардилар. (Ойбек. "Навоий" романи)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тасаввурга асосланган матнларга хос яна бир хусусият шундан иборатки, уларда мавҳум тушунчалар шахсга хос белгилар асосида жонлантирилиб тасвирланади. Ш.Бўтаевнинг "Бир кунлик меҳмон" номли қиссасидан олинган қуйидаги микроматнда ёзувчи шу усулдан фойдаланган: *Дўзах ўтида ёнаётган милёнлаб иллатлару разолатнинг, қабоҳатнинг нега чеки йўқ? Чунки уларнинг трилён-трилёнлари одамнинг ичини ўзларига қўналга қилиб олишган, бири ёнганда ўрнига юстаси, мингтаси чиқиб боришади. Ҳар қандай қотилликнинг, зулмнинг, фаҳшнинг энг сўнгги қочиб борадиган манзили ҳам одамнинг ичи, бу манзилда улар ўзларининг уруғ – қаёшлари билан топишиб, дориломон яшашади. Одам кар-кингир ишларга ичида бўлаётган қизғин машваратларни ҳеч қачон эшитолмайди, одам кўр – ичидаги даҳшатли манзараларни ҳеч вақт кўролмайди, одам шол – ўз ичига боролмай, кераксиз жойларда мутакаббирона одим отиб юраверади.* (Ш.Бўтаев. "Бир кунлик меҳмон" қиссаси)

Мисол сифатида келтирилган матнлардан кўринадики, уларнинг референцияси объектив воқеликка мос келмаса-да, муайян объектив мазмунга ишора қилинган. Масалан, Н.Эшонқул асаридан келтирилган микроматндаги *хаёлларини пиёзга қўшиб қозонга ташлади ва шошилиб қовура бошлади* жумласида ширин хаёл суриб ўтирган келинчакнинг *қайнонасининг вазмин қадам товушларини* эшитгач, хаёл оғушидан чиқишга уриниб, саросимада қолгани образли тарзда ифодаланган.

Ёки Х.Дўстмуҳаммад асаридан олинган икки сарҳад ҳақидаги микроматнда *икки сарҳад – муҳаббат туйғуси ва бурч; улуғ марта-ба – севги* референтларини ифодалаб келганлиги контекст орқали аён бўлади.

Демак, тасаввур асосидаги матнлар ҳам, метафора, ўхшатиш, жонлантириш асосида яратилган матнлар каби, ўз мазмуний тузилишида имплицитликни намоён қилади. Бундай имплицитлик матн референтлари сифатида воқеланган ифодалар орқали, шунингдек, матн макропропозицияси орқали юзага келиши мумкин.

Тасаввур асосида яратилган матнлар идроки ўқувчининг онгида ҳам тасаввур жараёни бўлиб ўтишини тақозо қилади. Бу каби матнлар перцепциясида ўқувчи онгида иккита параллел фрейм структураси тикланади ва бир фрейм иккинчи бир фреймнинг ичига "жойлаштирилади".

Буни қуйидаги микроматн таркибида қатнашган, тасаввур асосида юзага келган бирликлар қиёси асосида кўриш мумкин:

www.ziyouz.com kutubxonasi

2-жадвал

Ёлғизлик даштини шудгорламоқ	*ёлғизлик изтиробини туймоқ*
У ерга Замон отбоқар ҳукумат одамлари билан эри ва ўғлини отиб ташлаган оқшомни эмоқ	*Замон отбоқар ҳукумат одамлари билан келиб, эри ва ўғлини отиб ташлаган оқшомни эсламоқ*
кўз ёшлари билан тўлган қайиқда йиллар қоялари орасида қолиб кетган эри билан ўғлининг илма-тешик бўлган мурдаси ва Замон отбоқарнинг музаффар қамчиси ётган қонли халқоб билан тўлган айвонга сузиб бормоқ	*бундан анча йиллар олдин Замон отбоқарнинг айвонда эри ва ўғлини отиб ташлагани тафсилотларини хотирлаб, ҳар кеча йиғлаб чиқмоқ*
ҳосилини йиғиб олмоқ	*хотиралардан изтироб чекмоқ*

Жадвалнинг чап томонида келтирилган бирликлар ўнг томонда берилган пропозицияларнинг тасаввур асосида юзага келган номинациялари бўлиб, улар ўзида образлилик ҳамда экспрессивликни намоён этади. Бунга ушбу микроматнни тўлиқ ўқиб ишонч ҳосил қилиш мумкин: *Қишлоқдошлари баҳор келиши билан эски яйловларга кўчиб чиқишар ва ер шудгорлар, ҳар ким ўз ташвишига берилиб кетарди. Қишлоқда қолган Байна момо эса бу пайтда* ***ёлғизлик даштини шудгорлар,*** *у ерга ҳар йили Замон отбоқар ҳукумат одамлари билан келиб,* ***эри ва ўғлини отиб ташлаган оқшомни экар*** *ва сўнг ёлғиз ўзи* ***ҳосилини ҳам йиғиб оларди.*** *Байна момо ҳар кеча* ***кўз ёшлари билан тўлган қайиқда йиллар қоялари орасида қолиб кетган эри билан ўғлининг илма-тешик бўлган мурдаси ва Замон отбоқарнинг музаффар қамчиси ётган қонли халқоб билан тўлган айвонга сузиб борар,*** *эрталаблари ҳўл бўлиб кетган ёстиғини худди қадим аждодларнинг унут яловидай уйининг олдидаги – орадан йиллар ўтгач, уйини бузаётганлар қўпориб ташлашга кучлари етмагач, ковлаб олишга мажбур бўлган – баланд толга осиб, офтобда қуритарди* (Н.Эшонқул. "Шамолни тутиб бўлмайди" ҳикояси)

Тасаввур асосида яратилган матнларда ҳам, юқорида таҳлил қилинган матн турлари каби, лингвокреативлик ҳодисаси намоён бўлади. *хаёлларини пиёзга кўмиб қозонга ташлади, ёлғизлик даштини шудгорлар; Бегубор меҳр, самовий севги ёғмоқда самодан; гоҳ мантиқнинг гурзисини кўтарадилар, гоҳ ҳусн ва салобатларини намойиш қиладилар* каби ифодалар матн тузувчи ижодкор шахс та-

www.ziyouz.com kutubxonasi

саввурининг натижасидир. Бу каби ифодалар матнга тасвирийлик ва образлилик бағишлаши баробарида ўзбек поэтик коммуникациясини янги ифодалар билан ҳам бойитади.

Тасаввур асосидаги матнлар матн яратилиши жараёнига образи тафаккурнинг таъсирини яққол кўрсатувчи ҳодисалардан биридир. Таҳлилга тортилган матнлардан аён бўладики, матндаги бадиийликни таъминловчи ифодалар шаклини айнан ижодкор шахснинг тафаккур тарзи белгилаб беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Тил эгаси – нутқ яратувчи ва уни идрок этувчи шахс омилини тадқиқ этиш тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг шаклланишига олиб келди. XX асрнинг сўнгги чорагида шаклланган когнитив тилшунослик, лингвокультурология, прагматик тилшунослик, этнопсихолингвистика, нейролингвистика каби йўналишлар замонавий тилшуносликнинг мустақил соҳалари сифатида ривожланиб бормоқда.

Ўзбек тили материаллари ўзбек тилшунослигида антропоцентрик парадигма асосида кенг аспектда ўрганилмаган бўлса-да, когнитив, психолингвистик, лингвокультурологик характердаги бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган. Уларда, асосан, когнитив тилшунослик ва лингвокультурологиянинг назарий масалалари, ўзбек тилида муайян концепт ифодаси, мазмуний перцепция, болалар нутқининг психолингвистик хусусиятлари ва интертекстуаллик муаммолари тадқиқ этилган. Матннинг антропоцентрик хусусиятлари, жумладан, унинг яратилиши ва мазмуний идрокига оид масалалар эса ўзбек тилшунослигида монографик йўсинда тадқиқ қилинган эмас.

2. Матн таҳлилига антропоцентрик нуқтаи назардан ёндашиш бугунги тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бирига айланди. Жаҳон тилшунослигида матнни шахс омили билан боғлаб тадқиқ этилган ишлар асосан когнитив, психолингвистик ва лингвокультурологик аспектдаги ишларда кўзга ташланади. Матн яратилишининг антропоцентрик талқини эса асосан когнитив ва психолингвистик тадқиқотларда ўз аксини топган. Когнитив нуқтаи назарга кўра матн – ментал тузилманинг тилга трансформацияси бўлиб, бутундан қисмга қараб ҳаракатланувчи яхлит тузилманинг вербал кўринишидир. Когнитив ёндашув матн яратилишини "муаллиф – матн – матндан ташқаридаги воқелик" тамойили асосида таҳлил этишни тақозо этади. Бунда матнни сўзловчи (ёзувчи) мақсадининг ифодаси, нутқ яратилиши маҳсули, тушуниш объекти ҳамда тушуниш маҳсули сифатида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

3. Дискурсив таҳлилга оид назарий қарашларда яхлит нутқий тузилмани тушуниш – ўқувчининг муаллиф матни асосида "ўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

матни"ни яратиши сифатида изоҳланиб, бунда нутқий тузилма яратиш кодлаштириш жараёни, уни тушуниш эса кодларни англаш жараёни ҳисобланади. Муаллиф матни асосида ўқувчи лисоний тафаккурида қайта яратилган матн макроқоидаларга кўра юзага келтирилади, яъни ўқувчи матндаги қисмлар мазмунини алоҳида-алоҳида эмас, умумий, яхлит тарзда қабул қилади. Бунда ўқувчи онгида матн қисмларининг глобал мазмуни қайта тикланади.

4. Когнитив тилшуносликда марказий масалалардан бири ҳисобланган концепт, асосан, луғавий бирликлар ҳамда гап воситасида ифодаланади. Шунингдек, у матн воситасида ҳам ифодаланиши мумкин. Матн орқали ифодаланган концепт вербал босқичда предмет ва ҳодисалар муносабатини акс эттирувчи типик вазиятлар ҳақидаги ахборот сифатида намоён бўлади. Бадиий асарларда матн воситасида ифодаланган концепт асосан индивидуал-муаллифий ҳамда бадиий концепт сифатида намоён бўлиб, муайян тушунча ҳақидаги билимларга мувофиқ келади. Бунда матн макропропозициясида тавсифланаётган концептнинг сўзловчи учун аҳамиятли бўлган бирор жиҳати ўз ифодасини топади.

Матн воситасида ифодаланган концепт ўзбек тилида яратилган тавсифий характердаги, шунингдек, шахснинг муайян руҳий ҳолати ифодаланган ва мавжудликни тасдиқлаш мазмунидаги микроматнларда намоён бўлади.

5. Яхлит тушунча ёки предмет тавсифланган микроматнларда лингвистик гештальт ҳодисаси амал қилади. Лингвистик гештальт асосан шахснинг ички ёки ташқи қиёфасини тасвирлаш, табиат манзараси ёки бирор предметнинг кўринишини ўқувчи тасаввурида жонлантириш мақсадида яратилган матнларда қўлланади.

Матн яратилиши жараёнида шахс онги ва тафаккурида биринчи навбатда психологик гештальт юзага келади. Бунда бўлажак матн мазмуни вербал босқичга ўтаётган яхлит тузилма сифатида намоён бўлади.

Муаллифнинг ички нутқида шаклланган ментал тузилма пропозициялар сифатида тилга кўчирилади, мазкур пропозициялар нутқда партонимик муносабатни акс эттирувчи мазмуний бирликлар сифатида реаллашади.

Гештальт асосидаги матн яратилишида бутундан – бўлакка, унинг ҳиссий-мазмуний идрокида эса бўлакдан – бутунга жараёни амал қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

6. Психолингвистик нуқтаи назардан матн индивиднинг нутқий тафаккури маҳсули, объектив борлиқни тил тизими воситасида акс эттириш қобилияти сифатида намоён бўлади. Бунда матннинг шакли ва мазмуни муайян коммуникатив вазият қатнашчиси – конкрет шахснинг психологик хусусиятлари асосида аниқланади.

7. Ўзбек тилидаги микроматнлар таҳлили шуни кўрсатадики, шахснинг руҳий ҳолати ифодаланган матнларда муайян тил бирликлари актуаллашади. Бундай бирликлардан оҳанг ва ассоциатив сўзларни энг фаол акцентуал бирликлар сифатида баҳолаш мумкин. Ўзбек тилидаги матнларнинг психолингвистик хусусиятларини ўрганишда бу бирликлар муҳим омиллардан бири бўла олади.

8. Матнни идрок этиш жараёнида шахс биринчи навбатда унда ифодаланган асосий ғояни аниқлашга ҳаракат қилади. Бунда реципиент муаллиф матни асосида ўз матни проекциясини яратади. Мазкур проекция муаллиф матнига мувофиқ бўлиши, шунингдек, ундан кескин фарқланиши ҳам мумкин. Реципиент онгида ҳосил бўлган матн проекцияси муаллиф матнига мувофиқ бўлгандагина матн мазмуни тўлиқ идрок этилган деб ҳисобланади.

9. Матнда психологик ҳолатларни ифодалашда ассоциатив сўзлар муҳим ўрин эгаллайди. Бундай сўзлар матнда ўзига хос ассоциатив майдон ҳосил қилиб, матн ўқувчисининг руҳиятида ҳам муайян ҳолатни юзага келтиради. Бундай ҳолатнинг юзага келишига матнда қўлланган, психологик жиҳатдан ўзаро алоқадор бўлган сўзлар ҳақидаги образларнинг қайта тикланиши сабаб бўлади.

Сўзлар ўз маъноси билан инсон психикасига таъсир этиш хусусиятига эга. Инсон ўз хотирасида сўзларнинг маънолари билан бирга уларнинг объектив оламда ўз сезги аъзолари орқали ҳис этган хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам сақлайди. Шу сабабли муайян сўз уни эшитувчи одам хотирасида муайян ассоциацияларни пайдо қилади. Агар матнда бир ассоциатив майдонга кирувчи сўзлар қўлланган бўлса, улар ўқувчи психикасига янада кучлироқ таъсир этади.

10. Лингвокультурологик ёндашувларга кўра, матн – муайян халқнинг маданият қадриятларини, миллий-ментал фикрлаш тарзини намоён этувчи лингвомаданий бирликдир. Хусусан, прецедент бирликлар маданий белгиларни авлоддан авлодга олиб ўтувчи восита сифатида намоён бўлади. Таркибида ўхшатишлар, метафоралар, мақол ва фразеологик бирликлар, нутқий этикетлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган матнлар ўзида миллий-маданий қадриятларни тажассум этган лисоний-маданий ҳодиса сифатида қайд этилади.

11. Ўзбек тилидаги насрий асарларда бадиий коммуникацияни амалга оширишда "субъектив-таҳлилий" деб номланган стратегия тури жуда кўп қўлланади. Мазкур стратегия реал воқеликни моделлаштиришнинг ўзига хос усули бўлиб, унда адресантнинг референтни тил унсурлари орқали тасвирлашидан кўра, унга бўлган субъектив муносабатини ифодалаш мақсади устунлик қилади.

Субъектив-таҳлилий стратегия асосида яратилган матнларнинг когнитив ва психологик асосида кўп ҳолларда икки восита – ўхшатиш ва тасаввур қилиш ҳаракатлари ётади.

12. Ўзбек тили эгалари лисоний онгида мавжуд бўлган прецедент бирликлар тил тизимида ҳам ўзига хос микротизимни юзага келтирган. Ўзбек тилида қўлланган прецедент матнлар ўз манбасига кўра ранг-баранг бўлиб, машҳур бадиий асарлар, кинофильмлар, халқ оғзаки ижоди материалларига оиддир. Ўзбек тилида таълимий-ахлоқий характердаги прецедент матнлар кўп учрайди. Бу Шарқда шаклланган ижтимоий-ахлоқий қарашлар билан изоҳланади. Прецедент матнлар Қуръон суралари ёки ҳадислардан иборат бўлса, улар кўп ҳолларда аллюзия тарзида ёки муаллиф томонидан ўзлаштирилган шаклда ифодаланади.

13. Ўзбек тилидаги матнлар яратилишида ўхшатишлар муҳим аҳамиятга эга. Улар ўзбек тили эгаларининг образли тафаккур тарзини кўрсатувчи лингвомаданий бирлик сифатида намоён бўлади. Ўхшатишга асосланган матнларда микроматн макропропозицияси мотивацион жиҳатдан ўхшатишга асосланган бўлиб, ўхшатиш мазмуни матн ҳудуди бўйлаб тарқалган бўлади. Ўхшатишга асосланган матнларда ўхшатиш қурилмаларидаги тўрт компонент: ўхшатиш субъекти, ўхшатиш эталони, ўхшатиш асоси ва ўхшатиш воситаси ҳам мавжуд бўлади. Лекин уларнинг ўхшатиш қурилмасидан фарқи шундаки, ўхшатиш асоси, яъни икки объектни ўзаро ўхшатиш учун асос бўлган референт бундай матнларда сўз орқали эмас, балки жумлалар орқали воқе бўлади.

Ўхшатиш ва метафорик мазмунли бу каби матнлар ўз композицион тузилишига кўра бадиий услубда яратилувчи матнларнинг типик кўринишларига айланган. Уларни матннинг бадиий услубда кенг қўлланувчи прецедент шакллари сифатида баҳолаш мумкин.

14. Метафорик маъноли (мазмунли) бирликлар матн

www.ziyouz.com kutubxonasi

таркибида: а) тушунча ифодаси сифатида; б) вазият ифодаси сифатида; в) вазиятлар ифодаси сифатида воқе бўлади. Шунга мувофиқ тарзда метафорик маъноли (мазмунли) бирликларни сўз – метафоралар, бирикма – метафоралар, гап – метафоралар ҳамда матн – метафоралар сифатида ўрганиш лозим.

Ўзбек тилида яратилган насрий асарларда ассоциатив тафаккурга асосланган матн-метафоралар кўп учрайди. Бу каби матнларда матннинг ички семантикаси орқали бошқа бир мазмунга ишора қилинади. Бундай матнларда ифодаланган мазмун глобал характерга эга бўлиб, ўзаро алоқадорликда бўлган воқеа-ҳодисаларнинг иккиламчи номинацияси сифатида амал қилади. Метафораларга асосланган матнларда матн субъектининг метафорик маънода қабул қилиниши матндан англашилган макропропозициянинг ҳам ўқувчи онгида метафорик характер касб этишига олиб келади.

15. Замонавий ўзбек бадиий насридан олинган микроматнларни таҳлил қилиш натижасида ўзбек ёзувчиларининг тафаккур амалларидан бири бўлган ўхшатишдан унумли фойдаланишлари аниқланди. Хусусан, метафорик мазмунли матнлар бадиий коммуникациянинг энг фаол воситаларидан биридир. Бадиий асарларда кўп учрайдиган жонлантириш ва тасаввур асосидаги матнлар ҳам ўхшатиш амалининг маҳсули сифатида намоён бўлади.

Юқоридаги матн турларининг аксариятида ўзбек миллатининг анъанавий фикрлаш тарзи ва субъектив муносабати ўз ифодасини топган. Бинобарин, бу каби матнлар миллий-маданий белгиларни ўзида сақловчи ва уларнинг давомийлигини таъминловчи лингвомаданий бирликлар сифатида яна кўплаб тадқиқотларнинг объекти бўла олади, деб хулоса қилиш мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Durdona Khudoyberganova. Anthropocentrik investagition of the Text (Summary)

Investigation of the text from anthropocentric point is one of the actual problems of Uzbek linguistics. By the interpretation of this problem one can specify the level of Uzbek speaking people's language intellect, national associative thought and linguistic competence.

In this monography the author scientifically analyzed points of view devoted to world linguistics' anthropocentric paradigm and also showed the factors of analyzing Uzbek texts on the basis of this paradigm.

In this thesis the author analyzed Uzbek texts on the basis of cognitive-semantic features, particularly cognitive structures' place in making texts, in Uzbek expressing concept by text are also analyzed on the basis of Uzbek cognitive metaphor's peculiarities, Uzbek language's artistic talk and journalistic methods materials.

In this monography, psycholinguistic sides of the text creating is generalized and this problem is described with the help of Uzbek texts. Giving mental state of person and accentuating language's units are defined in works written by Uzbek writers.

In monography associative thought and language units' connections are also described and is analyzed in the perception of the text the place of words which include into associative fields on the basis of Uzbek materials. In this research linguo-culturological research of Uzbek take place and the place of precedent-related texts, linguo-culturological units, especially, assimilation, metaphor and metonymy. In this monography a lot of news are created connected with text's linguistic peculiarities in Uzbek linguistics. Particularly, the place of cognitive structures in Uzbek text creating, artistic concept's creating by text, Uzbek precedent – related texts' intertextual peculiarities. It was not studied psychological accentuation's language representation in Uzbek text till our days. It shows the theoretical and practical importance of results taken from dissertation.

In this work the author used the following linguists' points of view: J. Lakoff, M.Johnson, T.A.Van Dijk, H.Chomskiy, U.Chafe, E.Rosh, Yu. N.Stepanov, L.V.Sherba, A.A.Leonteev, N.I.Jinikin, E.S.Kubryakova, V. Z. Demyankov, V.A.Maslova, A.P.Belyanin, M.Mirtojiev, A.Nurmonov, N. Mahmudov, Sh.Safarov.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди дис. ... автореф. – Тошкент, 2008.

Актисова О.А. Синтаксические средства реализации концептов в аспекте эволюции типов повествовательной речи: На материале описаний в романах "Преступление и наказание" Ф.М.Достоевского и "Мастер и Маргарита" М.А.Булгакова: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2006.

Алефиренко Н. Спорные проблемы семантики. – М.: Гнозис, 2005.

Арбузова В.Ю. Прецедентность в русском языке как лингвистический и культурный феномен: На материале научных и эпистолярных текстов: Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – Елец, 2007.

Артемова О.Е. Лингвокультурная специфика текстов прецедентного жанра "лимерик": На материале английского языка: Дисс... канд. филол. наук. – Уфа, 2004.

Арутюнова Н.Д. Фактор адресата // Известия АН СССР. Серия литературы и языка. Т. 40. 1981. – № 4. – С. 356– 367.

Арутюнова Н.Д. Лингвистические проблемы референции // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XIII. Логика и лингвистика. – М.: Радуга, 1982. – С. 5– 40.

Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка. Событие. Факт. – М.: Наука, 1988.

Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс / Теория метафоры. – М., 1990.

Арутюнова Н.Д. Дискурс / Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990.

Баженова Е.Ю. Интегрированный подход к анализу процесса порождения текста // Вестник Челябинского государственного университета. Вып. 54. – 2011. – №13. – С. 31– 35.

Банникова С.В. Прецедентность как лингвокультурный фено-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мен (на материале английских и русских текстов): Дисс. ... канд. филол. наук. – Тамбов, 2004.

Белянин В.П. Основы психолингвистической диагностики (модели мира в литературе). – М.: Тривола, 2000.

Богин Т.И. Типология понимания текста. – Калинин: КГУ, 1986.

Боймирзаева С. Матн модаллиги. – Тошкент: Фан, 2010.

Боймирзаева С.Ў. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010.

Борьботко В.Г. Принципы формирования дискурса. От психолингвистики к лингвосинергетике. – М.: Ком Книга, 2007.

Будаев Э.В. Становление когнитивной теории метафоры // Лингвокультурология. Выпуск 1. – Екатеринбург, 2007. – С. 16–32.

Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008.

Валгина Н.С. Теория текста. – М.: Логос, 2003.

Васильев Л.А. Лингвистические аспекты понимания текста: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – СПб., 1999.

Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. – Москва, 2001. – № 1. – С. 64–68.

Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). –М., 2008.

Ворошилова Н.Б. Креолизованный текст: аспекты изучения // Политическая лингвистика. Вып. 20. – Екатеринбург, 2006. – С. 180–189.

Герасимова О.И. Косвенные высказывания и проблема конвенционализации // Психолингвистические проблемы семантики и понимания текста. Сб. научных трудов. – Калинин, 1986. – С. 142–143.

Горелов И.Н., Седов К.Ф. Основы психолингвистики. Учебное пособие. – М.: Лабиринт, 2001.

Горский Д.П. Обобщение и познание. – М.: Мысль, 1985.

Гудков Д.Б. Прецедентные феномены в языковом сознании и межкультурной коммуникации: Дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 1999.

Гунько Ю.А. Особенности функционирования прецедент-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ных высказываний в разговорной речи носителей русского языка: Дисс. .. канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2002.

Ван Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М., 1989.

Ван Дейк Т.А. Вопросы грамматики текста. Перевод с английской Т.Д.Корельской // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. VIII. Лингвистика текста. – М.: Прогресс, 1978.

Демьянков В.З. Политический дискурс как предмет политологической филологии //Политическая наука. Политический дискурс: История и современные исследования. – М., 2002. – № 3. – С. 32– 43.

Демьянков В.З. Процудирование, или порождение речи // Краткий словарь когнитивных терминов / Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. Под общ. Ред. Е.С.Кубряковой. –М., 1996. –С. 129–134.

Демьянков З.В. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода// Вопросы языкознания, 1994. – № 4. – С. 17–33.

Демьянков В.З. Понятие и концепт в художественном литературе и в научном языке. – Вопросы филологии. – М., 2001. – №1. – С.35–47.

Ермаков А.Е., Плешко В.В. Ассоциативная модель порождения текста задачей классификации // Информационные технологии. – 2000. –№12.

Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. – М.: Наука, 1982.

Залевская А.А. Введение в психолингвистику. Учебник для студентов высших учебных заведений. – М., 1999.

Залевская А.А. Текст и его понимание. – Тверь: ТвГУ, 2001.

Зусман В.Г. Концепт в системе гуманитарного знания: Понятие и концепт // Вопросы лингвистики. – 2003. – №2. – С.44–71.

Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида *АЁЛ* концептининг лингвокогнитив тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2012.

Иванова С.В. Лингвокультурологический аспект исследования языковых единиц: Дисс. … д-ра филол. наук. – Уфа, 2003.

Иссерс О.С. Коммуникативные стратегии и тактики русской речи. – М., 2006.

Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2008.

Канаева Е.Н. Текстовые функции логоэпистемы: Автореф. дисс. … канд. филол. наук. – М., 2007.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Караулов Ю.Н., Петров В.В. От грамматики текста к когнитивной теории дискурса // Ван Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М., 1989. – С.5–11.

Караулов Ю.Н. Русская языковая личность и задача её изучения // Язык и личность. – М., 1989.

Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987.

Караулов Ю.Н. Язык и личность. М., 1989.

Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд: Зарафшон, 1992.

Касевич В.Т. Семантика. Синтаксис. Морфология. – М.: Наука, 1988.

Ковшиков В.А., Пухов В.П. Психолингвистика. Теория речевой деятельности. Учебник для вузов. – М.: Астрель, АСТ, 2007.

Костомаров В.Г., Бурвикова Н.Д. Логоэпистемы из русских народных сказок в коммуникативном пространстве носителей русского языка. – М., 2005.

Коммуникативная и когнитивная природа понимания. Автор обзора: Нишанов В.К. – М., 1989.

Кравченко А.В. Знак, значение, знание. Очерк когнитивной философии языка. – Иркутск, 2001.

Кравченко А.В. Язык и восприятие: когнитивные аспекты языковой категоризации. – Иркутск, 1996.

Красных В.В. Виртуальная реальность или реальная виртуальность. – М., 1998.

Красных В.В., Гудков Д.Б., Захаренко И.В., Багаева Д.В. Прецедентные феномены в лингвистике // Вестник Московского университета. Серия 9. Филология.

Красных В.В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология. – М., 2002.

Краткий словарь когнитивных терминов. Составители: Кубрякова Е.С., Демьянков В.З.,Панкрац Ю.Т., Лузина Л.Г. – М., 1997.

Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М.: Наука, 1986.

Кубрякова Е.С. О тексте и критериях его определения // Текст. Структура и семантика. Т.1. – М., 2001.

Кубрякова Е.С. Образы мира в сознании человека и словообразовательные категории как их составляющие // Известия РАН. Серия литературы и языка. – 2006. Т.65. – №2. – С.1–14.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кубрякова Е.С. Роль номинативного аспекта в речевой деятельности. – М.: Наука, 1986.

Кузьмина С.Е. Понятие "синтаксический концепт" в лингвистических исследованиях / Вестник ЧелГУ. – 2012. – № 17. Филология. Искусствоведение. Вып. 66. – С. 87–90.

Лакофф Дж. Лингвистические гештальты // Новое в зарубежной лингвистике. Вып X. – М., 1981. – С. 350–368.

Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем (Перевод Н.В. Перцова) // Теория метафоры. – М., 1990. – С 387–415.

Леонтьев А.А. Речевая деятельность // Основы теории речевой деятельности. – М., 1974.

Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990.

Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2012. – Б. 212–220.

Маслова В. Лингвокультурология. Учеб. пособие. – М.: Academia, 2001.

Маслова В.В. Лингвокультурология в системе гуманитарного знания / Критика и семиотика. Вып. 7. – 2004. – С. 238–243.

Мартинович Т.А. Типы вербальных связей и отношений в ассоциативном поле // Вопросы психологии. – Москва, 1998. – № 2. – С. 143–147.

Махмудов Н.М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1984.

Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 23–27.

Маҳмудов Н. Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3–16.

Минский М. Остроумие и логика когнитивного бессознательного // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XIII: Когнитивные аспекты языка. – М., 1988. – С. 281–304.

Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1992.

Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент, 2010.

Михайлов В.А. Личностный смысл и прагматика // Мышление и коммуникация. – Москва, 1990. – С. 93–98.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Молчанова Г.Г. Семантика художественного текста. – Ташкент, 1988.

Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент, 1978.

Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Тошкент: Шарқ, 2005.

Нишанов В.К. Феномен понимания: когнитивный анализ. – Фрунзе: Илим, 1990.

Новиков А.И. Семантика текста и её формализация. – М.: Наука, 1983.

Новиков А.И. Текст как объект исследования лингвопсихологии // Методология современной психолингвистики. Сборник статей. – Москва; Барнаул: Изд-во Алт. ун-та, 2003.

Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск VIII. Лингвистика текста. – М.: Прогресс, 1978.

Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992.

Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. – Тошкент: Академнашр, 2012. 2-жилд.

Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. –Тошкент: Академнашр, 2012. 3-жилд.

Орлова Н.М. Библейский текст – как прецедентный феномен: Дисс. ... д-ра филол. наук. – Саратов, 2010.

Основы теории речевой деятельности. – М., 1974.

Петров В.В. Философские аспекты референции // Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Радуга, 1982. – С. 406–414.

Пешкова Н.П. Психолингвистические аспекты типологии научного текста: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Уфа, 2002.

Пименова М.В., Кондратьева О.Н. Концептуальные исследования. Введение: учебное пособие. – М.: Флинта, 2011.

Пьего-Гро Н. Введение в теорию интертекстуальности. –М.: ЛКЦ, 2008.

Рыбникова В.А. Языковая концептуализация социума. – Краснодар, 2011.

Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2010.

Самигуллина А.С. Метафора в когнитивном-семиотическом освещении: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Уфа, 2008.

Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.

Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004.

Серебренников Б.А. Роль человеческого фактора в языке. – М.: Наука, 1988.

Слышкин Г.Г. От текста к символу. Лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании дискурса. – М.: Academia, 2000.

Сов. Энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1989. – С. 409–410.

Сорокин Ю.А. Психолингвистические аспекты изучения текста. – М., 1985.

Сорокин Ю.А. Текст: цельность, связность, эмотивность // Аспекты общей и частной теории текста. – М., 1982. – С. 61–73.

Сэпир Э. Статус лингвистики как науки // Избранные труды по языкознании и культурологии. – М., 1993. – С. 259–265.

Тамберг Ю. Учись соображать. –Екатеринбург: У-фактория, 2007.

Тарасова И.А. Художественный концепт: диалог лингвистики и литературоведения // Лингвистика. Вестник Нижегородского ун-та. – 2010. – № 4(2). – С. 742–745.

Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа "Языки русской культуры", 1996.

Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990.

Ткаченко И.Г. Подходы к трактовке текста и художественного концепта в современной линвистике. // И.Г.Ткаченко, Ю.Г.Мурка // Филологические науки в России за рубежом. Материалы международ.заоч.науч. конф. (г.Санкт-Петербург, февраль 2012 г.) – СПб.: Реноме, 2012. – С. 173–175.

Турниёзов Н. Матн лингвистикаси (Маърузалар матни). – Самарқанд: СамДЧТИ, 1004.

Турниёзов Н., Турниёзова Ш. Фрейм ва унинг прагматик мавқеи хусусида баъзи мулоҳазалар // Хорижий тил таълимининг когнитив-прагматик тамойиллари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд, 2007. – Б. 6–8.

Турниёзова Ш. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фалсафа. Қомусий луғат. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2004.

Фурс Л.А. Синтаксически репрезентируемые концепты: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Тамбов, 2004.

Хегай В.О. О понятии дискурс / Филология масалалари. – Тошкент, 2006. – № 2 (11). – С. 63–66.

Хоанг Фэ. Семантика высказывания // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XIV. Компьютерная лингвистика. – М.: Прогресс, 1989. – С. 399–405.

Хрестоматия по истории психологии. – М., 1980.

Худайберганова Д. Семантический и стилистический анализ конструкций уподобления в узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1989.

Человеческий фактор в языке. Язык и порождение речи. –М., 1991.

Чувакин А.А. Теория текста: объект и предмет исследования // Критика и семиотика. Вып. 7. – М., 2004.

Чумак-Жунь И.И. Дискурсивное пространство поэтического текста: образное слово в русской лирике конца XVIII – начала XXI веков: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Белгород, 2009.

Шведова Н.Ю. Избранные работы. – М., 2005.

Щербатых Ю.В. Общая психология. – СПб.: Питер, 2008.

Шпильман М.В. Коммуникативная стратегия "речевая маска" (на материале произведений А.и Б. Стругацких): Дисс. ... канд. филол. наук. – Новосибирск, 2006.

Юлдашев М.М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 2009.

Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.

Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967.

Интернет материаллари:

ru wikipediya.ord / wki / Ассоциация_ (психология).

http: / www krugsovet ru: Дискурс.

http://www. Nbuv. Gov. ua/portal/Soc-Gum/ls 2008-17/dorofeev/pdf.: Дорофеев Ю. Антропоцентризм в лингвистике и предмет когнитивной грамматики.

jurnal. /articles/ 2009 / FMI 45. htme.: Рябов А.Т. Метафоры в свете когнитивной теории.

www.ziyouz.com kutubxonasi

http : analiculturolog / ru component / R 2 / 409 – article html: Комарова Л.И. Современные подходы к изучению художественного текста / Аналитика культурологии.

http www philology / ru/ linguistics 2 / narhimova 07 htm.: Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации.

www.pglu.ru / vestnik / detail / php? /: Будаев Э.В. Когнитивная теория метафоры: генезис и эволюция.

htti:/ www gumer. Info / biblioter – Burs / Linguist / maslova / 06 / php.: Маслова В.А. Человек в зеркале сравнения.

http: // rtsu slavist./t index php? option=com conten tack wiew & id=149 & itemed=80

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3
1-БОБ. МАТННИНГ АНТРОПОЦЕНТРИК ТАЛҚИНИ 11
1.1. Матнни когнитив-семантик тадқиқ этиш муаммолари 11
1.2. Нутқ яратилишининг психолингвистик талқини 21
1.3. Матн психолингвистик ёндашувлар талқинида 25
1.4. Матннинг лингвокультурологик тадқиқи 31
2-БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИНГ КОГНИТИВ-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ 37
2.1. Макропропозиция ва матн 37
2.2. Ўзбек тилида концептнинг матн орқали ифодаланиши 41
2.3. Когнитив метафоралар 47
2.4. Матн яратилишида гештальтнинг ўрни 50
2.5. Матн ва шахснинг дискурсив фаолияти 55
2.5.1. Шахс ва матн референцияси 55
2.5.2. Матн ва коммуникатив стратегия 59
3-БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ 63
3.1. Ўзбек тилидаги матнларда шахс руҳий ҳолатининг ифодаланиши ... 63
3.2. Матн мазмуний идрокининг хусусиятлари 69
3.3. Матн мазмуний идрокида реципиентнинг роли 78
3.4. Тил ва ассоциатив тафаккур алоқаси 81
4-БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ 87
4.1. Прецедент бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни 87
4.2. Лингвомаданий бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни 93
4.2.1. Ўхшатиш мазмунли матнлар 93
4.2.2. Метафораларнинг матн яратилишидаги ўрни 101
4.2.3. Жонлантириш асосидаги матнларнинг лингвокультурологик хусусиятлари 110
4.3. Тасаввур асосидаги матнлар 113
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР 119
Durdona Khudoyberganova. Anthropocentrik investagition of the Text (Summary) 124
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 125

www.ziyouz.com kutubxonasi

CONTENTS

INTRODUCTION **3**
CHAPTER 1. ANTHROPOCENTRIC INTERPRETATION OF THE TEXT **11**
1.1. Problems of Cognitive and semantic research of the text 11
1.2. Psycholinguistic interpretation of making speech 21
1.3. The text is under the interpretation of psycholinguistic approaches 25
1.4. Lingo – culturological research of the text 31
CHAPTER 2. COGNITIVE SEMANTEC peculiarities of Uzbek TEXTS **37**
2.1. Macro proposition and text 37
2.2. Expressing the concept text 41
2.3. Cognitive metaphors 47
2.4. Models role in marring text 50
2.5. Person and text reference 55
2.6. Text and communicative strategy 59
CHAPTER 3. PSYCHLINUISTIC PECULIARITEES OF UZBEK TEXTS **63**
3.1. Uzbek texts expressing persons mental state 63
3.2. Peculiarities of understanding the texts meaning 69
3.3. The role of recipient in understanding the texts meaning 78
3.4. Connection between language and associative taught 81
CHAPTER 4. LINGO-CULTUROLOGICAL PECULIARITEES OF UZBEK TEXTS **87**
4.1. The place of precedent-related units in making texts 87
4.2. The place lingo -cult urological units in making text 93
4.2.1. Texts which have assimilating meanings *93*
4.2.2. The rose of metaphors in making texts *101*
4.2.3. Lingo -culturological peculiarities of the text the base of enlivening ... 110
4.3. Texts based on the imagination 113
GENERAL CONCLUSIONS **119**
Durdona Khudoyberganova. Anthropocentrik investagition of the Text (Summary) **124**
THE LEST OF USED LITERATURE **125**

www.ziyouz.com kutubxonasi

81.2Ўзб
Х 87
Худойберганова, Дурдона
Матннинг антропоцентрик тадқиқи / Д.Худойберганова; масъул муҳаррир Н.Маҳмудов; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси; Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти. –Тошкент: Фан, 2013. – 136 б.

УЎК: 811.512.135
КБК: 81.2Ўзб

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган

Муҳаррир: *М.Содиқова*
Мусаҳҳиҳ: *М.Абидова*
Техник муҳаррир, саҳифаловчи: *Д.Абдуллаев*

Нашриёт лицензияси AI №138, 27.04.2009 й.
Нашриёт рақами: з-24. Теришга берилди 18.04.2013.
Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 01.05.2013.
Қоғоз бичими 60x84$^{1}/_{16}$. Cambria гарнитураси. Офсет босма.
Офсет қоғози. Нашриёт-ҳисоб т. 8,0. Босма-шартли т. 7,44.
Тиражи 500 нусха. Келишилган нархда.

ЎзР ФА "Фан" нашриёти. 100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.
Тел./факс (8-371) 262-80-65, 262-70-40.
E-mail: fannashriyot@yandex.com

ЎзР ФА "Фан" нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди. 14-буюртма.
100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

"Ko'hi-nur" МЧЖ босмахонасида муқоваланди.
100097, Тошкент, Бунёдкор шоҳкўчаси, 44-уй.

www.ziyouz.com kutubxonasi